

F.R. 496  
1980/II



11  
1980

ДКБ  
М







# САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛ

ГБ УДООР  
Ж

Инсоният тарихида янги давр очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг бузилмас бирлиги!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПССнинг XXVI съездини муносаб кутиб олайлик!

Ленин байроби остида, Коммунистик партия раҳбарлигидаги — коммунизм ғалабаси сари олға!

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 63 йиллигига Чақириқларидан

Ўзбекистон меҳнатнашлари, барча қардош совет халқлари каби, ўнинчи беш йиллини муваффақиятли якунламондадар. Мамнуният билан айтиш мумкинни, «оқ олтин» ўниси меҳнат аҳли КПСС XXV съездининг асосий йўналишларида белгилаб берилган улкан вазифаларни тўла-тўнис ва аъло даранада амалга ошириди, халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида натта галабаларни кўлга киритди. Пахтаниндаги муваффақиятларимиз айниқса салмоқлидир. Ўтоқ Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон пахтасининг мамланат экономиниасида тутган ғоят шарафли ўрнини белгилаб берар эзан, республика меҳнатнашлари бу қимматли экиннинг рекорд ҳосили чўқисини тобора баланд кўтариб боришига совет нишилари ўрганиб қолдилар, деб таънидлади. Дарҳақиқат, ўнинчи беш йиллигининг ўтган тўрт йили мобайнинда республикада пахта этишириш 14 процентдан зиёдроқ ошиди. Ўзбек пахтакорлари Ватанга 22 миллион 300 минн тонна ёки пландагидан 500 минн тонна кўпроқ «оқ олтин» етказиб бердилар. Ана шу ҳосилнинг асосий қисми механизмлар ёрдамида териб олинди. Бу йил эса, Ўзбекистон пахтакорлари сентябрь ойидаёт 3 миллион тонналик марданн эгалладилар. Тошкент облости меҳнаткашлари пахта тайёрлаш бўйича ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари — 29 сентябрда бажардилар: давлат қабул пунктларига 2 миллион 95 минн 849 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Йигим-терим мавсумининг қаҳрамонлари — илгор механизаторлар мавсумда 200—300 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта, териб, юнсан меҳнат унумдорлигига эришдилар. Ўзбекистон партия ташкилотининг доимий доно раҳбарлиги остида йигим-терим мавсумини тобора қизғин тус олди, республика меҳнаткашларининг гайрат-шиюоти натижасида бу йил 6 миллион тонналик улкан хирмон соат сайин юнсалди, йиллини план ва социалистик маҳбуряниятларини ортиги билан адо этган колхоз-совхозлар, районлар, областлар сафи кунмакун тўлиб борди. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа республикамиз меҳнаткашларининг ижодий меҳнатига мисли нўрилмаган даранада кўтаринки руҳ багишлади, Фарғона облости, Ўзбекистон районидаги «Ганиобод» совхозининг илгор механизатори коммунист Камолиддин Зоҳидов каби ижодий меҳнат ўзишувни гонибларини зъозозлаш эса анъана бўлиб қолди.

Ш. ОЛИМОВ фотоси.

1

АВРИМИЗ ажойиб саналарга, кашфиётларга бой: Улуғ Ватан урушида қозонилган тарихий ғалабамиз, Юрий Гагарин парвози, БАМ ва Мирзачўл эпопеяси, шоирлару адилларимиз, санъаткорларимизнинг йигирманчи юз йилликка абадия бағишлидиган асрлари... Аммо башарият даҳосини намоён қиласидан бу воқеалар, кашфиётлар ўз тарихий тақдирлари, рўёбга чиқиш сабабларига кўра бир улуғ кун олдида бурчлидирлар. Зоро, у зулм, разолат дунёсини тор-мор этиб, тараққийпарвар инсонияти Менҳат, Ҳақиқат, Озодлик, Тенглик, Тинчлик, Баҳт-саодат йўлига бошлаб олиб чиқсан, энг инсоний орзу, мақсадларга, санъат ва маданиятга чинакамига ҳаёт бағишилаган, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган кундир.

7 ноябрь — музофар марксизм-ленинизм таълимотининг тимсоли. Шунинг учун жаҳон меҳнаткашлари, Совет диёри, социалистик ҳамдустлик лагеридаги барча эллар Октябрь байрамини пролетариатнинг улуғ доҳийлар Карл Маркс, Фридрих Энгельс, Владимир Ильич Ленин иштирокида ўтадиган эзгулик тантанаси, марксизм-ленинизм ғояларига садоқат имтиҳони деб биладилар.

Доҳиймиз Ленин, юбилейларни амалий иш манбаатларига бўйсундириш лозим, деб ўргатган эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллик тўйи нишонланадиган шу кунларда совет халқи амалга ошираётган яратувчилик иши эса моҳиятан ҳам, миқёси жиҳатидан ҳам улуғдир. «Партия барча регионларни, бизнинг жуда катта халқ ҳўжалигимизнинг ҳамма тармоқларини қамраб олган ҳақиқатан ҳам кенг кўламдаги вазифаларни ўртага қўйишни зарур деб хисоблашмоқда. Айни вақтда бу вазифалар — реал вазифалар, албатта, деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев, Қозогистон ССР ва Қозогистон Коммунистик партиясининг 60 йиллигига бағишиблаб Олмаотада ўтказилган тантаналик мажлисдаги ёрқин нутқида. Бинобарин, Коммунистик партия раҳбарлиги остида совет нишилари КПСС XXV съезди кўйган мухим вазифаларни сидқидилдан адо этмоқдалар, жамоат ишлаб чиқариши самародорлиги ва иш сифатини ошироқмадалар.

Ўнинчи беш йиллик ҳам, ҳудди олдингилари каби, жонажон мамлакатимизга, хусусан серқуёш республикамизга экономика, фан, маданият соҳасида юксак парвозлар бахш этди, халқ турмушининг муттасил фаровонлашиб боришини таъминлади. Бу қонуний ҳол, албатта. Чунки ҳалқимизнинг бунёдкор меҳнати беш йиллигининг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқасига янгича мазмун, ўзига хос ижодий қиёфа бағишиламоқда. Техника тараққиётини белгилаб берадиган соҳаларнинг юксак

суръатлар билан ривожланадиган, саноат маҳсулоти меҳнат самарадорлигини ошириш ҳисобига борган сари кўпроқ ишлаб чиқариладиган айниқса ибратлидир. Олмалиқ, Навоий, Чирчиқ, Муборак каби истиқболли шаҳарларнинг саноати ўнинчи беш йиллик давомида жадал суръатлар билан, ҳар тарафлама тараққий топди.

Шарқ машъали — тўрт орденли Ўзбекистон меҳнаткашлари барча қардошлар билан ҳамқадам бўлиб коммунистик қурилиш йўлидан дадил одимлаб бормоқдалар. Серқуёш ўлкамизнинг бу йилини — беш йилликнинг якунловчи йилини саноат, қишлоқ ҳўжалиги, фан, маданият жабҳасида илгари қараб катта қадамлар ташланган йил деб аташга ҳақлимиз.

Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишиланган тантанали мажлисда: «Партия бажарган жуда катта ишнинг, миллионлаб ишчилар ва колхозчилар, олимлар ва маданият арбоблари қилган фидокорона меҳнатнинг самараларини Ўзбекистоннинг бугунги равнақида фахрланиб кўриб турибмиз. Сизларнинг ҳашаматли шаҳарларингизни, замонавий заводларингиз ва фабрикаларигизни, эъзозлаб парвариши қилинган далаларингизни ва яшнаб турган боғларингизни кўрган кишининг кўнгли қувонади», деган эди. Бу ажойиб сўзларнинг бугун — ўнинчи беш йилликнинг якунловчи кунларида эслашимиз табиий. Чунки эндиликда шаҳарларимиз янада улуворроқ, гўзалароқ бўлиб қолди, завод ва фабрикаларимиз кудратига курдат, далаларимиз, боғларимиз саҳоватига саҳоват қўшилди.

Бу йил офтоб йили, дэҳқону пиллакорнинг қувончли йили бўлди. Ўзбекистоннинг пилла хирмони кўзларимиз ва дилларимизни қувонтиради. Фарғоналиқ Абдазхон ота Алигавҳаровнинг, хоразмлиқ Матвай ота Юсуповнинг оқ бешагу кўк гурвак қовунлари ҳар йилдагидан ҳам тотли. Қашқадарёлик чўлқувар Ҳаким ота Усмонов экиб ўстирган тўрлама гулоби, беҳзоди шерози қовунларини БАМ қурувчилари «Ўзбекистон эртаги» деб атайдилар. Бу йил республика боғроғларида етиширилган узум, анор, анжиру шафтоли, олма ხеъларнинг таърифи достонга сигмайди. Бу мўл-кўлчилик, маъмурлик дэҳқончилик учун қуляй келган об-ҳаво шароитинингги на эмас, замонавий техника билан қуролланган, фан ютуқларини қишлоқ ҳўжалигига кенг татбиқ этаётган дэҳқонларимиз иродаси, азму шижоати, фидокорона меҳнати шароғатидир.

Бу йил, дэҳқончилик учун қуляй келганидан ташқари, меҳнат коллективларининг давр талаби даражасида оқилона иш тутиши билан ҳам ажраби туради. Сифат, самарадорлик, юксак суръат саноат ҳодимларининг ҳам, дэҳқонларнинг ҳам

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Эт-  
No

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадиий журнали



№ 11 • (369)

Ноябрь  
1980

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

маънавий эҳтиёжига айланди. Шунинг учун ҳам ўн минглаб ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар съездолди социалистик мусобақаси байроқдори бўлдилар, беш йиллик топшириқларини 7 ноябртагача — муддатидан анча илгари бажардилар. Тошкентдаги «Малика» фирмасининг ишчиси Шоира Холмуҳамедова, ЎзССР ва республика Компартияси 50 йиллиги номидаги Тикувчилик бирлашмаси илғорлари Полина Новосельцева ва Галина Закритная икки беш йиллик топшириқларини сентябр ойида ётадо этдилар. Пойтахтдаги шу тикувчилик бирлашмасининг Райхон Турсунбоева ва Саноат Курбонова каби ишчилари ҳар куни бир ярим нормадан иш бажармоқдалар. Жилғалар бирлашса, дарё ҳосил бўлади: ишчиларининг ижодий меҳнати натижасида ЎзССР ва республика Компартияси 50 йиллиги номидаги Тикувчилик бирлашмаси колективи беш йилликнинг якунловчи йилида планга кўшимча равишда 2 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бирлашма ишлаб чиқаршининг ўсиши пландаги 125 процент ўрнига 155 процентни ташкил этди! Бундай ажойиб муввафқиятлар асоси — резервларни топиш, ижодий ташаббус, илғор таҳриби кенг кўллаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдир. «Бизда ҳар бир ишчи социалистик мусобақада енгид чиқишига интилади,— дейди Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида, Тошкент Трактор заводида, Чирчиқдаги қишлоқ хўжалик ва машинасозлик корхоналарида янги цехлар қурилмоқда, ишлаб турганлари янгиланмоқда. Бухоро ва Андикон тўқимачилик комбинатлари, Марғилон Абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси кенгаймоқда, равнак топмоқда. Саноат корхоналаримиздаги қурилишлар, ўсиш-ўзгаришлар шу қадар кўпки, уларнинг тавсифига сўз ётказиб бўлмайди!

Республикамида қурилиш миқёси чиндан ҳам кенг. Йилнинг биринчи яримида 30 мингга яқин оила ҳамма қулийкларга эга бўлган янги квартиralарга кўчиб кирди. Областларимизда, районларимизда ишлаб чиқариш корхоналари, электрстанциялар барпо этилмоқда, борлари янада мукаммалаштирилиб, замона талаблари даражасига етказилмоқда, туар-жой бинолари, мактаблар, болалар боқчалари ва яслилари, шифохоналар, клублар, кутубхоналар бунёдга келтирилмоқда. Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ зиёлилари учун кулаӣ, замонавий уйлар қад кўтармоқда. Ўлкамиздаги энг йирик қурилишлар КПСС XXVI съездиде шарафига бошланган социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтариб, «Муддатидан илгари қуриш — муддатидан илгари ишга тушириш!» шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

Республика иқтисадий потенциалининг ортиши тўғрисида сўзлагандан, қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак даражада ривожланган соҳасига

айлантариш, ҳосилдорликни ошириш, иқтисадий, молиявий ва меҳнат манбаларидан оқилона фойдаланиш йўлидан оғишмай, дадил бораётган дехқонларимиз меҳнатини эҳтиром билан зикр эта-миз. «Совет кишилари Ўзбекистоннинг меҳнатига баҳо берәётганларидан унинг серғайрат ва моҳир пахтакорларини доим яхши сўзлар билан эзга оладилар,— деб таъкидлайди ўртоқ Л. И. Брежнев.— Мўл ҳосил етишириб, уни териб олиш учун пахтакор нақадар қаттиқ меҳнат қилаётганлигини, ўз ишига нечоғлик кўп меҳр кўйганлигини биламиш».

Меҳр-эҳтиромга тўла шу сўзлар ўзбек пахтакорининг бу йилги меҳнати учун ҳам муносиб баҳо бўла олади. Республика колхоз ва совхозларида «оқ олтин» йигим-терими мисли кўрилмаган даражада тезкор суръат касб эти, Ўзбекистон партия ташкилоти йигим-терим мавсуми зўр ўюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлади, республика областлари, районлари, колхоз-совхозлари бошлаган ватанпарварлар ташаббусларини бир ўзанга моҳирона йўналтириб, қудратли ҳаётй кучга айлантириди. Теримнинг асосий оғирлиги механизмлар зиммасига юкланди. Иш иккни сменада ташкил қилинди. Бу йил ҳам ипатоволиклар методидан ижодий Фойдаландик. Мавсумнинг дастлабки кунларида ёк звенолар, бригадалар, колхоз ва совхозлар йиллик топшириқни шараф билан адо этиб, мажбурият хисобига пахта топшира бошлаганларни бежиз эмас. Таллимажон район «Коммунист» совхозидаги А. Носирова бошлиқ бригада чўлқуварлари йиллик планни икки иш кунида бажардилар. Қумкўргон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуғаффор Хўжаназаров бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» ундиридилар ва сентябр ойининг дастлабки кунларида ёк йиллик планни бажардилар. 6 миллион тонна ўзбек пахтаси республикамиз меҳнаткашларининг КПСС XXVI съездига муносиб меҳнат совғасидир.

Фидокорона меҳнат албатта тақдирланади. Республика қишлоқ миришкорлари муносиб кў-



Республикамида кенг қулоч ёйган ўнлар ҳаракатининг ташаббускорларидан бири — Тошкентдаги «Малика» Трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Шоира Холмуҳамедова икки беш йиллик топшириғини шу йил сентябр ойининг бошларида ёк муввафқиятли бажарди. Шу муносабат билан «Малика» бирлашмасида бўлиб ўтган митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Хурмат белгиси» ордени кавалери Шоира Холмуҳамедовага йўллаган табрикнома ўқиб эшилтирилди. Коммунист Шоира Холмуҳамедова нормадагидан икки марта кўп — 4 тўкув агрегатида ишламоқда. Ўз маҳсулотларининг 16 процентдан кўпроғини Сифат

белгиси билан ишлаб чиқараётган бирлашманинг М. Қодирова, А. Гладкова, Н. Эргашева, С. Ягудина ва Л. Ферзалина каби тўқувчилари ҳам ўн йиллик топшириқларини бажариб бўлдилар. 280 тўқувчи эса беш йиллик планни адо эти. Суратда: ўнлар ҳаракатининг байрондорларидан бири, ўн йиллик топшириғини шараф билан адо этган Шоира Холмуҳамедова (чапдан бешинчи) ўз дугоналари — ишлаб чиқариш илғорлари Матлуба Фаниева, Масъуда Тошматова, Муяскар Ҳайитбоева, Ибодат Турсунова, Васила Мирпӯлатова, Матлуба Аҳророва билан ўн биринчи беш йиллик режалари ҳақида ўртоқлашмоқда.

А. ЖДАНОВ фотоси

рилган юксак мукофот шундан далолат беради. 1979—1980 йилларнинг қиши фаслида чорвачилик маҳсулотлари етишириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларига мувофиқ Ўзбекистон ССР КПСС Марказий Комитети, ССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди. Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд ва Тошкент областлари, республиканинг 14 райони, 32 колхози, совхози, башқа қишлоқ хўжалик корхоналари колективлари ҳам Бутуниттифоқ мусобақасининг ғолиблари деб топилиб, Фахрий ёрликларга сазовор бўлдилар.


«Республика партия ташкилоти пахта етишириши кўпайтириш билан бирга қишлоқ хўжалиги тармоқларини ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида уни комплекс ривожлантириш программасини изчиллик билан амалга ошироқда, чорвачиликни жадал ривожлантиришга кунт билан ҳаракат қилмоқда,— деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов.— Бу ишда биз КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматидан доимий ёрдам ва мадад олиб турибиз. Бир йил муқаддам ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан КПСС Марказий Комитети ва ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидә» деб қабул қилинган қарори бунинг яққол далилидир. Бу ҳужжат биз учун чинакам тарихий аҳамиятга эгадир, чунки у бизнинг халқ хўжалиги мана шу ҳаётйи мухим тармоғини юксалтириш билан боғлиқ бўлган энг зарур проблемаларимизни ҳал этади».

Модомики шундай экан, республикамиз бу қадар иқтисодий камолотга эришаётгани, меҳнаткашлар турмуши тобора яхшиланиб бораётгани қонунийдир. 1980 йилнинг биринчи ярмида ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ўртacha иш ҳақи 152 сўмни ташкил этди, яъни ўтган йил шу даврга нисбатан 2 процента кўпайди. Агарда ўртacha ойлик иш ҳақига жамоат фондлари тўловлари ва имтиёзлари қўшилса, ишчи ва хизматчининг ойлик даромади 228 сўмни ташкил этади. Колхозчилар меҳнатига ўтган йилгига нисбатан 5 процент кўпроқ ҳак тўлана бошланганини ҳам айтиб ўтиш керак. Тошкент Қишлоқ хўжалиги заводида 1 минг 132 ишчини бирластирадиган 96 бригада одатдаги кунлик нормадан оширилган кунлик нормада ишлашга кўчди, натижада меҳнат самардорлиги 21 процента ўсади, ўртacha иш ҳақи эса 16 процента кўпайди.

Беш йилликнинг ана шундай қувончли воқеаларга бой якунловчи йили давом этмоқда. КПСС XXVI съездид, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илфорлари КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил Июнь пленуми қарорларини таҳлил этиш жараёнда ўз имкониятларини яна бир марта танқидий ўрганиб чиқдилар ва оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. 4 мингдан ортиқ корхона, қурилиш меҳнат аҳли, 35 минг бригада, ферма, цех коллективлари, 1 миллиондан кўпроқ ишчи, хизматчи ана шу ватанпаварлик ташаббусини қўллаб-куватлади. Бу рақамлар республикамиз ишчилари, пахтакорлари, зиёлиларининг бунёдкор меҳнати, файрат-шижоати қўлламини ва қудратини ёрқин намоён этади. Зоро, биргина Тошкент шаҳридаги 65 корхона колективи, 266 цех, ишлаб чиқариш илфорларидан 62 минг киши беш йиллик топширигини муддатидан уч ой илгари бажариб бўлди. Сентябрда бошларида 121 корхона,— ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатига кўра,— 1980 йил охирiga мўлжалланган мэррани эталлади. 104 бригада ва 3 минг 720 ишлаб чиқариш пешқадами иккى беш йиллик топшириклиарни адо этди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида республикамиз пойттахи саноат маҳсулоти 42 процента ўсади.

Барча совет халқи каби, Ўзбекистон ишчилари, қишлоқ хўжалики ходимлари, зиёлилари коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида дадил одимлаб, ўнинчи беш йиллик якунловчи йилининг ҳар бир кунини бунёдкор меҳнатлари билан бойитмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил Июнь пленумидаги ёрқин ва сермазмун нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев берган йўл-йўриқларни тўла-тўйис амалга оширишга интилмоқдалар.

Ўзбекистон республикаси Улуғ Октябрь социалистик революциянинг шонли 63 йиллик байрамини қардош совет халқларининг тутув интернационал оиласида ленинча ишчанлик билан кутиб олар экан, экономика, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият соҳасидаги— ҳар тарафлами камолотини, ленинча миллий сиёсат тантанасини жаҳон миқёсида яна бир марта на мойиш этмоқда.



## БАШАРИЯТ ДАҲОСИ

Фридрих Энгельс тугилганига 160 йил тўлиши муносабати билан

Жаҳон пролетариатининг буюк доҳийлари К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин ўзларининг бутун ҳаётларини ва инқилобий фаолиятларини меҳнаткаш ҳалқларнинг озодлиги учун курашга бағишиладилар. Уларнинг ўлмас номлари, марксизм-ленинизмдек курдатли назариянинг асосчилари сифатидаги мангу барҳаёт сиймолари коммунизм тантанаси учун кураш бўйлиб қолди.

Маркс ва Энгельс қирқ йил давомида илмий ишда ҳам, революцион курашда ҳам доим ҳамкорлик қилдилар. 1844—1846 йилларда ёзилган «Муқаддас оила» ва «Немис идеологияси» аспарлари ана шу ижодий ҳамкорликнинг дастлабки самараси эди. Маркс ва Энгельс ўзларининг бу аспарларида пролетар илмий дунёқарашини— диалектик ва тарихий материализм таълимотини ишлаб чиқдилар.

Марксизм асосчиларидан бири Ф. Энгельс 1820 йил 28 ноябрда Пруссия қироллигининг Рейн вилоятидаги Бармен шаҳрида туғилди. У гимназияда ўқиб юрган чоғларида ётимий ва назарий маълумотини оширишга киришиб, ўша даврнинг сиёсий, ижтимоий масалалари билан астойдил шуғуллана бошлади, ижтимоий фанларни, хусусан, фалсафани кунт билан ўрганди.

Гарчи у дастлаб ёш гегелчилар гурӯҳининг сўл қанотига мансуб бўлса ҳам, аслида революцион-демократик кураш ғоясига мойил эди. Энгельс ўша вақтдаёқ ижтимоий тараққиёт жараёнида халқ оммасининг ҳал қилювчи ролини инкор этган сафдошларига кескин зарба берди. «Шеллинг ва башорат» деган асарида идеалист Шеллингнинг реакцион қарашларини фош этди.

Ўша йиллари Энгельс Англия саноатининг маркази бўлган Манчестерга кўчиб, ишчилар синфининг аянчли аҳволи билан яқиндан танишади. Ишчилар ҳаракатининг етакчилари билан алоқа боғлади, утопист-социалистлар, инглиз иқтисодчилари аспарларини танқидий ўрганади.

1845 йили унинг «Англия ишчилар синфининг аҳволи» деган асари нашр этилди. Бунда у ишчилар синфининг ҳаддан ташқари хукуқсизлиги ва ғоят оғир иқтисодий аҳволини таҳлил қилиб, бу аҳвол пролетариатни ўз озодлиги учун курашга мажбур этажаги ва социализм ишчилар синфи сиёсий курашининг мақсадига айланажагини асослаб берди. В. И. Ленин ифодаси билан айтганда, бу асар жаҳон социалистик адабиётидаги энг яхши аспарлардан бўлиб, капитализм ва буржуазия дунёсини фош қилган кескин айнома эди.

Ф. Энгельс К. Маркснинг содик сафдоши ва

самимий дүстүр эди. Улар ҳам шахсий, ҳам ижтимои-сиёсий ҳаётта бир-бирларига ҳамиша ҳамнафас бўлдилар. Уларнинг ҳаёти бир-бирига шу қадар уйғулашиб кетган эдики, Энгельс тўғрисида гапирганды Марксни, Маркс тўғрисида сўзлаганда Энгельсни назарда тутмаслик мумкин эмас.

«Қадимги афсоналарда самимий дўстлик тўғрисида турли-туман ҳикоялар бор,— деб ёзган эди В. И. Ленин.— Европа пролетариати бизнинг фанизмизни иккى олим ва курашчи вужудга келтирди, деб айтса бўлади. Бу иккى олим ва курашининг бир-бирига муносабати қадимги афсоналарда ҳикоя қилинган одамларнинг энг самимий дўстлигидан ҳам зўрроқдир. Энгельс ҳамиша ўзини Марксдан кейинга қўяди ва умуман бундай қилиши мутлақо тўғри эди. У ўзининг бир ошинасига: «Маркс тирик вақтда мен унга ёрдамчи эдим», деб ёзади. Энгельс Марксни ҳаётини вақтида севарди ва вафот қилганидан кейин ҳам унинг хотирасини бениҳоя ҳурмат қилди. Бу ажойиб курашчи ва жиддий мутафаккирнинг қалби меҳрибонлик тўғуларига тўла эди».

К. Маркс каби Ф. Энгельс ҳам ўзининг илмий-назарий фаолиятини ишчилар синфи ўтасидаги амалий иш билан боғлаб олиб борди. Маркс сингари у ҳам, маҳфий иш кўраётган немис «Коммунистлар союзига билан алоқа боғлади. Союз топшириги билан дастлаб «Коммунизм принципларига асарни, сўнгра Маркс билан ҳамкорликда «Коммунистик партия манифести»ни ёди. Улар «Манифест»да буржуа жамиятининг ҳалокати ва ишчилар синфининг ғалабаси муқаррарларигини илмий ва амалий исботладилар, пролетар партиясининг вазифаси ва программасини баён этдилар. «Бу асарда,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— янги дунёқараш, яъни ижтимои ҳаётни ўз ичига олган изчил материализм, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммәл диалектика, синфи кураш назарияси ва янги коммунистик жамият исходчиси бўлган пролетариатнинг оламшумултариҳий революцион роли тўғрисидаги назария асослаб берилган».

К. Маркс билан Ф. Энгельс ижтимои тафаккур тарихида биринчи бўлиб диалектик ҳамда тарихий материализмни ишлаб чиқдилар ва фалсафада буюк жасорат кўрсатдилар.

Пролетар илмий дунёқарашини ишлаб чиқишида Маркснинг содик ёрдамчиси ва маслақдоши бўлган Энгельс ўзининг «Анти Дюоринг» (1878), «Табиат диалектикаси» (1873—1883), «Социализмнинг хаёлдан фанга ривожланиши» (1880), «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» (1884), «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири» (1889) каби асарлари билан ҳам марксизм хазинасини бойитди.

Маркс билан Энгельс ижтимои тафаккур тарихида биринчи ўлароқ изчил, диалектик, материалистик эстетикага, адабиётшуносликка, адабий танқидчиликка ҳам асос солдилар. Иккى буюк дўст ҳамкорликда янги типдаги пролетар маданияти ҳамда социалистик санъат ва адабиёт назариясини ишлаб чиқдилар, адабиёт ва санъатнинг синфи ва ҳалқиб ўлишини, унинг ҳаёт билан, жамият билан узвий боғлиқ, ҳамоҳанг ўлишини илмий исботладилар. Улар ижтимои ҳаётни ҳакқоний тасвиrlаш, воқеиликни объектив, чинакам реалистик негизидаги акс этириши бадиий исходдинг эжралмас ва доимий хусусияти эканлигини кўрсатиб бердилар. Ижодкорларни «типик шароитларда типик ҳарактерларни» ҳақоний реалистик тасвиrlашга даъват этдилар.

Энгельс етук публицистик, адабий-танқидий

асарларида жаҳон адабиёти, санъати, маданиятиниң назарий проблемаларини чукур таҳлил қилиб, бой адабий мерос қолдирди. У ҳар бир давар адабиётига ва санъатига хос бўлган хусусиятларни очиб берди, санъат асарларида замонанинг мураккаб, дардли проблемалари, муваффақият ва нуқсонлари акс этиши кераклигини таъкидлади. Ана шундай хусусиятлардан маҳрум бўлган санъат, адабиёт ўлиқ, таъсирсиз, нурсиз бўлади, деб уқтириди.

Маълумки, санъат ва адабиётнинг ривожланиши ижтимоий тараққиёт билан барҳам топаётган ижтимоий муносабатларга, эскиллик сарқитларига қарши ҳалқ оммасининг аёвсиз кураши билан узвий боғлиқдир. Энгельс XVIII аср охири ва XIX аср бошларидағи немис адабиётини, унинг атоқлии намояндлари Шиллер, Гёте асарларини тахлил қилди ва шу асосда бадиий асарнинг бош хусусияти унинг чукур ғоявийлигида, ижобий маънодаги тенденциозликтадир, деган холосага келди. «Чинакам бадиий сўз устаси ижтимоий воқеиликни ҳиссиз, лоқайд кузатиши мумкин эмас». Бу фикр замонида адабиёт ва санъатнинг партиявиyлик foғosi ётди эди. Энгельс 1885 йил 26 ноябрда М. Каутскага ёзган мактубида, шунингдек Эсхил, Аристофан, Данте, Сервантес, Шиллер ҳамда рус ва норвег ёзувчилари ижодига берган баҳосида ана шу фикрларни илгари сурди. Улуг мутафаккир ўз замондошлари бўлган рус классиклари ва революцион-демократлари А. Герцен, В. Белинский, Н. Чернишевский, Н. Добролюбов асарларини қунт билан ўқиб ўрганди ва уларга юксак баҳо берди. Энгельс ўз шахсий архивида А. Пушкиннинг «Евгений Онегин» ва «Мис чавандоз» асарларидан кўчирмаларни, А. Грибоедовнинг «Ақлилик балоси» асарининг немис тилига қилинган таржимасини сақлар эди.

Маркс ва Энгельснинг маънан яқдиллиги уларнинг Россияяга нисбатан зўр ишонч билан, дўстонона муносабатларида ҳам яққол намоён бўлади. Ф. Энгельс 1875 йили: «Агар Германия ва Австрияни ҳисобга олмаганда, бизнинг катта зътибор билан кузатиб боришимиз лозим бўлган мамлакат Россиядир», деб ёзди. Ф. Энгельс Россияда марксизмнинг тарқалишига самарали таъсир кўрсатди. «Коммунистик партия манифести»нинг русча нашрига сўз боши ёзди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш мумкинки, Энгельс марксизмни муҳолифлардан зўр жасорат билан ҳимоя қилган, уни бойитган генинал назариётчигина эмас, миссиз истеъодд ва заковатли амалиётчи ҳам эди. У Маркс билан ижодий ҳамкорликда материалистик илмий дунёқарашни ишлаб чиқар экан, бу улуғвор вазифани ишчилар ҳаракатининг тарихий тажрибалари билан, революцион ташкилотчилик фаолияти билан узвий боғлай билди. Иккى буюк даҳо биргаликда дастлабки Коммунистлар союзини, сўнгра I Интернационали ташкил этдилар. Улар биринчи бўлиб капитализмга қарши ҳужум ўюстирган Париж коммунарларининг революцион курашига раҳбарлик қилдилар.

Маркс вафотидан кейин Энгельс улуг дўстининг ишларини бевосита давом эттириди. II Интернационала асос солди. Ўнлаб тилда эркин гаплашиш ва ўқиш қобилиятига эга бўлган бу тенгизистеъод соҳиби бутун Европа социалистларининг атоқли маслаҳатгўйи ва раҳбари бўлиб қолди. Умрининг сўнгги ўн иккى йилини Маркс ёзиб тугатга олмаган асарларни ниҳоясига етказиши ва нашрга тайёрлашга бағишилади. Шу тариқа 1885 йили «Капитал»нинг II томини, 1894 йили эса III томини нашр тайёрлашди. «Бу томни

нашр қилишда менинг вазифам аввало мумкин қадар аслига тўғри текст тайёрлаш, Маркс тадқиқотларининг яхши натижаларини мумкин қадар унинг ўз сўзлари билан баён қилиш, менинг шахсий араплашишларини мутлақо зарур нарсалар билангида чеклаш, шундай ҳолларда ҳам китобхонда унинг ким билан сұхбат кураётганинига заррача ҳам шубҳа туғдирмаслика ҳаракат қилишдан иборат эди», деб ёзган эди «Капитал»нинг учинчи томига қўшимчаларни асарида Ф. Энгельс. Бу чинакамига улуг ижодий меҳнат, Маркс даҳоси самараларини авлодларга бедахл етказиш, демак, марксизмнинг ижодий соғлиги йўлида қаҳрамонона кураш эди. Бинобарин, В. И. Лениннинг: «Капитал»нинг бу иккى томи иккى кишининг — Маркс билан Энгельснинг асарларидир, деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ф. Энгельс бутун умрини пролетариат ишига, инсоният баҳти учун курашга бағишилади. У 1893 йили Вена ишчилари ҳузурида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Агар мен эллик йил давомида ҳаракатга иштирок қилиш, шу йўлда бирон бир иш қила олган бўлсан, бунинг эвзига ҳеч қандай мукофот талаб этмайман. Менинг учун энг яхши мукофот сизларнинг ўзларингиздир. Менинг мукофотим бутун дунёдир! Сибирнинг қемоқхоналаридан, Калифорниянинг олтин конларида, ҳамма ерда, то Австралиягача бизнинг ўртоқларимиз бор... Биз даҳшат соловчи буюк давлатмиз, бошқа давлатлардан кўра кўпроқ иш қила оладиган давлатмиз. Менинг ифтихорим ана шундадир!»

Маркс-Энгельс таълимотининг тарихий тақдиди, унинг ҳаётий кучи улуг Лениннинг илмий-назарий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Владимир Ильич рус оппортунизми ва ҳалқаро оппортунизмга қарши курашиб, Маркс ва Энгельс таълимотини Россиянинг конкрет иқтисодий ва сиёсий шароитига ижодий татбиқ этиди. Янги тарихий шароитда — империализм ва пролетар революцияри даврида марксизмнинг уч асосий узвий қисмини — фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий социализмни ривожлантириди, юксак босқичга кўтарди.

Мамлакатимизда Улуг Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди, ривожланган социалистик жамият қурилди, социализм жаҳон системасига айланди. Жаҳон социалистик система Маркс-Энгельс илмий башоратининг ҳаётӣ рамзиидир. «Бизнинг мураккаб ва суронли давримизда,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев,— бу система барча мамлакатлардаги меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчи омма асрий орзуларининг ифодаси ҳамда реакция, зулм ва агрессив кучлар устидан чиқарилган ҳукм бўлиб, эркинлик ва мустақиллик, мустаҳкам тинчлик йўлида курашаштагларнинг қудратли таяничи, барча ҳаликлар умидининг рамзи ва келажак баҳт-саодатининг гарови бўлиб қолди».

Дарҳақиқат, улуг Лениннинг илмий даҳоси ва революцион эҳтироси билан ривожлантирилиб бойитилган Маркс-Энгельс таълимоти тараққиёт парвар инсониятнинг буюк ғоявий куролидир. Шунинг учун ҳам тараққиёт парвар инсоният илмий коммунизм асосчиларидан бири Фридрих Энгельс туғилган куннинг 160 йиллигини кенг нишонламоқда. Пролетариат доҳийисининг юбилейи совет ҳалқи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун зўр тайёрларинг кўраётган кунларга, Улуг Октябрь социалистик революцияси шонли 63 йиллигини байрам қилаётган кунларга тўғри келди, яъни тўйга тўй уланиб кетди.

Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ

## Абдуғаффор УБАЙДУЛЛАЕВ

### Ватан

Эй Ватан, бағринг мусаффо, қўлда торимсан ўзинг,  
То абад учмас қуёшинг, ҳур диеўримсан ўзинг.  
Ҳар нави оламда танҳо сарви гуллар сенда бор,  
Боғларинг зумрад ҳамиша, навбаҳоримсан ўзинг.  
Сақладим душман оёғидан юрак қоним билан,  
Шул сабаб, дерман оламда йўғу боримсан ўзинг.  
Меҳнатим юксак баҳолар, меҳнат аҳли — подшо,  
Эй, қадоқ қўлли паноҳим, ифтихоримсан ўзинг.  
Қайда бўлмай олам-олам сенга дармон истадим,  
Чунки душман қаршисида зулфиқоримсан ўзинг.  
Зарра меҳнат төғ кўринди, эътибордан қолмадим,  
Ахли виждан ичра топган эътиборимсан ўзинг.  
Қайда бўлсин Абдуғаффор, соябон айлар сени.  
Танда қоним, кўзда нурим, иқтидоримсан ўзинг.

### Меҳнат

Меҳнатингдан келса роҳат — яшнаган онинг ўша,  
Кудрати ошса Ватаннинг — шұхрату шонинг ўша.  
Чўлда дарё жўшқин оқса, кенг даланг бўйлаб яна  
Боғу роғлар қад кўтарса — йўқдан имконинг ўша.  
Янги ернинг ҳосилидан кўкни ўпса хирмонинг,  
Ер хазина деб билурсан, бекиёс конинг ўша.  
Сен ўзингни катта уйнинг оқсоқол ғамхўри бил,  
Ўйласанг ҳалқни ҳамиша, билки, вижданнинг ўша.  
Тонг мусаффо отса доим куй билан, шаҳноз билан,  
Боғ шамоли елпидб ўтса — роҳати жонинг ўша.  
Сенда куч-ғайрат яратган бир париваш олдида  
Ҳеч унутма бош эзишни — жону жононинг ўша.  
Кўчадан шовқин эшитсанг, боячалардан қийқирик,  
Үйлама, қайдин улар, деб — тандаги қонинг ўша.  
Ҳамма роҳат Абдуғаффор, қудратинг тинчликдадир,  
Бу фоя кимнингки, раҳбар ҳам меҳрибонинг ўша.



## КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз

Чўлқувар — тарихий фигура бўлиб, қаҳрамонона даврни белгилаб беради. Бу сўз билан давр тақозоси белгилаган алоҳида характер ифода этилади.

Л. И. БРЕЖНЕВ

# ДАВР ФАРЗАНДИ

**Б**УНДАН ўн йиллар мұқаддам Катта Ўзбек тракти орқали Жиззахдан Ховос тарафга йўли тушган киши бу ерлар аввал қандай бўлганини яхши эслайди. Асрлар бўйи уйқуда ётган белоён чўл кўклам фаслида ям-яшил либосга бурканарди-ю, ёз бошидаёт узоқ ётган касалдек сарғайб қоларди. Йўл чеккаларида онда-сонда битта-иккита чорвадор хонадон, пода, сурув кўзга ташланиб туради. Агар ўшандо, вақти келиб бу ерда шаҳар қурилади, ўнлаб посёлкалар қад кўтарида, совхозлар тузилади, ўзлаштирилган ерлардан мўл ҳосил олинади, дессангиз, юзингизга айтмаса ҳам, сұхбатдошингиз дилида: «Чўпчак ҳам эви билан-да», дейиши турган гап эди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилган ётган бунёдкорлик ишларининг кўламию суръатини афсоналар ва эзгу хаёлларнинг рёбга чиқишига қиёсласа бўлади. Зарбдор райони ҳам, унинг бағрида қад кўтартган гўзлар Бўстон шаҳарчаси ҳам кечагина республикамиз харитасида йўқ эди. Энди бу ерда — яйдоқ чўл ўрнида бунёд этилган муҳташам бинблар, ям-яшил экинзорлар, боғ-рголар, токзорлар, обиҳаёт олиб келаётган каналлар совет кишларининг мислсиз иродасидан сўзлайди. Шу районни, шаҳарни ўз қўли билан яратган қалби олов, онги тиниқ чўлқуварлар ифтихор билан: «Биз Зарбдор райониданмиз», дейдилар.

Зарбдор райони — КПСС XXV съездидан кейнги даврнинг фарзандидир. Районга расмий ном берилганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Айниқса ўша кундан эътиборан Зарбдорнинг мўл ҳосили, шон-шуҳрати йўлида қизғин кураш давом этади. КПСС XXV съезди бўлиб ўтган йили бу ерларда атиги бир неча хўжалик бор эди. Илк совхозлардан бири 1976 йили жонажон партия-мизнинг тарихий анжумани шарафига КПСС XXV съезди номи билан аталди. Жиззах чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан 1979 йили «Совет Қорақалпоғистони», «Прогресс», «Оқ олтин» совхозлари ташкил топди. 1980 йиль бошида эса, «Чўлқувар», «Ғалаба», «Ленин йўли» совхозлари вужудга келди. Мазкур хўжаликлар районимиз экономикасининг асосий кўрсаткичларини белгилайди.

Республикамиздаги кўпгина районлар каби бизда ҳам пахтачилик — етакчи тармоқ, 1979 йили районимиз хўжаликлари 9 минг тонна «оқ олтин» етиширдилар. Бу йил чўлқуварларимиз яна 4 минг 200 гектар янги ер очдилар. Шу тариқа районимиз бўйича 14 минг 200 гектар ерга чигит экдик.

Кўкламнинг салқин кунлари кўпроқ бўлганини айтмасак, бу йил анча қулай келди. Бироқ бу чўлқувар пахтакорнинг ташвиши камайганини билдиримайди. Айрим шўрҳок ерларда чигит тўла унуб чиқмади. Ана шундай пайкалларнинг ола жойларини қайта экдик. Асрлар бўйи қақраб ётган чўлға сув келтиришнинг қийинчилигини чўлқуварлар яхши тасаввур қиласидар.

Республикамизнинг партия ва ҳукумат раҳбарлари, область партия комитетининг масъул ходимлари районимизга тез-тез келиб, деҳқончиликдаги, қурилишларимизда аҳволдан хабар олиб турдилар. Айниқса, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг районимизда, совхозларимизда бўлиб, қимматли маслаҳатлар бергани деҳқонларимизнинг, иш-хизматчиларимизнинг руҳини кўтарб юборди.

Районимиз чўлқуварлари йил бўйи файрат-шижоат кўрсатиб ишладилар. Ана шу фидокорона мөҳнатининг самарасини давлатга топширилган «оқ олтин»имиз мисолида кўриб турибиз.

Мустафоқул УМРЗОҚОВ,

ЎЗКП Зарбдор район комитетининг биринчи секретари

Пахтакорларимиз бу йил план бўйича ҳар гектар янги ердан 15 центнердан ҳосил етиширишлари, жами 21 минг тонна пахта топширишлари лозим эди. Улар ҳосилнинг чўғини чамалаб кўриб, 21 центнердан «оқ олтин» оламиз, Ватанга 30 минг тонна пахта берамиш, деб мажбурият қабул қиласидар. Район механизаторларининг шу йил 8 сентябрда бўлиб ўтган слёти бу ваддани яна ҳам қатъийластириди.

Терим машиналари — пахтакорларнинг қаноти. Айниқса, чўл жойларда кўл терими ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Районимиздаги хўжаликларда 370 терим машинаси бор. Йиғим-терим мавсумида уларнинг деярли ҳаммасини ишлатдик. Шу туфайли 25 октябрь куни пахта топшириш давлат планини бажардик.

Олтин ўтда, одам меҳнатда билинади, дейдилар. Район ташкил этилганидан бўён ўтган бир йил ҳаммамизни — одий пахтакорларни ҳам, бригада бошлиқлари, механизаторлар, раҳбарларни ҳам обдон синади. Шу тариқа ўз сағимизда пешқадамлар, маёклар пайдо бўлди. «Оқ олтин» совхозидан Рустам Абдуллаев, Исмат Умаров, Яхшилиқ Райимкулов бошлиқ бригадалар йиллик пахта тайёрлаш планини муввафқиятли бажардилар ва мавсум давомида ҳар гектар ердан 32—35 центнердан ҳосил кўтарилилар. «Ленин йўли» совхозининг Гофир Ёғдоров, Жуман Хўжабеков, Холбек Жўлбеков бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари эса, янги ўзлаштирилган ерларда биринчи йили ёк 25 центнердан ошириб «оқ олтин» етиширдилар.

КПСС XXV съезди номидаги совхознинг бригада бошлиғи Саломат Холматова 50 гектар пахта майдонидан 40 центнердан ҳосил кўтарили. Саломатнинг ўзи терим машинасида 250 тонна «оқ олтин» териб, хирмонга тўқди. «Прогресс» совхознинг бригадири Мақсадаҳон Фозилова 60 гектар майдондан 40 центнердан ошириб пахта топшириди. У мавсум давомида 250 тонна «оқ олтин» тери. «Ленин йўли» совхозининг Рустам Абдураҳмонов, Қодир Тошмуродов, Султон Пардаев каби механизаторлари 200 тонналик хирмон ўйдилар.

Давр ва шароит тақозоси, ёшлик романтикаси чўлда янги ташаббуслар қанот ёйишига сабаб бўлмоқда. Район партия комитети бундай эзгу ишларни кўллаб-қувватластири. Зарбдор чўлқуварларнинг ватанпарварлиги, азму иродасини акс этириувчи бир воқеани эслатиб ўтмоқчиман.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Валиев директорлик қилаётган «Прогресс» совхозининг Энвер Сулаймонов бошлиқ бригадасида ҳаммаси бўлиб олти киши ишлайди: Энвернинг онаси, уқалари — Сарвар, Душан, Серан, келинларидан бири... Шу олти кишидан иборат бригада 75 гектарлик пахта майдонидан 40 центнердан ҳосил ундириди, 40 гектар ерга маккажӯҳори экиб, 125 центнердан дон топшириди. Тўрт ақаука район механизаторларининг слётида: «800 тонна пахта териб берамиш», деб вадда берган эдилар. Азamat биродарлар шу ваддalarини ҳам шараф билан адо этдилар.

Район партия комитети совхозларнинг бўлимлари, бригадалар ва механизаторлар ўртасида XXVI съезд шарафига социалистик мусобақани авж олдиришга катта этибор бермоқда. Район механизаторларининг пахта йиғим-теримини бошлаш олдидан бўлиб ўтган слётида мусобақада голиб чиқкан бўлимлар, бригадалар, механизаторлар учун қимматбаҳо совринлар ва пул муко-

фотлари белгиланди. Бу тадбир терим суръатини оширишда яхши натижা берди. Пахтакорларимиз Улуг Октябрнинг 63 йиллик байрамигача ўз мажбуриятларни бажардилар — 30 минг тонна «оқ олтин» топшириш ҳақидағи ваддalarини адо этиш йўлида мислсиз файрат-шижоат кўрсатдилар. Бу зарбдорликларнинг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун қилаётган фидокорона мөҳнатининг науманасидир.

КПСС Марказий Комитетининг Баш секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ўзининг машҳур «Кўриқ» асарида: «Ҳар бир чўлқувар ўз меҳнатининг са-марасини шу йилнинг ўзидаёт қўриши керак», деб ёзган эди. Бизнинг районимиздаги бу йилги иш натижалари ҳам ана шу мўътабар сўзларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлади.

Пахта — бутун республикамизнинг, меҳнатсевар халқимизнинг фахри. Ҳар бир район ёки хўжаликнинг ишдаги муввафқияти энг аввало пахтакорларимиз етиширигган «оқ олтин» миқдори билан ўлчанади. Бироқ бу нарса хўжаликнинг бошқа соҳаларига, пахтадан бошқа экинларга эътиборсиз қараш ҳуқуқини бермайди.

Районимиз бу йилги план бўйича давлатга 6 минг 750 тонна дон етказиб бериши лозим эди. Галлакорларимиз КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб юбордилар, фидокорона меҳнат натижасида мўл ҳосил етиширдилар. Район бўйича давлатга топширилган йиллик дон миқдори 14 минг 100 тонна бўлди. Бу йилги шароитда республикамиздаги бирорта район ҳам ғаллачиликда бундай юқори кўрсаткичга эришмаган бўлса керак. Шу ўринда бир мисол келтирай. «Прогресс» совхозининг маккажӯҳори-корлари ҳар гектар ердан 120 центнердан ҳосил олдилар. Маккажӯҳори ҳосили йиғиштирилаётган кезларда раҳбар ташкилотларнинг вакиллари «Прогресс» совхозида бўлиб, бўлиқ сўталарадаги дон миқдори билан қизиқдилар. Ҳар бир сўтада ўтчада 900—1000 дона дон борлиги аниқланди.


Пиллачилик бўйича эришган ютуқларимиз ҳам таъкидлаб ўтишга арзийди. Зарбдор пиллачилиари бу йил 7 тонна ўрнига 16 тонна пилла топшириб, планини 230 процента етказиб адо этдилар. Уларнинг бу ғалабаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари Совети ва ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг доимий сақлаш учун берилган Қизил байроғи ҳамда «Социалистик мусобақада ғолиб чиққани учун» дипломи билан тақдирланди.

Сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиширишдаги ишларимиз ҳам кўнгилдагиден бормоқда. Бу тармоқлар бўйича ҳам давлат топширигини иккى-иккى ярим баравар ошириб адо этдик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини олишга мусяссар бўлдик.

Зарбдор район партия комитети ҳисобида 900 коммунист туради. Табиийки, коммунистлар қайси соҳада ишларни бўлиб бермоқда, ибрат кўрсатадилар. Район партия комитети кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда бошланғич партия ташкилотлари билан бамаслачат иш кўроқда. Бу эса умумий ишмизда ижобий натижалар бермоқда.

«Ленин йўли» совхозида коммунист Норқўзи Абдураҳмонов бошлиқ бўлим бу йил 360 гектар пахта майдонидан 11 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтарили. «Оқ олтин» совхозида коммунист Абдуназар Мамараҳимов бошлиқ бўлим ҳар гектар ердан пландаги 13,9 центнер ўрнига 30 центнердан пахта топшириди. «Совет Қорақалпоғистони» совхозининг коммунист Холиқул Қаршиев бошлиқ бўлими 350 гектар янги очилган кўриқ ердан центнердан пахта олди. Ҳосил-

Узбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Энвер Сулаймонов бошлиқ бригада дъзолари ҳам пахтадан, ҳам манжумоидан мўл ҳосил этиширилди.



«Чўлқувар» совхозининг директори Мурод Мирзаев билан бош механик Аъзам Бекмирзаев қўриқ ерда этишган пахтанинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Г. ЕҚУБОВ фотолари

нинг ҳаммаси машиналар билан терилиди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Район партия комитети кадрларни қобилиятни ва иқтидорига қараб вазифаларга кўйишга катта аҳамият бермоқда. Тажрибали, ишнинг кўзини биладиган коммунистлар қаторида ёшлар ҳам масъул лавозимларга кўтарилимоқда. Масалан, кўриқ очиши ветеранларидан бири, кекса коммунист Саттор Усмонов шу йил бошида «Оқ олтин» совхозига директор қилиб тайинланди. Йигирма ёшли коммунист Бахтиёр Қорабоев эса, «Чўлқувар» совхозида бўлим бошқарувчиси бўлиб ишламоқда. Бахтиёр бошқареётган бўлим 300 гектар ердан салкам 40 центнердан пахта топшириди.

Зарбдор райони, унинг келажаги хусусида сўз кетса, беихтиёр жонажон партиямиз ва ҳукуматимизнинг чўлларни ўзлаштириш борасидаги доно сиёсати, чўлқуварларга кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик ҳақида сўзламай ўтиб бўлмайди. Айниқса, янги ўзлаштирилаётган ерларга сув келтириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Биз Янгиер шаҳрида бундан бир неча йил аввал қурилган 1-насос станцияси ёрдамида деҳқончилик қиммоқдамиз. Мазкур иншоотда ҳозир иккита 25 кубметрлик, битта 10 кубметрлик насос ишлаб турибди. Яқин келажакда бу насос станцияси 200 кубметр сув берадиган даражага етади.

Шунга монанд равишда районимиздаги «Прогресс» совхозида 2-насос станцияси қурилмоқда. Бу иншоот ишга тушганидан кейин 141 кубметр сувни 137 метр баландликка чиқариб беради. Натижада янгидан ўзлаштириладиган 51 минг гектар ер сув билан таъминланади. Демак,

Жizzax чўлида, жумладан, Зарбдор районида яна бир неча пахтачилик ва боғдорчilik совхозлари барпо этилади.

Янги рўзгорда дастлаб унча-мунча этишмовчиликлар бўлиши табиий. Ҳали районимиз ҳам, ундаги совхозлар ҳам жуда ёш. Айрим совхозларимизнинг марказий посёлкалари тўла-тўқис қурилиб бўлганича йўқ. Чунки ҳамма жойда ер ўзлаштириш курилиш ишлари билан бирга олиб борилмоқда. Келгусида ҳар бир совхознинг марказий посёлкасида кинотеатрлар, спорт комплекслари, истироҳат боғлари, кутубхоналар, ҳаммаси маҳмоналар курилади.

Мана, бугун Ватанимиз харитасидан чўлқувар Зарбдор райони, унинг маркази — гўзал Бўстон шаҳарчаси ўз ўрнини эгаллаб улгурди. Район ҳозир 110 минг гектар майдонни эгаллаб турибди. Шу йилнинг январи ойидаги ҳисобга кўра, Зарбдор 21 минг аҳолига эга эди. Йил давомида аҳолининг сони 4 минг кишига кўпайди. Ҳозир бу ерда йигирма бир миллатга мансуб байналмилал оила — деҳқон, ишчи ва хизматчилар қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Зарбдорликлар бу йил фидокорона ишладилар ва мўл-кўл ғалла, пахта этишириб, ўз меҳнатларининг самараларини КПСС XXVI съездига армуғон этдилар. Улар тарихий съезд бўлиб ўтадиган 1981 йили тағин ҳам зўр гайрат-шижоат билан меҳнат қиладилар, улуғ анжуман қарорларини оғишмай амалга оширадилар.

Уртоқ Леонид Ильич Брежнев: «Кўриқ очиши — Коммунистик партиянинг буюк ғояси», деб ёзган эди. Зарбдор районининг меҳнаткашлари хамиша ана шу буюк ғоянинг тантанаси йўлида фидокорона меҳнат қилаверадилар.

Кўз олдимизда бепоён сувсиз саҳро, саҳронинг кишини ҳолдан тойдирувчи шафқатсиз ўйинлари — қум бўрони, жазирама офтоби... Бироқ ёзувчи саҳрони нуқул бир ёқлама — даҳшатли маскан сифатида кўрсашибдан қочади; бу масканнинг ўзига яраша тароватини, юлдузлар чараклаган саҳро тунининг нашъу наъмосини, танларга ҳузур баҳш этувчи субхи сабосида, тўргайлар навосида бағрига жо этган бойликларию ҳайвонот ва наботат оламида барқарор нағосатини нозик дид билан илғаболади. Ёзувчи инсон ва саҳро муносабати ифодасида мұхим фалсафани илгари суради. Унингча, одам боласи саҳрога инсоф билан оқилона мумомалада бўлса, инсон қаршисида у ўз саҳовати ва нағосатини намоён этаверади; мабодо инсон инсоф ва диёнатни тарқ этиб, шафқатсизлик йўлига ўтгудек бўлса, ўз навбатида, у ҳам шафқатсизлик билан ўч олади. Аслида асар воқеаси — беш персонаж бошига тушган кўргулик бир хушиомадгўй кимсанинг гайри ахлоқий ҳатти-ҳаракати туфайли содир бўлади; лаганбардор шогирд Султонов ўстозига яхши кўринини бемаврид — тунда овга бошлияди, саҳронинг маъсум, гўзал маъбудаси — кийин изига тушшиб уни шафқатсизлик билан маҳр этади; шу тариқа муддаога эришгандек бўлади. Бироқ гайри ахлоқийлик ва шафқатсизлик билан амалга оширилган ниятнинг тезигина чуви чиқади, хушиомадгўй Султонов ўзини ҳам, ҳамроҳларини ҳам мушкул вазиятга соилиб қўяди — улар саҳрода адашиб сарсон-саргардонликда қоладилар... Шу тариқа беш ҳамроҳ учун оғир синов дақиқалари бошлианди. Бу синовда ҳар бир кимса ўзлигини, ички дунёсини ошкор этади. Энди саҳро манзаралари, ўйлазоби тасвири ёнига персонажлар руҳияти ифодаси қўшилади, балки персонажлар маънавияти ифодаси биринчи планга ўтади. Шу оғир дамларда беш ҳамроҳнинг ҳаммаси ҳам яшашни истайди, бироқ

Адабий  
тәнқид

ҳар каллада ҳар хил хаёл, уларнинг ҳар бири муддаога ҳар хил йўллар билан интилади. Бир томонда қылғи-ликини қилиб қўйиб, сири фош бўлгач, дами ичида юрган хушомадгўй Султонов; иккинчи томонда худбин, дағал, бешафқат, фақат мол-дунё, бойлик ортириш пайида юрган Ортиқ; яна бир томонда лирик табиатли, нозик-ниҳол, ўта раҳмидил, соддасамимий, беғубор практикант қиз Зулхумор, иккинчи томонда кўпни кўрган, мулоҳазакор, етук олим, саҳий қалб эгаси Камолиддин aka ва, ниҳоят, соддагина, аммо жасур, Фидойи йигит Отамурод... Ёзувчи галмагал ҳар бир персонаж нигоҳи орқали вазиятга баҳо беради, галма-гал уларнинг руҳиятини таҳлил қила боради, руҳиятидаги жараёнлардан бизни огоҳ этиб туради; «Ё ўлиш, ё қолиши» муаммоси ҳал бўлаётган, ўлим шарпаси кезиб юрган шу мушкул дамларда уларнинг ҳаёлидан кўп нарсалар ўтади, шулар баҳонасида ёзувчи персонажлар характеридаги хусусиятларни шакллантирган баъзи бир маబаларни очишга ҳам эришади. Бу жиҳатдан айниқса Ортиқ характеристи ва руҳияти ифодаси диккатга сазовор. Ортиқни худбин, молпараст, дағал, шафқатсиз, дедик. Бирроқ ёзувчи уни осонгина ёмон отлиқ қилишга шошилмайди. Бу йигитнинг ҳам ўз дунёси, яшаш фалсафаси, ўзининг «ҳақ» экзанини исботловчи да-  
мийи.

«...Ҳали сен мени молпараст, бойликка мүккасидан кетгаш, пул деса динидан воз кечадиган одам деб ўйлайсанмий! Йўқ, ошна, адашасан. Мен унақа диёнатсиз эмасман. Мен топсам, ҳалол пешона терим билан топганман, ўзимни ўтга-чўққа урган бўлсам, одамлардек тўкис яшаш учун қилганман. Ит тинарди, лекин мен тиним билмасдим. Сен аввал нима қиласардинг, деб сўрагин. Ишга бориб келардим — бир, келиб, теплицага қарапдим — икки, уйда касал кўрапдим — уч, кечаси машинада кирагачиқардим — тўрт, новвос боқардим — беш. Хўш, булат иш эмасми? Айт, қай бирни ўғриликка киради? Нимаси ҳаром экан? Ҳалолнинг ҳаромдан фарқи бордир, ахир? Хўп, айтайлик, мен пул, мол-дунё деб ҳаловатимдан кечиб, шу чўлларда юрибман. Биринки минг сўм ишлаб олиб, машинани янгиламоққиман. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Нимаси ҳаром? Мен-ку, ҳалол пешана терим билан топибман, лекин Тошкентнинг ўзида туриб қўлини совуқ сувга уриш у ёқда турсин, у чўнтигидан бу чўнтигига олмасдан ҳам иши битаётгандар, оғзининг ели билан минг-минг топаётгандар йўқми? Ҳар тимсоҳлар борки, ҳалкнинг топганини түя қилиб, давлатнинг молини ямламай ютиб ётибди. Агар қўйиб берса самолёт сотиги олишга кудрати етадигандар бор, укагинам. Сен нима деб ўтирибсан! Ана уларнигини ҳаром дессанг ярашади. Биз уларнинг олдида ризқини териб еб юрган бир чумолимиз-ку...»

Сүнгра Ортиқ яна ошкорроқ қи-  
либ молпарастлигини мана бундай  
далиллар билан оқламоқчи бўлади:  
«...Хозир пулсиш биладиган иш  
борми?! Каерга борсанг кўлингга қа-  
райди. Тутқазмагин-чи, ишинг битар-  
микан. Ўлганда ҳам битмайди! Сур-  
гайверади, сургайверади. Кейин ўзинг  
мажбур бўласан. Телефонни ҳам шу-  
нақиб туширасан. Газни ҳам шунақ-  
иб киритасан. Қаёқка борсанг та-  
ниш-билиш, сендан угина, мендан  
бугина... Зиёфатхўрлик... Ана, битта-  
си, тушунгани. Шу чўлда ҳам домла-  
сига мавриди келтанида ўтказиб қо-  
лишни ўйлаб, зиёфатлар ташкил қи-  
либ, кийик овига бошлаб юрибди-  
ку».

Ортиқнинг далилларида асос бор; бироқ унинг фожиаси шундаки, унда мүқаддас зетиқод түйғуси сүниб қолған, шу туфайли у нүқул ҳаётнинг соя томонларига сажда қиласы,

яшашнинг андазасини ҳаётда учрай-  
диган қабоқатлардан, тубан кимса-  
лардан олади, қилимишини уларга  
қиёслаб ўзини оқламоқчи бўлади.  
Ёзувчи зўр бир маҳорат билан шуни  
кўрсатадики, худбинлик, моллараст-  
лик қандай кўринишда содир бўлма-  
син, оқибат-натижада кишини маъна-  
вий тубанлик сари етаклайди, худди,  
шунингдек, Ортиқ пировардида хиёб-  
нат йўлига киради; ночор аҳволда  
қолган ҳамроҳларини мушкул вази-  
ятда ёлғиз ташлаб кетади. Асарнинг  
яна бир диққатга сазовор жойи шун-  
даки, мушкул вазият мәънавий жиҳат-  
дан яқин кишиларни бир-бири билан  
тушатиради. Бошда Ортиқ билан  
Султонов бир-бирларига рақибдек  
кўринадилар, улар орасида ғиди-би-  
дилар ҳам бўлиб ўтади, лекин бу  
икки мәънавий тубан кимса оғир дам-  
ларда умумий тил топиб оладилар...  
Олим, қиз ва Отамурод эса ёш жи-  
ҳатидан ҳам, касб-корлари жиҳатидан  
ҳам бир-бирларидан узоқ, харак-  
терлари, ҳаётий тажрибалари ҳар  
хил, бири — етук олим, бири — оддий  
шоғёр, яна бири — практикант қиз;  
бироқ улар қалbidагi маёқ — диён-  
нат, виждон, инсоф тўйғуси, олижаноб  
эзтиқод ўша мушкул дамларда  
улар орасидаги тафовутларни барта-  
раф этади, инсонийлик олдидаги касб-  
кор, илмий даража, ёшдаги тафо-  
ват, жинсий айрима иккинчи ўринга  
ўтиб қолади.

Қиссанинг кам-кўстларига келганда шуни айтиш мумкинки, ёзувчининг ижобий қаҳрамонлари сал бир ёқламароқ, ўта ижобириқ чиқсан, улар хаёти ва руҳияти тасвирида ёзувчи нуқул нурли жиҳатларгагина эътиборни қаратади, улардаги мураккабликларни кўрсатишга, негадир, авторда журъат этишмайди. Бунинг устига асар ечимида осон йўлдан бориб автор ижобий қаҳрамонларни мукофотлаб мурод-мақсадларига этишитириш, салбий қаҳрамонларни жазолаб, бирини ўлимга маҳкум этиш, иккинчисини телба ҳолга солиш билан асарнинг таъсири кучини анча сусайтириб кўяди. Эҳтимол, хушомадгўй Султонов тирик қолганда, мушкул вазиятдан чиқиб олгач, яна турланиб ҳеч нарса кўрмагандек, устозга ўзи ни яқин тутишга урингзинида бу об разнинг таъсиричанлиги янада ортган, моҳияти рашванроқ кўринган бўлариди. Автор талқинича, Ортиқ охирида ўз қилимишидан ор қилиб виждан азобида телба ҳолга тушади. Ҳолбуки, асар давомидаги хатти-ҳаракатларга кўра у мутлақо бу ҳолга тушадиган одам эмас.

Агар «Устюрт воқеаси»да салбый персонажлар ҳәти ва руҳияти зиддиятлари билан күрсатылғани ҳолда ижобий қаҳрамонлар тақдирни маънавияти силлирек, бир ёқламароқ чиққан бўлса, Уктаим Усмоновинг «Гирдоб» романидаги ҳолни кўрамиз— бу ерда ижобий қаҳрамон хийла мураккаб ҳолатда зиддиятлари билан гавдаланади. Худди «Устюрт воқеаси» қиссаси каби «Гирдоб»дагига ўхшаш ҳодисалар ҳам аввал аданбийётда қаламга олинган. «Гирдоб» кўп жиҳатдан Мирмуҳсиннинг «Умид» романидаги ҳодисаларни эсга солади. «Умид»даги каби бу ерда ҳам селекциячи олимлар ҳәти, вилтаги чадамли янги наф етишириш муаммоли; бу ерда ҳам шогирд билан қоядек устоз орасидаги тўқнашув, шахсий-силавий ҳәттадаги чигаллик.. Бироқ бу хилдаги муштарак ўринлар «Гирдобининг» оригинал, қизиқарли асар бўлиб чиқишига монелик қила олмаган. «Умид»да ишлаб чиқаришга сид можаролар юзакироқ чиққан, бош қаҳрамоннинг касб психологияси яхши очилмай қолган, қаҳрамон дунёси кўпроқ оилаславий-маший соҳада намоён этилган эди. «Гирдоб» автори ишлаб чиқариш билан боғлиқ конфликт йўналишини, бош қаҳрамон Азизнинг янги пахта нави етишириш йўлидаги курашлари, машақватлари, бу борадаги олишуввларни биринчи

ўринга олиб чиқади; танқидчилари-миздан бирининг «Гирдоб»га бағиши-ланган тақризини «Кашфиёт тақдири» деб атаси ҳам бекиз эмас. Балки баъзи ўринларда селекция, каш-фийетга оид муаммолар ифодаси тафсилотлари бир оз чўзилиб кетгандек туюлар, лекин, энг муҳими, автор учун ишлаб чиқаришга оид мажаролар бош муддао эмас, асосий мақсад шу профессионал мажарога муносабат орқали ўша қасб згаларининг маънавий қиёфасини, бисотини очиш кўрсатишдан иборатdir. «Мукофот» типидаги «ишлаб чиқариш» мавзудиги энг яхши асарлар тажрибасига таянган ҳолда «Гирдоб» муаллифи янги пахта нави учун курашдек «соғи профессионал» мажаронинг маънавий томонларини бадиий кашф этади

профессионал можарони маънавий муаммо даражасига кўтарида.

Асар бош қаҳрамони Азиз аввали ўз соҳасининг одами, бутун вужуди юриш-туриши билан селекцияни муҳтакассис, ўз касбига содик, фидойи шахс. Меҳнатга, касбга ҳалол муносабат унинг учун маънавий эътиқодга айланган. Азиз ҳам айрим касбдошлиари каби фан бобида тайёр, силлини йўлдан бориб осонгина илмий дара жага эришиб олиши, бегалва, тинчги на феровон ҳаёт кечиравериши мумкин эди. Бироқ унинг қалбидаги маёк — виждан туғуси, юксак эътиқод бунга йўл бермайди, у қийин нокулаёт, ўта машаққатли бўлса-дек қалби буюрганини қиласди, эл-юргти наф келтирадиган ҳалол, чин кашфиёт йўлидан юради. Асарда қаҳрамон йўлидаги курашлар бор ҳолига мурракаблиги, зиддиятлари билан кўрсатилиди. Автор ўша чигал вазиятлардаги қаҳрамоннинг драматик ҳолатларини, устига-устак оилавий кўнгилсизликлар туфайли Азиз руҳигитида кечган изтиробларни таъсирча ифода этади. Шу мушкул дақиқаларда Азиз ҳарактерининг кучли жиҳатлари ҳам, заиф томонлари ҳам кўринали; очиги, романнинг айрим ўринларида Азиз бир оз ланж, ландаву одамдек таассусот қолдиди, унинг курашлардаги тантанаси қонуний, табиий бир жараён оқибатида эмас қандайдир баҳти тасодиф самараси дек чиқкан. Ўзбекистон телевидениеси роман асосида кўп серияни видеофильм яратди. Фильмда Азиз табисидаги мурракаблики, заиф жиҳатларини хастпўшланмагани ҳолда у дадилро фаолроқ, қатъириқ талқин этилга

Булардан қатый назар, «Гирдоброманининг энг муҳим ютуғи шундаки, асарда қаҳрамон қасбига, ишләчиқаришга оид можароларнинг маънавий жиҳати яхши очиб берилгаган меҳнатга оид можаролар маънавият муаммоси даражасига кўтарилигаган меҳнат қаҳрамоннинг қалб кўзгусини аланган

Ҳозирча замонавий мавзуда асарлар, уларда маънавият муаммаларининг ёритилиши хусусида тұтхандик. Кейнинг йилларда яратылған тарихий мавзудагы эң яхши асарлардадам зерткөд, маънавий-ахлоқий излинишлар масаласи кенг ўрин пәндерде

Сир эмас, меңнат кишиси образыни яратышга бағышланған бир қанчы асарларда меңнат билан боғлиқ мәжаролар, икир-чикирлар бөш мұддағында бүйіл қолған сингари, тарихий маңыздылардың шағындығынан да жаңы асарларда тарихи шахс қаётига оид фактларни бириншінде үйринга чиқараби юбориш, асарнан тарихий шахс биографиясыға доға фактларнан шунчаки шархи, белгілі ристик тасвифидан иборат килиб қойыныш ҳоллари ҳам учраб турады. Мен меншіктердегі мавзудагы асарларда меңнаттың маңынан тономини очишига бүлгіншілдік интилиш яхши самара бергани, барлық дийлилникінг чукурлашувига йүл очғанынан сингари, тарихий мавзуда ҳақындағы тарихи қызынан, тарихий шахслардың қаётига мансуб фактлар маңынан тономини очишина да жиһадтан чыкур тақтадын этилған, тарихий шахснинг маңынан тажрибаларынан да бадий умумлаштырышга қаратылады.

ган тақдирдагина ҳақиқий замонавий қимматга молик асар яратиш мүмкін. Одиг Ықубовнинг «Улугбек хазинаси», Пиримқұл Қодировнинг «Юлдузлы тунлар», Мирмұхсиннинг «Мөлшер» романларининг мұваффақияти шундан далолат беради. Ақсақ Мұхторнинг «Бухоронинг жинқұчалари» повести айни шу турдаги асарлардан-дир.

«Бухоронинг жинкўчалари»— тарихий-инқилобий мавзудаги асар. Унда қадим Бухоронинг инқилоб арафасидаги ижтимоий-сиёсий муҳити қаламга олинган. Бир қисса имконияти доирасида ўша кезлардаги Бухородаги маънавий ҳаёт, сиёсий курашлар манзараси жонли, ҳаққоний кўрсатилган. Айни пайтада бу қисса тарихий-биографик асар. Унга инқилоб етакчиларидан бири Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти асос қилиб олинган, аниқроғи, қиссада ёш Файзулланинг шахс сифатида шаклланиш, инқилоб йўлига келиш даври ўн олти-ўн етти ёшлик кезлари ҳақида ҳикоя қилинади. Асарни тарихий шахс биографияси турга мансуб этиш шартли, албатта. Ёзувчи-ни тарихий шахс биографияси тафсилотлари уччалик қизиқтирумайди, адаб асосий дикъат-этиборни ҳайратомуз, фоят ибратли фактларнинг маънавий манбаларига қаратади. Файзулла бадавлат хонадоннинг фарзанди; бой ота оламдан кетаётir, чексиз бойлик яккаю ягона фарзанд Файзуллага қолиши керак, ёш йигит бу бойлники тасарруф этиб тунчгина давру даврон суриб юравериши мумкин эди. Бироқ Файзуллани булар мутлако қизиқтирумайди. Москва тълимийни олиб қайтган, Бухоронинг мураккаб сиёсий-маънавий муҳити нафасини түйиб турган, хилма-хил ижтимоий турұхлар гурунгида қатнашиб, уларнинг дилидагидан огоҳ бўлган, меҳнаткаш ҳалқ турмуши билан танишиб бораётган, ҳар қадамда ҳаётнинг шафқатисиз ҳақиқатига дуч келәётган йигитча қалбida аллақандай сеҳрли, қудратли куч туфён уради; бу куч уни синфиб биққиликдан, зодагонлар муҳитидан олиб чиқиб ҳалқ-қа яқинлаштиради, ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловати, манфаатини эмас, ҳалқ тақдири, баҳти ҳақида ўйлашга ундейди. Йигитча ҳалқ баҳти, тақдири ҳақида бош қотирап экан, нажот йўлини излайди, нажот излаб хилма-хил кўчаларга кириб чиқади: маърифат йўлини тутади — боши берк кўча бўлиб чиқади, миллий маърифат йўлига тушади, диний ахлоқ кўчасига киради — лекин бу йўллар асл муддаога олиб бора олмаслиги маълум бўлади; ниҳоят, у энг тўғри йўлга — ижтимоий озодлик йўлига тушиб олади.

Кискаси, бу қисса ёш Файзулланың чин одам сифатида шаклланиш, маънавий изланиш, камолот сари интилиш, юксак коммунистик эътиқодга келиш йўллари ҳақидаги асардир. Ёзувчи машхур шахснинг маънавий изланишлари тарихини ҳикоя қилар экан, бу йўлдаги интилиш, курашлар драмасини бутун кескинлиги билан кўрсатади. Фоят олижаноб, кўнгилчан, майн-мулойм, ширинзабон, одобли, билимдон йигитча шу юксак эътиқод, олижаноб мақсад йўлида ота раъйига қарши боради, азиз устоиздан юз ўғиради, мол-дунёдан, шахсий ҳузур-ҳаловатдан воз кечади. Булар айтишга осон! Файзулла мана шу оғир йўқотишлар эвазига энг азиз бисотга — тенгиз маънавий бойликка, олижаноб эътиқодга эришади; шу муқаддас эътиқод туфайли асрнинг қудратли оқимига қўшилади, ўлим билмас сиймолар сафига кириб келадики, шуниси китобхонга таскин беради. Тарихий шахс маънавий дунёси ҳақида баҳс этувчи бу қисса ҳали кўп қизғин тортишувларга, фикр-мулоҳазаларга озиқ беришига аминимиз.

Адабиётимизнинг тақдири, такрор айтамиш, кўн жиҳатдан айни шу масалага — қаҳрамоннинг маънавий дунёси қанчалик кенг, чуқур, янги томонлардан кашф этилишига боғлиқдир.

# ОҲАНГЛАРИМИЗ СЕҲРЛИ БЎЛСИН



ЗБЕКИСТОН Компартияси Марқазий Комитетининг яқинда республика Композиторлар союзи фаолияти ҳақида қабул қилган қарори музика санъатини дадилроқ юксалтиришга қаратилган яна бир улкан ғамхўрликнинг тимсоли бўлди. Композиторларимиз сўнгги йилларда дурустгина муваффакиятларда эришмоқдалар. Бироқ буборадаги мавжуд нуқсонларни бартарап этишга қаратилган зарур тадбирлар кўрилиши маданий ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Этироф этишимиз керакки, улкан кўрилишларимиз пешқадамлари ҳамда пахтакор азаматларимиз довруги, турли соҳаларда мўъжизалар яратадиган меҳнаткаш ҳалқимизнинг фаолияти, қисқаси, давримизнинг кўпкіррага ҳаёт жараёни бадий юқсак музика асарлари — опера ва балетларда, симфоник поэма ва симфонияларда, кантата ва ораторияларда ҳамда оммабон жанр бўлган қўшиқда замонавий талабга жавоб берадиган дараражада тараннум этилмаёт. Бу ҳол албатта композиторлар аҳлини ташвишга солиши билан бирга ҳар бир санъаткорнинг зими масиғи давримизни улуғловчи янги асарлар яратиш масъулиятини юклайди. Айни вақтда турли музиковий жанр ижрочиларининг ғоявий-сиёсий савиаси ва бадий-ижодий маҳоратини тинмай юксалтириб бориши ҳам Композиторлар союзи иштирокисиз ҳал этилмайдиган муҳим вазифалардандир.

Худди шундай муаммоларнинг — ижод ва ижрочилик масалаларининг музика танқидчилиги диққат марказида эмаслиги, газета ва журнallаримиз эса, ўзбек совет музикасининг энг актуал ва мураккаб ижодий жиҳатлари атрофида назарий-амалий баҳслар уюштирмаётганлиги, ижод жараёнида туғиладиган қийинчиликлар, ютуқлару камчиликлар ҳақида, ижрочилик маданиятини ривожлантириш хусусида фикр алмашувлар ташкил этишда ташаббус кўрсатмаётганлиги музиковий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг устистига мухим ижодий масалалар, айнича композиторларимиз ижодидаги профессионал етуклик ва ёрқин миллийлик муаммолари айрим жойларда пала-партиш ҳал этилмоқда. Ўзбек кинофильмлари учун сўнгги йилларда ёзилётган музикалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўзбек совет музикаси ҳал этиши шарт бўлган энг мураккаб ижодий вазифа — миллийлик, яъни ўзбек совет миллий музикасини яратишдан кино музикамизнинг четлашиб бораётганлиги, ўзбек совет музикаси доирасидан чиқиб қолаётганлиги ташвишланарли

ҳолдир. Ўзбекистон Кинематографчилар союзи ва Композиторлар союзининг правлениелари маҳсус кенгашларида ва бошқа ижодий баҳсларда бу масала бир неча марта кўтарилиган бўлса-да, ҳали ўз амалий натижасини бергани ийк.

Маълумки, қўшиқ оммавий жанрдир. Талабчанлик сусайгани туфайли бунда ҳам биз жиддий муаммоларга дуч келамиз. Айнича, саёз, мантиқан бўша қўшиқларнинг бадий юқса намуналар билан бир қаторда радио ва телевидение орқали ҳамон эшигтирилиб келинаётганлиги, мактаб дарсликлари ҳамда бадий ҳаваскорлик тўгараклари программаларидан ўрин олаётганлиги, айни вақтда нашр этилаётган тўпламларга ҳам киритилаётганлиги талабчанликнинг сустлигигина эмас, маълум даражада бизнинг лоқайдлик қилиб, масъулият ҳиссими ийкотиб кўяётганимизни кўрсатди. Ана шундундай этиборсизлик оқибатида санъаткор шаънинг иснод келтираётган ҳалтураси хонанда ва созандалар тўй-ҳашамларимизда саёз, суюқ, бачканы қўшиқ ҳамда кўйларни ижро этиб, эстетик ва ҳаттоқи ахлоқий-тарбиявий ишларимизга зарар етказмоқдалар.

Республикамизнинг деярли барча аҳолиси музика санъатига ихлосманд. Ҳалқимиз орасида жиддий шинавандалар беҳисоб. Тингловчилар ҳозирги эстетик дид ва талабга тўла жавоб берарли асарларнинг маҳорат билан ижро этилишидан ҳамиша манфаатдордирлар. Чинакам санъат намуналари ҳалқимиз таҳсинага сазовор бўлаверади. Биз бундай юқсак асарлар сифатида Мутаваккил Бурҳонов ва Ботир Умиджоновнинг хор учун мослаштирилган қўшиқларни, Икром Акбаров, Мутаваккил Бурҳонов ва бошқаларнинг романсларини, Алексей Козловскийнинг овоз ва симфоник оркестр учун мослаштирилган «Тановарини», Георгий Мушелнинг фортелино ва симфоник оркестр учун ёзган 3- ва 4-концертларни, Икром Акбаровнинг симфоник асарларни, Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операсини, ёш композиторлардан Улуғбек Мусаевнинг опера ва балетларини, Мирсадик Тоҷиевнинг 3- ва 9-симфонияларини ва бошқа шу каби кўпгина асарларни кўрсатишмиз мумкин. Аммо ана шу асарлар орасида мураккаб жанрлар (концерт, симфония, опера ва балетлар) кенг санъат шинавандалари учун ҳали эстетик завқ багишливи оммавий манбага айлангани ийк. Бу ҳол анча-мунча тингловчиларнинг шу жанрни руҳан қабул қилиш имкониятлари деярли этилмаганлигидан далолат беради. Шу сабабдан музиковий-эстетик тарбияга алоҳида аҳамият беришимиш керак.

Гоҳо мана шундай манзаранинг гувоҳи бўламиш: кенг миёсда мак-

таб ўқувчилари, ўрта ва олий ўқув юртларининг студентлари ва аспирантлари, педагог ва раҳбар ходимлари фақатигина меросимизга яқин бўлган ҳинд, эрон, араб музикасини тинглаши билан чекланадилар. Ваҳоланки, улар рус ва фарбий Европа классик композиторлари асарларидан, умуман замонавий оҳанглардан, жумладан ўзбек композиторлари ижодиётига хос мураккаб музиковий жанр дурданаларидан ҳам баҳраманд бўла олишлари лозим. Бунга эришишда бевосита кўмакдош бўлиш Композиторлар союзининг, ҳар бир композитор ва музикашуноснинг бурчидир. Республика концерт муассасаларининг репертуарини доимо кенгайтириб бориши ҳамда ижрочиларнинг маҳоратларини тинмай ошириша Композиторлар союзи яқиндан кўмаклашуви, шу билан биргага уларни маълум даражада ўз назорати остида тутиши зарур. Акс ҳолда музиковий умумэстетик тарбия муаммосининг бир четда қолиб кетиши, концерт муассасалари эса, қандай йўллар билан бўлмасин, молиявий планни бажариш ташвиши билан овобу бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас! Бунда молия планининг бажарилishi ҳақида қайғуриш эстетик тарбия масалалари билан бирга олиб борилишини, яъни концерт турлари ёки театрларнинг ўз шинавандалари мумкин қадар кўпайиншини кўзда тутиб ишлаш лозим бўлади.

Музиковий эстетик тарбияни кенг миёсда амалга ошириша биз бутун имкониятлардан, шу жумладан, қисқа метражли кинофильмлар, фильм-концертлар, телевидение кўрсатувларига хос турли жанрлар ҳамда овозли нашр — пластиниклар ва бошқалардан ҳам фойдаланишимиз керак. Айни вақтда ўрта ва олий ўқув юртларининг турли ихтисосликдаги ўқитувчилари ҳам ўз музиковий эстетик дидларини ривожлантира бориб, музиковий салоҳиятларини мунтазам кенгайтиришга интилишлари, шогирдларида рағбат уйғотишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳар икки йилда бир марта ўқазилиши мўлжаллланган хор санъати байрами ҳамда қўшиқ фестиваллари кенг меҳнаткаш оммани музикага активроқ жалб этишга қаратилган муҳим тадбирлардандир. Музиковий-эстетик тарбияни кучайтириш, айнича музика шинавандаларини йирик совет композиторлари, жумладан ўзбек композиторлари, умуман замонавий музика ютуқлари билан мунтазам танишириб боришини таъминлаш мақсадида Композиторлар союзи қошида Музиковий пропаганда бюроси ташкил этилмоқда. Бу тадбирнинг катта ижобий натижалар бериши муқаррардир.

Ўзбекистон Компартияси Марка-

зий Комитетининг қарорида музиковий эстетик тарбия жараёнда бутун ижрочи коллективларнинг, тарбиботчи муассасалар — филармония ва бошқа концерт ташкилотларининг, театрларнинг фаолиятни мантиқан музассамлаштирилган бир йўналишда олиб бориши учун ташкилотларро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳам тавсия этилган. Шу кенгаш тузишларидан кейин ҳалқимизнинг музика санъатига бўлган талабини янада тўлароқ қондириши, уни янги музиковий жанрларни воситалар, жанрлар ва ижрочи коллективлар билан мунтазам танишириб бориши мумкин бўлади. Музиковий эстетик тарбия воситаларини янада кенгайтириш мақсадида янги ижрочи коллективларни тузиш ҳам кўзда тутилмоқда. Жумладан, областя марказларидаги филармониялар қошида квартет ва бошқа чолғу ансамблари, хор ҳамда оркестрлар тузиш чоралари кўрилмоқда. Айни вақтда ўзбек миллий-этнографик ансамбллар турларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тадбир бой музика меросимизни турли жанрлар рангбаранганилигида тарғиб қилиш имкониятини яратади.


Кўпгина Шарқ ҳалқларидаги каби ўзбек музика меросига хос анъанавий оғзаки ижод асарлари, жумладан мақом, катта ашула ва бошқаларни фақат ҳаваскорлар ижрочилари билан чегаралаб қўймасдан, унинг ёш профессионал намояндларини ҳам вояга етказиш мақсадида республикамиз музика ўқув юртларидаги мавжуд ҳали чолғу асбоблари бўлимларида мақомларни тўла туркум тарзида амалан ўзлаштириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Маълумки, мақомлар Тошкент консерваториясида 1972 йилдан бошлаб янги ташкил этилган Шарқ музикаси кафедрасида ўрганила бошланди. Ҳозир кафедра мутахассис мақом ижрочилари — чолғучи ва ашулачиларни тайёрлаш вазифасини ўтаб кельмоқда. Эндиликда бу борада яна янги тадбирлар кўриш режалаштирилмоқда. Улар 1980 йил май ойида Хивада ўтказилган Бутунниттифоқ музикашунослар семинарининг тавсиялари асосида амалга оширилади.

Ҳозир Муҳтор Ашрафийномидаги Тошкент Давлат консерваториясининг ҳалқ чолғу асбоблари бўйича ихтисос ортириётган ҳар бир студенти беш йил давомида рус ва фарбий Европа классик композиторлари, замонавий совет ва чет эл композиторлари асарлари билан бир қаторда «Шашмақом»дан икки мақомни тўлалигича (яхлит туркум тарзида) ўзлаштирилмоқда. Ўтган ўқув йилидан бошлаб янада туркум мақом III—IV курслар таълим планига киритилди. Бундан бўйн консерваториянинг ҳалқ чолғу асбоблари факультетини битирб чиқаётган студент уч мақомни тўлалигича ижро этиш маҳоратини эгаллаган бўлади. Мақомлар тузилишига хос конуният эса «Мақом асослари» фанида ўзлаштирилади. Бу янги фан консерваториянинг ҳамма факультетлари таълим планига ҳам киритилди. Шу муносабат билан музика мактаблари ҳамда билим юртлари, педагогика институтларининг музика факультетларини мавжуд программалари ҳам қайтадан ғўриб чиқилади. Айни вақтда музика билим юртларида ашулачиларни тайёрларидаги мақомни ижрочиларини тайёрлайди. Шу муносабат билан музика мактаблари ҳамда билим юртлари, педагогика институтларининг музика факультетларини мавжуд программалари ҳам қайтадан ғўриб чиқилади.

Миллий музика меросимиз хусусиятларини чўқурроқ ўзлаштириш ҳамда музиковий фольклор экспедицияларини мунтазам ўтказиш турли композиторларимиз ижодиётинг ҳалқ меросига таянган тарзда юқсанлишини таъминлайди. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Композиторлар союзи

Охири 27-бетда.



Александр БЛОК

## КУЛИКОВО МАЙДОНИДА

1

Ястаниб оқар дарё. Оқиб, лоқайд кадарда  
Соҳилларин чаяди.  
Даштда эса, сап-сариқ лойсизроқ жарликларда  
Ғарамлар мунғаяди.

О, Русы! Менинг диёрим — ёрим! Бу олис йўллар  
Оғриқдек таниш бизга!  
Қадимий мўғул жаҳдин найзаси бўлиб улар  
Санчилди кўксимиизга.

Йўл босамиз — дашт аро, беҳудуд ғам аро — йўл,  
Русь, сенинг фуссанг аро!  
Мен зулматдан кўркмайман — майли ялдо бўлсин ул,  
Гурбатдан ҳам ё қаро.

Гарчи тундир. Еламиз. Биз гулханлар ёққанда  
Дашт ёғудга тўлади.  
Чақнар дашт туманида мұқаддас ялов ҳамда  
Хон ханжарин пўлати...

Бетиним жанг! Ҳаловат тушимиизга киради  
Қон аро, тўзон аро...  
Елади, елар бия, яничилиб қичқиради  
Чаловлар — мотамсаро...

Охири кўринмайди! Ҷақириллар, дўнгликлар  
Лип-лип ўтар ютуриб...  
Тўхтат! Келар, келмоқда кўрқиб кетган булатлар,  
Қон ичиди ғарқ ғуруб!

Қон ичиди ғарқ ғуруб! Юракдан ҳам оқар қон!  
Йигла, юрак, йигла, қалб...  
Ҳаловат йўқ! Саҳройи байтал елар беомон  
Борган сари ўқталиб!

1908, 7 июнь

2

Ярим тунда икки дўст саҳро узра турадик:  
Қайтишинг иложи йўқ, ортга ҳам қараб бўлмас.  
Бир пайт дарё устида оқкушлар қичқиради,  
Мана, улар ҳозир ҳам қичқирмоқда басма-бас...

Олдимизда, йўл узра — ётар оппоқ ёнар тош.  
Непрядва ортида — ўрда — манфур бир макон.  
Энди бизнинг полкимиз устида мисли қўёш  
Шаффоф байроқ нур сочиб ҳиллирамас ҳеч қачон.

«Александр Блок ижоди — бутун бир поэтик даврdir... Шуҳратвор сўз устаси символист Блок бутун ҳозирги замон шеъриятига фоят улкан таъсир нўрсатди», деб ёзган совет шеъриятининг асосчиси Владимир Маяковский мутлақо ҳақ эди. Дарҳақицат, Александр Блок ўз ижоди билан XIX аср рус шеъриятидаги поэтин изланишларни якунлади, рус миллий шеърий маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиди. Унинг ижоди ўтмиш билан келажак ўртасида кўприкли вазифасини ўтади. Блок Октябрдан бурунгина Россиянинг улуг шоирни эди, «Ўн инклилар», «Сніфлар» достонларини яратиш билан эса совет даври шеъриятининг бошловчиларидан бири сифатида ҳам кенг шуҳрат қозонди.

1911 йили «Рус ҳаётida барҳам топган ҳақиқатни барқарор этиш бизнинг зиммамида», деб ёзган санъаткор шоир ана шу эътиқодидан ҳеч қачон чекинмади, ҳамиша сўзи билан иши бир бўлди.

Ватанга, Россиянга улкан муҳаббат — Александр Блок ижодининг моҳиятини ташкил этади. «Куликово майдонида» (1908) шеърий туркуми шоирнинг шу мавзудаги дурданларидаидир. Туркум рус ҳалқининг қудратига, енгилмаслигига буюк ишонч, улкан тарихий ненбинлик руҳи билан сугорилган.

Александр Блок Улуг Октябр социалистик революциясини чин юрандан қутлаб кутиб олди, ўзин революция жангчиси деб ҳисоблади. 1918 йилнинг 9 январида ёзган «Зиёлилар ва Инқилоб мақолосида интеллигенцияга қарата қизғин мурожаат этаркан: «Бутун вужудингиз, бутун қалбингиз, бутун шурунингиз билан Революцияни тинглангиз», деб ҳайқиради. «Замона билан бирга яшаб» яратган «Ўн инклилар» достони ҳам, «Сніфлар» манзумаси ҳам ўша 1918 йилнинг январида дунёга келди. Бу шоирнинг Ватанда содир бўлаётган оламшумул воқеаларга фаол муносабати далили эди. «Правда» газетаси 1919 йил, 18 январь сонида «Ўн инклилар»ни «Блок шеъриятининг буюк муваффақияти», рус шеъриятининг «Пушкин, Некрасов, Тютчевдан кейинги» эришган улкан ютуғи деб баҳолади. «Ўн инклилар»нинг кўплаб куйма мисралари шиорларга айланб кетди. Достон 1919 йили оқлар ҳуқмронлик қилаётган Красноярскида яширин ҳолда даъватноме шанлида нашр этилди.

Александр Блок асарларини тийрак кўз, равшан шуур, уйгоқ қалб билан мутолаа қилиш керак. Атоқли адабимиз Ойбен Блок шеъриятини ана шундай ихлос билан ўқиган дастлабки ўзбек китобхонларидан бири эди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида Ленинградда таҳсил кўрган шоир устози шеъриятини билан танишиб, қаттиқ таъсириланади: «Агар Навоийни ҳисобга олмагандай... Блок менинг асосий поэтик муҳаббатим бўлиб қолди. Мени Блок шеъриятининг ҳар бир мисран лиризмга бойлиги, ҳар бир сўзда унинг мъянавий олами сезилиб туриши ҳайратга солди. Блок ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини асарларида абдийлаштира олар, шу туфайли ҳам уларни ўқиганда ўзигизни ана шу мангуликнинг қучогида ҳис этардингиз».

Бугунги кўнда ўзбек днёрида буюк рус шоирни Александр Блокнинг муҳлислари сонсаноқсиз. Санъаткорнинг теран шеърий, насрый ва драматик асарларини ўзбек китобхони асл нусхада ҳам, она тилимизда ҳам эҳтиром билан ўқимоңда. Шоирнинг «Ўн инклилар», «Сніфлар», «Булбул чамани», «Тун Бинафшаси» каби машҳур асарлари, лирик шеърлари Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Шукрулло, Жуманиён Жабборов, Мавлон Икром ва бошқа шоирларимиз таржималарида кенг китобхонларга маълум.

Биз қўйнда Александр Блок шеъриятидан намуналар босмоқдамиз.

Урда қора булатдек ўрмалаб  
саҳар чоғи  
Бошламоқ бўлгандага жанг  
Қалқон кийиб турарди абадият  
маёғи —  
Сенинг илоҳий чехранг.

1908, 14 июнь

4

Яна асрий ғам-ҳасрат билан  
Ерга буқди ҷалов қаддими.  
Сен туманли дарё ортидан,  
Олислардан чорлайсан мени...

Елиб кетди, бедарак йитди  
Асов уюр — дашт биялари.  
Вақший жаҳдлар қутилиб кетди  
Кемтик ойнинг домидан нари.

Асрий ғамда, мен ҳам, бўридай  
Кемтик ойнинг остида ҳайрон,  
Айт, ўзимни мен нима қиласай,  
Айт, ортингдан учай қай томон?

Эшиштаман жанг суронини,  
Янграйди ёв бурғуси толғин,  
Мен кўраман, Русь осмонини  
Чулғаб ётар сокин, чўнг ёнғин.

Кудратли бир ҳасрат бағрида  
Тентирайман отда осуда...  
Дуч келади эркин булатлар  
Фира-шира тун ҳавосида...

Хувиллаган вайрон дилимда  
Тўзғиб учар ойдин ҳаёллар.  
Ва тим қора олов тилида  
Куйиб тушар ойдин ҳаёллар...

«Пайдо бўл, гўзаллар гўзали!  
Мудҳиш ўйлар қаъридан чиқар!»  
Тўзғимоқда аргумоқ ёли...  
Ел ортидан чорлар қиличлар...

1908, 31 июнь

Дўстим эса бошини ерга эгиб бу маҳал,  
Менга гап ўқтиради: «Қани, бўл, қилич қайра,  
Мард йигитга муқаддас иш учун ўлмоқ афзал,  
Душман билан бесамар жангга киргандан кўра!»

Мен — биринчи ва ёки охирги жангчи эмас,  
Узоқ вақтлар дард чекиб ётажак ҳали диёр.  
Тонгги ибодат пайти ёдга олиб қўйсанг, бас,  
Дилкаш диловар дўстни, севикили моҳирўй ёр!

1908, 8 июнь

3

Мамай ўрдаси дашту кўприкларни шафқатсиз  
Босиб ётган ўша тун,  
Шу зимистон далада бирга эдик иккимиз,—  
Билармидинг шуни Сен?

Даҳшатли ва сим-сиёҳ Донга ҳам ваҳм солган  
Тунги дашт ўртасида,  
Овозингни эшитдим қароматли қалб билан  
Оққушлар чуввосида.

Ёвқур князъ лашкари булат бўлиб қўзғалар  
Тун ярмида дафъатан.  
Олисларда жаранглар узангилар,  
Сас берар она-Ватан.

Тун қушлари йироқда доира ясаб, огох,  
Аста парвозд қиласди.  
Сокин ҷақмоқлар эса Русь узра ярқ этиб гоҳ  
Князни қўриқларди.

Мамай қароргоҳида наъра тортган бургутлар  
Кулфатдан берар дарак,  
Непрядва бошига тумани ўраб ётар —  
Ҳарир кийган келинчак.

Мудроқ Непрядва узра оқ туманга эргашиб,  
Мени огоҳ этмасдан  
Сен тушдинг, солланувчи шаффоф либосда шошиб,  
Отимни ҳуркитмасдан.

Кумуш мавжлар бўлиб сўнг ялтирадинг дўстимнинг  
Соф пўлат қиличиди,  
Сўнг ювдинг елкамдаги чанг қўнган совутимни  
Ва куч қўшдинг кучимга.

**Улут рус шоири  
Александр Блок  
туғилганига  
100 йил түлди**

5

Хеч туганмас кулфатларнинг  
тумани  
Эртамизни чулғаб олди  
батамом.  
Вл. Соловьев.

Яна Куликово устида туман,  
Яна түр ташлади чор тарафга шом,  
Бадқавоқ булулар зулмати билан  
Эртамизни чулғаб олди батамом.

Кулоққа чалинмас тош сукунатда  
Даҳшатли урушнинг қалдириқлари.  
Күйилиб турган шу хира зулматда  
Кўзга кўринмайди жанг чақмоқлари.

Мен сени биламан, ғалаёнли ва  
Юксак ў кунларнинг муқаддимаси!  
Куриб ёў ўрдаси узра тантана  
Чарх уриб чагиллар оққуш галаси.

Юрак тепа олмас энди хотиржам,  
Бекор тўпламади булат, албатта.  
Оғир, жанг олдидан, асладатлар ҳам,  
Сенга ҳам гал келди.— Қолма ғафлатда!

1908, 23 декабрь

## Пушкин уйига

Фанлар Академияси  
Пушкин Уйи аталмиш!  
Таниш, аниқ ҳар саси,  
Юракка яқин товуш!

Бу — дарёни қоплаган  
Шовушларнинг навоси,  
Бир-бирини йўқлаган  
Кемаларнинг садоси.

Бу — Сфинкс, осуда  
Мавжларга боққан шоввозд,  
Тош қотган тунж отида  
Учайтган чавандоз.

Сирли Нева устинда  
Шавқлар ғамга тутди юз,  
Отишмали, оқ тунда  
Қора кунни кутдик биз.

Дарё оша биз бесас  
Кўрдик уфқда нурларни!  
Биз бу кунларни эмас,  
Чорлардик асрларни.

Кечириб маъюс кунлар  
Ўткинчи алдоқларин,  
Мовий-пушти туманда  
Кўрдик иқబол чокларин.  
Пушкин! Сенга биз жўрмиз  
Сирли эркини куйлашда!  
Оғир дамда қўлни чўз,  
Кўлла унсиз курашда!

Эркаловчи созингми  
Илҳом берган ўшандада?  
Пушкин, шод овозингми  
Қанот бўлган ўшандада?

Ҳа, танишдир ҳар саси,  
Юракка яқин товуш —  
Фанлар Академияси  
Пушкин Уйи аталмиш.

Завол пайти, мен шундан,  
Кетаркан авжи тунга,  
Оқ Сенат майдонидан  
Таъзим қиламан унга!  
1921, 11 февраль

Сулаймон РАҲМОН  
таржималари

## Суямоқ керакдир

### Одамни

Дўстим,  
Сен сую, суягин одамни,  
Тойганни туртишга шайлэнма.  
Мен сендан сўрайман ҳотамлик,  
Одамда ҳар куни байрамми?

Ахир, дил тош эмас... у — гулдир,  
Ҳар бир бош узра у бўлмас тож.  
Бир кун баҳт, бир кун дард тўкинди,  
Нур борки, соя бор — не илож?

Тоғлар ҳеч учрашмас, эҳтимол,  
Учрашар одамзод бир куни.  
Қалбинги ўртайди бир савол:  
«Оқладингми она сутини?»  
Дилларни тозалар у — поклик,  
У меҳрга йўргаклар бизни.  
У — келажак кўзларига тик  
Қарамоққа ўргатар бизни.

Йўлингни ёритганда ақлу шуур чироғи,  
Билинмайди манзилнинг яқинию йироғи.  
Хай-ҳай, улфат бўлса-чи дўстнинг калондимоғи,  
Сени лаҷча чўғ айлар, юрагингда жароҳат —  
Хижолат.

Анча йўлларни босдинг, ортга қайтмоқ уятдир,  
Сени ўйларга солган андиша, ориятдир,  
Сен курсанг у бузарди... бу ҳам фаолиятдир,  
Лат еган ишончлардан садо келар ниҳоят,—  
Хижолат.

Одамлик чора топгай не-не жумбоқ тақдирга,  
Одамлик йўл кўрсатар, у ўргатар тадбирга.  
Лекин бошини эгса маломатга, таҳқирга,  
Кимсасиз у йўлларда ҳужум қилур қабоҳат —  
Хижолат.

Йўл бошида билмайсан улфатнинг нодонлигин,  
Ниқоб этар ғаразга дўсту қадрдонлигин,  
Довонлар синағ бергай яхшию ёмонлигин,  
Ағусс демоқдан ўзга қолгайми ўзга ҳожат?—  
Хижолат.

Юлдузлар милтирад ҳар тонг самода,  
Ардоғимда ўзинг, ёруғ юлдузим...  
Оромда сен... мен-чи, катта кемада  
Тўлқинлар устида бораман, қўзим.

Сени ардоқлайман, чунки онаман,  
Севаман, чунки сен жонимдан парча.  
Сен — чироқ, мен эса нақ парвонаман,  
Гиргиттонман, ўғлим, умрим борича.

Боққа юлдузлардек гул тўшалгандা,  
Дарахтлар шовуллаб чўзганида бўй,—  
Юрту огулларни кезиб ўшанда,  
Мен сенга изладим муносиб бир кўй.

Боғ аро олмалар туккандада ўра,  
Кўк кўз-кўз қилгандада тўлин ойини.  
Сен учун лаълирэнг шуъллага ўраб  
Келтирдим, ўғлоним, умр тойини.

Шохларда олмалар бўлгандада ларзон,  
Сени, юрт тани, деб кўшдим элизинг.  
Сен умрим, меҳримнинг ҳосилидирсан,  
Қудратли бир камэр бўлдинг белимга.

Тўкин ҳосиллардан бўшэди шохлар,  
Ўғлоним, мен ҳамон фидойи жонинг.

## Солдатимга саломимни айтингиз

Сарин еллар, саволим бор, қайтингиз,  
Солдатимга саломим бор, айтингиз.  
Кўп соғиндим, хаёлларим йўлдадир,  
Айтинг, уни постда кўрган пайтингиз.

Айтинг, тонглар япроқларнинг бағри нам,  
Шудринглардай кипригимда ёш бу дам.

## Тўптош ўйнаган

### кўчам

Ёшлигим, болалигим эркалайман ҳар кеча,  
Юрагимнинг тубида қолиб кетган кимёни.  
Гарчи олиса қолди тўптош ўйнаган кўчам,  
Усиз тугал кўрмадим ҳаргиз кўхна дунёни.

Усиз ширип бўлмади шодлигу қулгилар ҳам,  
Усиз тўполон қилди ҳислар аро сукунат.  
Хувилайди дил уйи, ғаридир туйғулар ҳам,  
Тобеликка айланар мендаги асов журъат.

Хаёлларим бир денгиз — дилим қалқир денгизда,  
Қуёш ҳам қалқиб борар кўм-кўк тоза самода.  
Юлдузлар — кўзларимдир, кўзларим-чи — юлдузда...  
Меҳримдир тўлқин урган денгиздек шу аснода.

Борликда тонг отади... ўйғонар полапоним,  
Ўйғонади шудринглар нурга айлаб илтижо.  
Бағримга оламан мен боламни, у — жаҳоним!  
Гўё жаҳон шодлиги — юрагимга бўлур жо.

## Бир томчи кўз ёши

Кипригимдан томчи узилди,  
Атиги шабнамнинг томчиси.  
Тинчлигим дунёси бузилди,  
Оҳ, аччиқ бу ғурбат қамчиси.

Наздимда дарз кетди юрагим  
Гулдираб ўтганда бу қулфат.  
Армонга айланди тилагим,  
Чивинга айланди фил келбат.

Лаҳча чўғ — андуҳнинг лаҳзаси,  
Лаҳзаки, йилларга тенг келур.  
Томчи ёш — қиличининг ларзаси,  
Кенг деган оламинг танг қилур.

Бир томчи кўз ёшнинг лашшари  
От солиб ўтмоқда кўксингдан.  
Ироданг қўлга ол, туш, қани,  
Майдонда кураш сен ўзинг-ла!

## Юлдузим

Ўғлим Шамсиддинга

Энди сен йўлга туш, ёқиб чироқлар,  
Ақлу шуурингда бўлсин юрт шони.

Дарахтлар киради қаҳратон қишига,  
Боғда новдаларни юлқийди бўрон.  
Яна сени ўйлаб қалбим ташвишда,  
Яна сени ўйлаб бедорман, ўғлон!

Юрт севсин, юлдузим менинг сўнмасин,  
Парпираб туравер, ёққан чироғим.  
Сочимга бехуда қирор қўнмасин,  
Аллам унутма сен, қўзим қароги.

Эл севсин, сени эл аро излайман.  
Шу юртсиз сен ҳатто ирмоқ эмассан.  
Сен катта дарёга қўшил, истайман  
Адашиб кетмасин умринг кемасин.

Юрт — дарё, элтуси сени манзилга,  
Шу дарё кўрсатар баҳт соҳилини.  
Элингга бир умр бўлгин таъзимда,  
Бахш айла дилингнинг бор ёлқинини.

Ҳозирча ирмоқсан... Дарёдек бир кун  
Оқурсан... Шу баҳти онлар ҳам келар.  
Тонг яқин, ором ол, бу юлдузли тун  
Мен тўйиқ, юлдузим, сенга ғазаллар.

Айтинг, мактуб ёзмоқ ишим дам-бадам,  
Софигчларим — унга элтар байтингиз.

Ғазалимни олиб ўтинг, саболар,  
Унда ошкор не мурод, муддаолар.  
Ёрни кутар, айтинг, вадда-вафолар,  
Менга ундан мужда олиб қайтингиз.



Буюк мутафакнир шоир Алишер Навоий сиймосини кўпчилик томошибинлар «Навоий» фильмида Рассоқ Ҳамроев талқини бўйича тасаввур қиладилар.

«Тоҳир ва Зуҳра» фильмида Тоҳирнинг устози Нозим.



## УСТОЗИ КОМИЛ

Камол эт касбким, олам уйидин  
Санга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ...

Бу мисралар улуғ шоир Алишер Навоий сиймосини экранда моҳирона акс эттирган атоқли санъаткор Рассоқ Ҳамроевнинг ўзига ҳам даҳлдор тулолади.

ССРР ҳалқ артисти, ССРР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги рес-

публика Давлат мукофоти лауреати Рассоқ Ҳамроев 1910 йилнинг 30 ноябринда Бухоро областининг Шофирон районидаги Тезгузар қишлоғида дунёга келган. У болалик чогидаёқ «олам уйиди камол касб этишига» интилди. Бўлғуси санъаткор онадан баравқт ажралган эди. Бироқ у жудолик, етимлик, қашшоқлиги азобларига дуч келганида ҳам келажакка интилиб яшади. Унинг ёш қалбидаги дастлаб шоиртабиат опаси Зайнабхон ва отаси Ҳамро Раҳмонкулов катта завқ уйотди.

— Отамнинг ҳам санъатга, айниқса мусиқага ихлоси баланд эди. Қўш ҳайдётган, хўп янчайтган кезларида:

«Мақсад на эди, жаҳона келдинг, кайфиятини баён этиб кет», сингари мисраларни чунон ҳам ўрнига келтириб хиргойи қиласарди, шундай пайтларда бу ёруғ олам яна ҳам сеҳрли кўриниб кетарди кўзимга,— дея ҳикоя қиласи Рассоқ ака.— Олам тунлари мени бағрига босиб, ҳалқ қўшиқларини айтиб берарди:

Хў тоглардан нарида  
Бир бўстон бор, ёр-ёр.  
Ўша бўстоннинг номи —  
«Қўшиғистон», ёр-ёр.

Қўшиғистон бағрида  
Сайрон этсам, ёр-ёр.  
Менга боқсан қўзларни  
Хайрон этсам, ёр-ёр...

Олам айтиб берган «Тоҳир ва Зуҳра», «Юсуф ва Зулайх» каби дostonлар, «Алпомиши», «Рустами дoston», «Жамшид» каби жангномалар юрагими тўлиқинлантирилар, хаёлимни бойитар эди. Достон қаҳрамонларини танишларимга ўҳшатардим, гоҳо ўзимни уларнинг ўрнига кўярдим. Ўйлаб кўрсам, болаликдаги ўша таассуротлар, хаёллар зое кетмабди. Актёрлик ҳаётимда театрда ижро этган юздан ортиқ, кинофильмларда яратган эзлиқдан зиёд образнинг дунёга келишида уларнинг маълум ҳиссаси бўлганидек, етмишдан кўпроқ турли-туман спектаклга режиссёрлик қилаётганимда ҳам ёшликларни тизгиниз хәёлларим катта ёрдам берди...

1925 йили Тошкентдаги Ўлка эрлар билим юртига қабул қилинган ўн беш яшар Рассоқ ўқиши билан бир вақтда ҳаваскорлик тўғаракларида ҳам қатнашиди. Д. Фурмановнинг «Исён» романни асосида яратилган «Боғовот» спектаклидаги Шаҳобиддинов, Фитратнинг «Арслон» пъесасидаги Бой ва Арслон образлари устида ишлаш Рассоқ Ҳамроевнинг машакатли актёрлик дунёсига кириб келишида илк босқич бўлди.

1930 йили Рассоқ Ҳамроев Наманган шаҳридаги етти йиллик мактабга йўлланма олди, у ерда она тили ва адабиётдан дарс берди. Кўп ўтмай мактаб ҳузурида драма тўғараги ташкил қилиб, унга ҳаваскор муаллиmlарни жалб этди. Ҳамзанинг «Туҳматчилар жазоси» асарини саҳналаштириш билан ўз фаолиятини бошлаган мактаб драма тўғараги кейинроқ Алишер Навоий номидаги мусикили драма ва комедия театрига пойдөвр бўлди. Дастваб ҳаваскорлик тўғараги аъзолари ўзбек класик музикасининг билимдонларидан бирни уста Рӯзиматхон Исабоев ҳамкорлигида концертлар ва бир пардалик спектакллар тайёрлаб ҳалқа манзур этиб юридилар. Қунлардан бир кун шаҳар партия ташкилотининг раҳбарлари уларни қашириб, Наманганда профессионал театр ташкил қилиш фикрини билдиридилар. Қисқаси, 1931 йил 15 июня ҳаваскор зиёлилардан ўн саккиз кишини ўзида жамлаган драма тўғараги базасида Наманган театр таркиб топди. Мазкур театр труппасида дастваб Насриддин Розиқий, Бойдада Эминий, Абдулла Тўрахонов, Соли Отаконов сингари ёш актёрлар, Ойша Ортиқбоева, Муборак Нўридинова, Азиза Адҳамова, Сора Йўлдошева, Фарида Раҳмонова, Лобархон Умарова каби талантли қизлар бср эди, кейинчалик 1932 йили Собир Раҳмоний, Турсунхон Жаъфарова, Мукаррама Азизова, Олим Қосимов ҳам уларнинг сафига келиб қўшилди.

Наманган театри... Рассоқ Ҳамроев бу даргоҳни ниҳоятда хушнуд кайфиятда тилга олади. Чунки у шу театрда ижодий жиҳатдан унинг ўси. Бу ерда у уста Рӯзиматхон Исабоевдек мусиқа билимдонлари, ўзи Андижонда ишлаётган бўлса ҳам шогирдларига устозлик қўйуни чўзган Музаффар ота Муҳамедовдек саҳна сеҳрарлари билан мулоқотда бўлди.

Рассоқ Ҳамроев йигирмадан ортиқ спектакли саҳналаштириб, ўттиздан ортиқ образлар галереясини худди шу Наманган театрида яратди. «Лайли ва Мажнун» музикали драмасидаги баджаҳ Омир, «Фарҳод ва Ширин»даги ичи қора Хисрав, К. Яшиннинг «Ўртоқлар» пъесасидаги раис Матхолик, Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббатидаги Фердинанд, У. Исимонловнинг «Рустам» асаридағи Рустам, К. Гоццининг «Маликан Турандотидаги Масхара, С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра» асаридағи Сардор, У. Ҳожибековнинг «Аршин молон»идаги Сулаймон ва бошқа образларни Наманган театри саҳнасида ўйнади. Қисқаси, актёр аввал Наманган театрида камол топди, катта кино санъатига ҳам ўша даргоҳдан йўл олди.

1943 йили «Ўзбекфильм» студиясида яратилган «Тоҳир ва Зуҳра» фильмида Тоҳирнинг устози Нозим образини гавдалантирган Рассоқ Ҳамроевнинг кино санъати соҳасидаги қизгин фаолияти бошланди. 1945 йилнинг кузидаги лентага олиш учун тайёр бўлган «Насриддиннинг кечмишлари» фильмидаги Насриддин ролига тасдиқланган Рассоқ Ҳамроев севимли Наманган театри билан хайрлашади ва «Ўзбекфильм»га актёр сифатида ишга ўтади. У ўша кундан бошлаб ҳалқ ҳажвиётни қаҳрамони, теран идрокли, жафокаш ҳалқ ҳамдарди, мазлумлар ҳомийси, олийхўммат қалб эгаси, подшоҳлар ва амалдорларнинг душмани Насриддин образини яратиш учун бор истеъодини ишга солди. Етук кинорежиссёр Наби Фаниев раҳбарлигига суратга олинган «Насриддиннинг кечмишлари» фильмни тугалланиб ҳалқ ҳукмига ҳавола қилингача, томошибинлар ва санъат мухлислари Рассоқ Ҳамроевни ҳамма жойда: «Бизнинг Насриддин» деб қарши оладиган бўлдилар. Кетма-кет эълон қилинган тақризлар, мажлису кенгашларда айтилган таҳсин ва олқишилар санъаткор зиммасига яна ҳам улкан масъуллят юклайди. 1946 йилнинг биринчи январидан бошлаб Рассоқ Ҳамроев Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрига режиссёр ва актёр сифатида хизматга ўтади...

### II

Одами эрсанг, демагил одами – Ониким, йўқ ҳалқ ғамидин ғами.

Буюк шоирнинг ана шу сўзларини Рассоқ Ҳамроев ўз ҳаётини табаруқ шиор деб билади. Моҳир актёр ўз ижодий фаолиятида ҳам, театр соҳасида, кино экранидаги яратган образлари тимсолида ҳам ҳамишиана шу мътабар мисралар мазмунига амал қилиб келди. Унинг Наманган театри саҳнасида талқин этган қатор образлари, кино экранидаги яратган Нозим ва Насриддин сиймаларида мужассам бўлган олижаноблик, инсонийлик, адолатпарварлик, ҳаққонийлик каби хислатлар Алишер Навоий сиймосини гавдалантириши учун ҳам зарур эди.

«Алишер Навоий» кинофильмини суратга олинниши пайтларини эслар экан, Рассоқ ака ҳаёлчанлик билан гапиради:

— Навоий ҳалқпарвар ҳоким ва адолатли давлат ҳақида орзу қиласарди. Унинг бу орзу-умидлари пучга чиқди. Навоий образининг характерини, руҳиятини, маънавий оламини, ички қарама-қаршилигини, тадрижий, мантикий ривожини тўла ва тўғри англаб олишида мен ана шу тарихий ҳақиқатга суюндим.

Чиндан ҳам, ижодкор эътироф эттиридек, гавдалантироқчи бўлган сиймонинг ташкил қиёфаси ҳам, руҳий ҳолати ҳам, хатти-ҳаракати ҳам ана шу ички жараёнга, унинг табиии ривожига боғлиқ эди. Образ талқини биринчи галда Навоий яшаган давр

ва шоирнинг ижодини пухта ўрганишини тақозо этди. Санъаткор «Ҳамса»дан тортиб «Чор девонгача, шоирнинг газал ва маснавийларидан тортиб руబойларигача қайтадан мутола қўлди, улуф мутафаккир ҳақидаги тарихий ва замонавий тадқиқотларни қайта-қайта ўқиди.

— Очиғини айтсам,— дейди Рассоқ Ҳамроев,— Навоийнинг хатти-ҳаракати, сўзлаш йўсими, юриш-туриши, бутун ташки қиёфасини ифодалашда Ойбекнинг «Навоий» романни менга жуда катта ёрдам берди.

«Абу Али ибн Сино» фильмидаги Берунийни кўриб завқланган, «Дорбозлар»да Тоштемирни кузатиб ҳаяжонга тушган, «Кекса устанинг вакиятлари»даги Усмонбой, «Ўтган кунлар»даги Мирзакарим Қутидор, «Абу Райхон Берунийдаги Ибн Ироқ, «Ҳамза»даги Назирий, «Ёр-ёр»даги археолог профессор, «Ленин йўлланмаси билан»даги Тошмат ота, «Сайд ёд қўнғироғи»даги Мансур, «Фурқат» фильмидаги Муқимий образларини унинг сиймосида кўриб қувонган, таъсиранган ҳалқ ўз санъаткори билан ҳамиша фахрланади.

### III

Дунёда ҳамма нарса унуптилади,  
Паришон тўзонлар кўмиб кетади...  
Аммо икки нарса қолур абадий:  
Дононинг сўзию ботирнинг иши,  
Минг йиллар ўтса ҳам ўлим  
билмайди.  
Яхши сўз, яхши иш қилолган киши...

### IV

Хунарни асрарон неткумдир охир,  
Олиб туфроққаму кеткумдир охир?

Устоз санъаткор яқинда кўп минг сонли китобхонлар ҳўкмига ҳавола этган «Ҳаётим мазмунни» китобини Фирдавсийнинг ана шу фалсафий шеъри билан якунлаган. Бу бежиз эмас, албатта. Яхши сўз айтиш, яхши иш қилиш ишиш ўнинг қалбини тўлдириб тургани учун ҳам бу шеърга мурожаат қилган.

Рассоқ Ҳамроев Муқимий номидаги мұқаддас даргоҳга — музикали театрга эзгу, олижаноб ният билан кириб келган эди. Мазкур театрда у ўз режиссёрлик ижодини Ўғун, К. Яшин, С. Абдулла, Н. Сафаров, З. Фатхуллин каби таникли драматурглар, Т. Жалилов, Ю. Ражабий, М. Левиев, Д. Соатқулов, Д. Зокиров, С. Юдаков каби тажрибали композиторлар билан ҳамкорликда тобора бойитди. Айни пайтда энг яхши спектакларда турли характеристикага бўлган кўплаб қаҳрамонлар образларини маҳорат билан гавдалантириди.

— «Муқимий» пьесаси ва Муқимий образи устида ишлаш ҳам «Алишер Навоий» фильмининг яратилиш жарабенидек мароқли бўлди,— дейди устоз санъаткор.— 1959 йил эди. Мазкур пьесани яратишда бизга Манон Уйғур раҳбарлик қилди... «Муқимий» жуда оғир тарихий шароитларда яшаган,— дерди устоз бизга.— У даврда меҳнаткаш ҳалқнинг қашшоқлиги мисли кўрилмаган бир даражага бориб етган. Шоирнинг ўзи ҳам шу қадар салоҳиятига қарамай, оддий ҳалқ қатори қашшоқликда кун кўрарди. Аммо қашшоқ ҳалқ ўзининг бу истеъдодли фарзандини бошига кўтарди, энг оғир дамларда ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўймади. Шунинг учун яратилажак асаримизнинг бosh мавзуси шоир билан меҳнаткаш ҳалқнинг мустаҳкам бирлиги, уларнинг миллий реакцияни фронтига қарши баҳамжиҳат курашидан иборат бўлиши керак»...

Устоз Уйғурнинг ва асар авторлари С. Абдулла ва Т. Жалиловнинг истеъодиди маҳсулни бўлиб дунёга келган «Мавлоно Муқимий» спектаклидаги демократ шоир Муқимий образини мукаммал яратла олган Рассоқ Ҳамроевнинг шуҳрати янада ошиди. Актёрнинг илмига, савиасига, ҳарактери ва табииатига яқин бўлган шоир

Муқимий Рассоқ Ҳамроев талқинида ўзининг иккичи умрими бошлиди.

Рассоқ Ҳамроев бадий ижод билан ҳам шуғулланади. Унинг саҳна тажрибаси бунга кўл келган. У «Меҳнат эгалари», «Қўклам тўлқини», «Тошпўлат», «Ёрқин йўл», «Шаҳзода ва етим қиз», «Кенжа ўғил» сингари пьеса ва музикали драмаларнинг авторидор. «Гули сиёҳ», «Фарғона тонг отгунча» романларини унинг ўзи саҳна асарига айлантирган.

Рассоқ Ҳамроев ҳозирги кунда ёш драматурглар ва актёrlарнинг гамхўр ва меҳрибон устози сифатида хайрли ишлар қилмоқда. У А. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг профессори. Моҳир саҳна устаси кўп йиллардан бери бўлажак актёrlарга санъат сирларидан сабоқ бериб келади. Унинг шогирдлари ҳозир республикамиз ва қардош республикаларнинг барча санъат даргоҳларида ўз истеъдодларини намойиш этишадалар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Баҳтиёр Иҳтиёров, Наима Пўлатова, Эргаш Каримов, артистлардан Ҳасан Йўлдошев, Ҳусан Шарипов, Марям Иҳтиёрова, Файзула Аҳмадов, Шуҳрат Расулов ва бошقا кўпгина талантли ёшлар Рассоқ Ҳамроев мактабида сабоқ олганлар.



«Муқимий» спектаклидаги демонрат шоир образи атоили антёрнинг севимли ролларидан бири.

Рассоқ Ҳамроев «Фарғона тонг отгунча» спектаклида Мадаминхўжа ролиди.



Санъаткор «Ўтган кунлар» фильмида Мирзакарим Қутидорни ниҳоятда самимий, нуроний инсон тарзида кўрсатди.

«Насриддиннинг кечмишлари» фильмини кўрган ҳар бир томошабиннинг ҳалқ қаҳрамони — Афандига ҳурмати ортади.



# ҚОЗИ КАЛОН ШОДИХОН ТҮРА

Езувчи Худойберди Тұхтабоев 1905—1907 йиллар воңеаларини үз ичига олган «Қасоснорнинг олтын боши» романини Ѽди. Асарға миллій зулмга қарши бош күтариб чиқиб, сотқынлар томонидан хоинона үлдірілген тарихий шахс — Номоз Пиримқұл ўғлы бош қаҳрамон қилиб олинған. Қуйда ана шу асардан парча ўқысиз.



**Қ**ОЗИХОНА ҳовлисига Номоз бошлиқ дағво-гарлар кириб келганды қози калон Шодихон тұра хона тұрыға тұшалған юмшоқ күрпачада чордана күриб, бақузват тиззалары үстега қорнини, қорни үстега бошини солинтирган күйи хаёл суріб ўти-рар эди. Ҳамдамбояннинг күрғонидә бўлиб ўтган ҳангомалар тафсилотини кечак оқшомдәк эшитиб, ўзича мазлумларга ачинар, Ҳамдамбояга лаънатлар ўқир эди. Сабабики, сичқон мушукдан қандай күркса, у ҳам бойдан шундай күркәр, дуч келиб қолганида оёқларидан дармон кетиб, дағ-дағ қалтирашга тушар эди. Кечаги жанжалда бой ноҳақ эканини Шодихон тұра аниқ билиб турса-да, «Қандай қилиб ҳам бойни тинчтисаму, ҳам авомнинг дардига малҳам қўйсам», дея йўл ахтариб ўй сурмоқда эди. Ўлари охирiga етмай мириз Қобил:

— Тақсир, аргзўйлар келишди,— дея оёқ учиди кириб ахборот берди.

— Ҳа, дарвоқе,— деб секин бошини кўтарида қози калон.— Нима арзлари бор экан?

— Бойбувамнинг күрғонидә бўлиб ўтган жанжаллар хусусида келишибди.

— Кирақолишсин.

Қозихона ўн етти ёғочли узун бир ўй бўлиб, қок ярмидан иккига бўлинган. Бир қисми ердан ярим газ чамаси кўтарилиб, ипак гиламлар, атлас кўрпачалар тұшалған, дастадаста парку болишилар кўйилған. Үнда қози калонга хос жой қилиб берилған. Ҳонанинг пойгаги эса паст, захкаш, бўйра устидан шолча ташланған. Аргзўйлар бирин-кетин кириб, таомилга кўра чўйка тушған кўйи қўлларини тиззаларига кўйиб турдилар.

Қози калон бошини кўтариб мириздан:

— Аргзўйлар пошшолик ҳазина-сига арзнома пулини топшириларми?— деб сўради.

— Йўқ, тақсир.

— Дарҳол топширсинглар,— дея қози калон пайпасланып, тұшак устидаги карк сиягидан ишланған бежирим тасбехини олиб, ўғиришга тушди. «Лаънати бой,— деди кўнглида,— илоҳим, таъзирингни олло таолонинг ўзи берсін! Бу мазлумларга осонми, бола-чақаси бор, кўл учиди тебратиб турған рўэзори бор... Лекин менга ҳам осон эмас, ҳаммасидан қийини менга... Эй парвардигори олам, ўзинг мадад бер, бу ғалвалардан ҳам эсономон чиқиб олай, ўзинг шафқат қил!..»

Аргзўйлар арз эвазига бунчалик

катта ҳақ тұланишини билмас эканлар, күпчилиги бир чақасиз келиби. Суриша-суриша аранг қирқ танга жамладилар. Эртага яна қирқ танга олиб келишга сўз бериб, киримлар дафтари бармоқ босдилар.

— Хўш, мусулмонлар, сизларга не озор етди?— дея, ҳамма гапни билиб турса ҳам, ўсмоқчилаб сўз бошлади Шодихон тұра.

— Бизнинг икки важхдан арзимиз бор,— деди ўқлонник уста Камол.

— Иншоолло, арзингиз инобатга ўтгай.

— Ҳаммамизнинг номимиздан Номозни вакил қилдик.

Номоз ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйди.

— Исмингиз?— дея әркалочи бир оҳанга сўради қози калон.

— Номоз.

— Отангизнинг исми?

— Пиримқұл.

— Қайси қишлоқдан бўласиз?

— Жарқишлоқдан.

— Ёшингиз нечада?

— Йигирма тўртда.

— Хат-саводингиз борми?

— Бор. Русча ҳам ўқийман, ёзман ҳам.

— А?!

— Шундай, тақсир.

— Боракалло, бўтам, иншоолло кам бўлмагайсиз. Мусулмонмисиз?

— Алҳамдуллаҳ,— дея қўлини кўксига кўйиб хиёл таъзим қилди Номоз.

— Бундан аввал ҳам вакилликка ўтганимисиз?

— Ўтганим, тақсир.

— Қани баён қилинг-чи.

— Самарқандада иккинчи участка мировой судьяси Козловский жаноблари ҳузурда бир муддат тилмоч бўлиб хизмат қилганман.

— А?!

— Шундай, тақсир.

— Боракалло, бўтам, боракалло!

Иншоолло, бу ваколатингизда ҳам ҳақ жойига қарор топгай, барча даъвалар ҳақиқат бўлғай.

Номоз бўлиб ўтган воңеаларни баён қилишга киришиди. Ёниб-кўйиб, исботу гувоҳ кўрсатиб сўзлади. Гап орасида аргзўйларнинг ўзига сўз бериб, тасдиқлатиб борди. Мирза Қобил қамиш қаламини қтирилатганча шошилиб ёзар, қози калон берилди тинглар, аҳён-аҳёнда катта саллали бошини чайқаб, «Бай-бай-бай!», дея афсус билдирап эди.

Ниҳоят, у Номозга «Жойингизга ўтиринг», деб амр қилди. Сўнг увишган оёқларини уқалай-уқалай ўрнидан туратиб:

— «Илкимдан келгунча золим тиғин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамин қўйдим», деган эканлар ҳазрати Навоий,— деб қўй-

ди.— Иншоолло, биз ҳам интиқом малҳамин қўйгаймиз. Шундайми, мириза?

— Худди шундай, тақсир,— деди Қобил шошиб.

— Энди, мусулмнлар, пешин номозини ўқиб олсақ,— деди қози калон ташқарига чиқаётib.— Ҳакиқатнинг поёнига етишни номоздан сўнг давом эттигаймиз. Маяқулми?

— Маяқул, тақсир,— дейишида даъвогарлар бир овоздан.

Тахминан икки соатлардан кейин яна шу хонада жам бўлиб, ҳар ким ўз ўрнини эгаллади. Мирза катта дафтари очётган эди, ташқаридан тасир-тусур товуш эшитилди. Ҳамма очиқ дарича орқали ҳовлига бўй чўзди. Ё раббий, ё навзанбилилло! Нималар бўляпти ўзи? Қозихонанинг қўш тавақали дарвозаси шарақлаб очилиб, қўш от қўшилган коляска шитоб билан кириб келиди. Коляскандин орқа-олдиди наизали милтиқ тақсан ўн ҷоқли рус аскари, старшина Никитин қилич яланғочлаб турибди. Кўз очиб-юмгунча ҳовлини отлик босиб кетди. Коляскандин виқор билан олдин Ҳамдамбой, кетидан Даҳбед бўлусининг ҳокими Мирзаҳамид тушди. Ҳокимнинг навкарлари, йўлакда ҳеч ким бўлмаса-да, пўшт-пўштлаб уларни ичкарига — қозихонага бошладилар. Эшнихи ёғи билан тепганча хонага биринчи бўлиб важоҳатидан заҳар чакиллаб турган басавлат Ҳамдамбой, кейин ҳоким ва қиличини ярақлатиб боши узра кўтартган Никитин кирди. Улар тўппа-тўғри юқорига, қози калоннинг хос ўрнига ўтиб, атлас кўрпачаларни этиклири билан топтаб сафга тизила бошладилар.

Ҳамдамбой икки қўлини биқинингга тираб, кўрқувдан хонанинг бир чеккасига гўж бўлиб олган аргзўйларга ғазаб тўла кўзлари билан бир-бир қараб чиқди.

— Ораларингда Номоз Пиримқұл ўғлы борми?— деб сўради.

— Менман, бойбува!— деб бир қадам олдинга чиқди Номоз.

— Қулибек!— деб қақири бой.

— Лаббай, бойбува,— деда ташқаридан чуваккина, эчкисоқол бир киши югурни кирди.

— Буларнинг ичиди қай бири от ўғриси, танийсанми?

— Танидим, бойбува, мана бу!— деда қўлини бигиз қилиб Номозни кўрсатди Кулибек.

— Нечта от ўғирлагани эсингдами?

— Эсимда, бойбува, тўртта от ўғирлаган.

— Қачон ўғирлаган?

— Чоршанбага ўтар кечаси.

— Шодиқул!— деб қақири Ҳамдамбой очиқ даричага қараб.

Ҳонаға башанг кийинган, мўйлаби эндиғина сабза урган, оқ-сариқ юзли ёшгина бир йигит отилиб кирди:

— Лаббай, бойбува?

— Сен отларни кимдан сотиб олган эдинг? Буларнинг ичиди ўша одам борми?

— Бор, бойбува.

— Қани, кўрсат-чи бизга!

— Отларни менга мана бу йигит сотган,— деда Шодиқул қўлини бигиз қилиб Номознинг кўкрагига тиради.

— Ҳар бир отга неча тангадан бергансан?— деб сўроқда давом этди Ҳамдамбой.

— Уч минг тангадан, бойбува.

— Итвача!— Ҳамдамбой ҳалига-ча гап нимадалигига ақли етмай қарашт бўлиб турған Номозга яқинлашиб, икки юзига кетма-кет тарсаки туширди.— Ўғри, муттаҳам!

Номоз бурун катаклари кенгайиб шердек бир пишқирди-ю, гапнинг тагига етолмагани учун ўзини босиб:

— Мен ҳеч нарса тушумаяпман, бой,— деди елкасини қисиб.— Нима гап ўзи? Тушунтирсангиз-чи, қанақа отларни айтаяпсизлар?

Бўлис ҳокими Мирзаҳамид секин мўйлов қилган эди, давангидек олти навкар бирдан ташланиб, гарангисиб турған Номознинг кўлларини орқаси-га қайриб қишил солди.

— Нима қиляпсанлар?— деда хонанинг шифтини кўчиргудек бир куч билан ўкирид Номоз.— Бу тұхмат-ку! Ҳой, мусулмонлар, нега қараб турбисизлар, менга тұхмат қилишяпти-ку булар!..

Олти барзанги уни судраганча ташқарига олиб чиқа бошлади. Бой нима қиласини, нима дейишини билмай, наша элитган бандидек қотиб қолган қози калонга солди.

— От ўғрилари билан нима маслаҳат қилаётган эдингиз, тўрам?

— Астальғирулло!— деб қўйди қози калон.— Мен... биз... Иншоолло...

Аммо бой қозининг нима деганини эшитмади ҳам, қандай ваҳшат билан кирган бўлса, шундай ваҳшат билан чиқиб кетди.

Ҳонаға салласи бир томонга кийшаган қозиу бошлари қўйи солинган аргзўйлар қолдилар. Гўристондек оғир жимликини Шерниёзнинг қичқирии будзи:

— Бу тұхмат-ку, тақсир!

— Ҳудо шоҳид!— деди қози дағрича орқали жимжит бўлиб қолган ҳовлига кўз ташлаб.

Шодихон тұра ҳали тараддуд кўраётганида Қобил лип этиб ташқарига чиқди оёғини қўлга олиб Ҳамдамбояннинг ҳовлисига ўгорди. Бўлса ўзига, бўлмаса ўғилларидан биронтасига бойбувадан шикоят қилиб аргзўйлар келганини маълум қилиб қўймоқчи эди. Нияти —

«Күргисизми, бойбува, мен сизга қанчалик садоқатлыман. Қози калон бұлса сиздек улуғ зотнинг олдидан үтмай устингиздан иш құзғаб юрибди», деган гапни тақидлаш эди. Қобил гарчи сиртдан қозига ғоят әтиқодли ва самимий күриниб, ҳар қарашат билан унинг нозик күнглини овлаб юрса-да, зидан пайини қиркишга, обрыйни түкишга ҳаракат қылар, уч сайловдан бүён қозилика сайланып келаёттан Шодихон тұраның күрганы күзи, отғани үйін үйк әди. Эртаю кеч қозилик лавозимини әгалашга интилар, бунга йүл қидирғани сари Шодихон тұраның күл-оёқларини тинмай, ялар эди.

Хамдамбай тушлик таомдан сүңг ёнбошлаганча чой ичиб, чүрі қызға оёғини үқалатиб ётган экан. Қобил Хамдамбай қаршиисига тортини броқ келиб, одоб билан құл қовуштириди.

— Ҳа, миң, бунча ит қувган соққөдек ҳансирамасаң?— деди Хамдамбай.

— Бойбува, бир қошиқ қонимдан кечсанғиз...

— Кечдим, нима гапнін бор?

— Қози сизга беодоблик қылди, устингиздан иш құзғаб юборди.

Бой ёнбошлаган жойидан туриб, чордана қурди:

— Қанақа иш?

— Кеча құрғонда бўлиб ўтган ғавоғолар хусусида.

Бойнинг қуюқ қошлари паст-банд бўлиб кетди:

— Шунақами ҳали?

— Уларнинг пул даъволари бормиш.

— Итваччалар!

— Номоз Пиримқұл ўғли деган

бир ялангоёқни ўзларига вакил қилип сайлашибди, ул хели баттарин күрінади.

— Шунақа қилишпти, дегин?

— Мен қози қазратларига: «Валинеъматимиз бойбувамни огохлантириб құяйлик», десам, у киши құл силтаб: «Бой үз йўлига, қозилик ишлари ўз йўлига», деб каминани уришиб бердилар.

— Нонкўр экан-ку тўранг!— Ҳамдамбайнинг узун бўйнидаги томири ўқлогидек ўйноқлаб чиқди. Мирзага бир тилла тутиқазиб, миннатдорчилик билдириди. Сўнг уйидан иккى қадам нарида жойлашган ҳокимнинг маҳкамасига ошиқди. Мирзаҳамид пешинномозига тараддуд кўриб турган экан.

— Номозни кейин ўқирсан,— деди Ҳамдамбай ҳоким таклиф қиласа жойга ўтиаркан.— Маслаҳатли бир иш чиқиб қолди. Буни жуда тез ҳал қиммоғимиз даркор.

Мирзаҳамид— Ҳамдамбайнинг со-дик қули. Сабабки, шу валинеъмат кўмагида ҳокимликка сайланган, шу кишининг сояи давлатида даври даврон сурibi юрибди.

— Тинчлики, бойбува?— деда ташвишлани сўради ҳоким.

— Сен аралашсанг, ҳудо ҳоҳласа, тинчлик бўлади.

— Қулингизман,— деб баҳайбат қўлини қўксига қўйганча каттакон саллали бошини хиёл эгди ҳоким.

— Жарқишлоқлик Номоз деганин танийсанми?

— Танийман, яхши улоқ чопади. Тўйга таклиф қиммоқчи здингизми?

— Улоқ чопади, дегин?  
— Кураш ҳам тушади, бойбува.

Ҳудо ҳоҳласа, тўйингизда катта совринни шу йигит олса ажаб эмас...

Мирзаҳамид Қобилчалик ҳүшёр эмас эди. Бойнинг ғазабдан чакка томирлари бўртиб, кўзларидан қаҳрли ўт чақнай бошлаганини пайқамади. Аксинча, бой Номозни хизматга олмокчи бўлса керак, деб ўйлаб, яна таърифлашга тушди:

— Мард, ҳалол йигит...

— Бас қил!— Ҳамдамбай ўрнидан туриб кетди. Анграйанча Мирзаҳамид ҳам ўрнидан турди:

— Кечирасиз, бойбува.

— У ит эмган кечаги ғалаёнчиларга бош бўлиб келганмиш.  
— Наҳотки?..  
— Сендақа ҳокимдан ўргилдим-э!

— Бойбува, мени кечиринг, ҳозироқ бориб у муттаҳамнинг бўйини узуб ташлайман.

Шундан сўнг икковлон даъвогарлардан қутулиш йўлини узоқ муҳокама қилдилар. Ниҳоят, бошлиқларини ўйқотиш керак, деган хуносага келдилар.

Мирзаҳамид қули орқасига қайирилиб, кишинланган Номозни итариб авахтахонага киритаркан, уришга ҳеч қандай важу сабаб бўлмаса ҳам, Ҳамдамбайга садоқатини намойиш этиш мақсадида йигитнинг юзига учтўрт қамчи тортиб юборди. Ажаб, Номоз оёқларини керганча, оғир-оғир ютиниб индамай турарди. Юзидан тирсиллаб қон чиқиб кетса ҳамки, миқ этмасди...

Козихонада ҳанг-манг бўлиб қолган арзгўйлар Шерниёз «Бу тұхмаку, тақсир!», деб бақириб юборганинан кейингина ўзларига келдилар. Нима қилишларини билмай елка қи-

сиб, бир-бирларига қараб қўяр эди-пар.

— Ҳўш, тақсир, буёғи энди неча пулдан тушди?— деб пичинг аралаш сўради қозоқ овулидан келган Эшбўри.

Қози калон ҳамон ўзига келолмаган эди. Иззат нағси беҳад ҳақоратланди. Авом олдида бойнинг бундай оёқости қилиши, ҳатто кўрпачаларни топташи яхшими! Йўқ, бой бўлса ўзига! Шодихон тўра бу муқаддас даргоҳини, шариатни оёқости қилдириб қўймайди.

— Лаббай, бўтам?— деда секин бош кўтарди у.

— Нима қилдик энди?— деб тақсир сўради Эшбўри.

— Бир дағдаға билан даъвонгиз чуғча чиқдими?

— Асло ундей эмас, тақсир. Биз қиёматгача даъвогармиз.

— Яна шу иш хусусида даъвогарлар борми?

— Жами олтмиш кишимиз, тақсир.

— Эртага барчангиз жам бўлиб бу ерга келасизлар,— деди Шодихон тўра қасос ўтида ёниб.— Мен Самарқанддаги округ судьяси жанобларига сиз жабридайдалар номидан арзнома бўтиб бераман. Токи ишни қўриб чиқмоқни мировой судьялар бошқаргай. Иншоолло, ниятларингизга етгайсизлар. Энди уйларингизга қайтингизлар. Эртага, ҳудо ҳоҳласа, шу ерда кўришамиз. Аминман, баттол Ҳамдамбай ён берар. Сабабки, сизлар кўпчиликсиз, ҳудо ҳам кўпнинг илтижосини инобатга олгай.

Шодихон тўра хуфтонгача тутақиб юрди. Ўзини қўярга жой тополмай, гоҳ гузарга, гоҳ масжидга чиқиб, барни бир ҳеч жойда тиниб-тинчиб ўтиролмади. Бир томондан бойнинг ғазабидан, шу ғазабдан келиб чиқадиган хунук оқибатлардан қўрқар, иккинчи томондан эл ўртасида «Қози калонимизнинг сариқ қаҳаликка орпий йўқ экан», деган миш-мешлар тарқаб кетишни ўйларди. Йўқ, бетоқат бўлаётганининг бирдан бир сабаби шугина эмас эди. Бу жанжалларни тинчитиш билан камида ўн минг танга мўмай пулга эга бўлиши режалаб қўйган, ана шундан маҳрум бўлиб қолаётгани учун ҳам юракбағи кўйиб бормоқда эди. Хуфтонномозига таҳорат олиш учун энди ҳовлига чиқкан эдик, кимдир кўча эшикни от келдисига олиб дуппиллатиб қолди. Қарол йигит бориб очса— Ҳамдамбайнинг миразаси Олим экан. Тўрани йўқлаб келиби.

— Ҳуш кўрдик, қадамларига ҳасанот!— деди Шодихон тўра алланечук бетоқат бўлиб.

— Бойбувам дуои салом айтдилар.— Олим, атрофда ҳеч ким йўқмикан, деда у ёқ-бу ёққа аланглаб олди.

— Умрлари зиёда бўлсин!

— Дарё бўйидан мулк сотиб олаётганингизни эшишиб беҳад хурсанд бўлдилар, озгина кўмак бериб юбордилар...— Олим Шодихон тўранынг қўлига баҳмал халтача узатиб, кескин бир ҳаракат билан орқасига бурилди.— Ҳудо ҳоҳласа, бошқа ишларингизга ҳам ёрдам бермоқ ниятлари бор.

Э худойим, бугун қанақа кун бўлди ўзи? Наҳотки, чоршанбани шунақа алғов-далғов қилиб яратган бўлсанг! Бойнинг кундузги ваҳшатини қараю энди мана бу марҳаматини кўр! Э, тавба! Э, тавба! Лекин, нима бўлганда ҳам, бойнинг ҳам хонлиги, ҳам беклиги бор-да! Аммо, шўринг курғур даъвогарларга жабр бўлди-да! Начора, яратганинг ўзики шундан буюриб турғандан кейин бу бандай ожизнинг қўлидан нима келарди?..

Шодихон тўра иккى қўлини боши узра кўтариб Ҳамдамбайнин узоқ дуо қилди, «Қуруқ тұхматдан, бемахал ўлимдан ўзинг асрагин, давлати бундан ҳам зиёда бўлсин, облоҳу акбар!», деб юзига фотиҳа тортиди.



Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

# МЕН ҚУЁШНИ

## КУРГАЛИ КЕЛДИМ...

Буюк денгизда асов тўлқинлар исён наърасини тортиб ўйнаганда биз уйқу қучогида эдик. Тўлқинлар қирғоқларга ларза берганда кўз очдик...

МИРТЕМИР

Қоратоғ этакларидан шарқираб тушган сойлар Туркистоннинг Эски Иқон ҳамда унинг теварак-атрофидаги Ибота Чага, Тошаноқ сингари қишлоқлар бағрига сингиб кетади. Ўрқач-ўрқач булутлари қаёққадир шошётган осмон, саротонда жимирлаган ҳовур, сертупроқ йўлларга тушган турли излар, сархил меваларини сахийлик билан элга инъом этган шотутлар... Буларнинг барчаси киши қалбини орзиқтиғади, хаёлни олис-олисларга этаклайди. Эски Иқон қўчаларида одам сиyrak. Бирорлар Қоратоғ этакларида — чорва билан овора, аксарият аҳоли буғдој ўргифида банд.

...Минг тўқиз юз ўнинчи йили ҳосил мўл бўлди — одамларни шошиб кўйди. Кўплар қўраларига қайтмай, далада ётиб қолар, тонг бўзарар-бўзармас яна ишга тушиб кетар эди. Шундайлар орасида Турсунмуҳаммад Умрбек ҳожи ўғли ҳам бўлиб, қўли ишда-ю, фикр-зикри қишлоқда — уйида эди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да! Уйида ёстиқдоши ёлғиз. Ой-куни яқин. Хотинининг асли исми Моҳирўй бўлса-да, негадир ҳамма, ҳатто ўзи ҳам Тўти, деб қақиради.

Турсунмуҳаммаднинг ҳаётидан кўнгли тўқ. Тириклиги бошқаларни кидан кам эмас. Дехқончилик қилали, мол-ҳоли етарли. Фақат... фақат худо уни фарзанддан қисган: тўнғичи Абдулҳамидни умри билан бермаган экан — пешанасига сифмади. Сўнг Турсунмуҳаммад ҳажга ҳам бориб қайтди. Иккинчи ўғлининг исмини Ҳожимурод кўйди. У ҳам турмади. Туғилди-ўлдидан юрак олдириб кўйган Турсунмуҳаммаднинг безовталиги шундан.

У чошгоҳ бўлиб қолганини, одамлар нонуштага отланаётганини ҳам сезмади. Манглайдан тер сизиб ўроқ тортаверди. Бир замон қулоғига синглиси биби Саҳронинг чинқириғи эшитилдиҳо ҳаракатсиз қотди қолди. Синглиси олисдан кулочини ёйганча алланималар деб чопиб келар, Турсунмуҳаммад ҳеч нарса эшитмас, эшитулик ахвозда ҳам эмас эди. Синглиси жуда яқин келандагина ўзини тутиб олди:

— Суюнчи, акажон, суюнчи! Ўғил! Эшитапсизми? Нима бўлди сизга, ўғил деялман!

Турсунмуҳаммад буғдои ўриб олинган ангорда ўтлаётган саманга қандай минганини билмайди. Ҳовлисига елдай учиб бордио отдан сакраб, доз момонинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай хотини ётган хонага отилиб кирди.

— Раҳмат, энаси!..

Моҳирўй унга маъюс термилиб турди-да, хўнграб юборди. Шўрлик аёлни иккি фарзандининг дого бу тунлай довдирдек кўйган, бунисининг умри ҳам унга омонатдек кўриниб, кўнглини безовта қилмоқда эди.

## ОТАЁР

Ёш ёзувчи Отаёр устод Миртемир сабоқларидан нўп бор баҳраманд бўлган. У яқинда атоқли шонр ҳақидаги эссе-қиссанини ёзид тугатди. Ёдинизда бўлса, бу асарнинг бир қисмини «Гулистан»нинг 1978 йил, 4—5-сонларида эълон қилган эдик. Унда атоқли сўз санъаткорининг адабиёт, ҳаёт, ёш ижодкорлар, сафдошлари, умуман, замондошларига бўлган муносабати, шеъриятга фидойилиги, инсоний фазилатлари қаламга олинган эди.

Қуйида Ўзбекистон халқ шоири. Ҳамза номидаги республика давлат мунофоти ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоғистон АССР давлат мунофоти лауреати Миртемирнинг түғилганига 70 йил тўлиши муносабати билан асаддан яна бир парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.

...Мана Турсунмуҳаммад хонадони гавжум бўлиб қолди. Янги меҳмонга аталган қўй сўйилиб, қишлоқ оқсоқоллари, катта-кичик йигилиб келди. Эл тарқалиши олдида Турсунмуҳаммад оқсоқолларга оқлик қўйиб, удумга кўра фарзандига исм тилади. Оқсоқоллар бир майдон ўзаро келишиб-фирлашиб, гаплари гапларига қовушмай туриши. Охири, кексалардан сўз бошлади:

— Қариндошлар, бизнинг Туркистонимизга бурунги замонларда Амир Темур келиб, Хўжа Аҳмад қабрига ўзларинг билган гаройиб мақбарани қурдиран экан. Ана шу қадамжо неча юз йиллар ўтса ҳам қад кўтариб туриди. Демоқчиманки, Турсунмуҳаммад ҳожининг шу ўғли ҳам яшаб-туриб қолсин, деб оқ фотиҳа берайлик-да, исмини Миртемиро қўяйлик.

Бу гап ҳаммага маъқул бўлиб, йигин тарқади.

Шу-шу, Турсунмуҳаммаднинг минг тўқиз юз ўнинчи йилнинг буғди пишиғида туғилган ўғли Миртемиршо аталиб яшайверди. Тураган гапки, ўшандаги ҳеч ким бу норасида келгусида атоқли халқ шоири, элнинг эъзозли ўғли бўлиб етишишини башорат қилмаган эди, албатта. Бироғ шундай бўлди: ўша оила, ўша қурама қишлоқ, ўша қадим Туркистон табиати ва одамлари Миртемирнинг болалигини, дунёга, эзгуликка, яхшиликка ташна покиза қалбини, гўзал туйғуларини ардоқлади, улғайтириди. Бу ҳақиқат шоирнинг 1934 йили ёзган «Қўёш ҳақида» шеърида ҳам акс этган:

Мен ерга қўёшини кўргали келдим,  
Бироқ у кулмаган бўлса ўшал кун  
Кўйлагум, кўйлагум қўёш ҳақида,  
Тароналар тўқиб, солгум садо — ун...

Ҳа, шундай бўлди: Миртемир сўнгги нафасига қадар қўёши, нурли борлиқни кўйлади. Нур йўқ жойни кўрса — бор бўлсин, деб кўйлади. Ўша шеърида у яна: «Дарвозаларнинг пешоналарида елпираған туплардай, Бир қудрат таратолсин қичқириқларим», деб ўз маслагида собитлигини такрор таъкидлаган эди.

## ЗАЙНАБ МОМО ҮГИЛЛАРИ

Биби Саҳро акаси Турсунмуҳаммадга суюнчига борганида ўн уч яшар қизалоқ эди. Ҳозир эса саксондан ошган табаррук онахон. Тақдир тақозоси шу бўлдики, у Мирте-

мир туғилганида қанчалик қувониб, вояга етказиб севинган бўлса, сўнгги манзилга узататётгандан шунчалик куйиб, ғарип бир аҳволга тушиб қолди. Тақдир тақозоси шу бўлдики, Миртемир ҳаёта биби Саҳро аммасига фарзандгина бўлиб қолмади, балки суюкли куёв сифатида ҳам хурматини қозонди.

Йигит ёшидаги Миртемир олис айрилиқли сафардан қайтиб келгач, Турсунмуҳаммад синглиси биби Саҳрога маслаҳат солди:

— Миртемирни ўзинг катта қилдинг, синглим. Онаси шўрлик орзуҳавас кўрломай кетди... Болам бечорага онаси қабрини зиёрат қилиш ҳам насиб этмаган экан... Энди, шу Єрқиной қизинг билан Миртемирнинг бошини қовуштириб қўйсак бўлариди...

Биби Саҳронинг кўзи ёшга тўлди. Қувончданми, ўксинишданми — ҳамон буни айттолмайди. Ҳайтовур икки фарзанди ҳам олдида бўлишидан, орзуҳаваси ушалаётганидан кўнгли ҳақиқини рост.

Алқисса, тўю томошаси, расм-рузуми жойига қўйилиб, Миртемир билан Єрқинойнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди.

Ўшанда 1935 йил эди...

Ака-сингил — Турсунмуҳаммад билан биби Саҳронинг қуда-андачилик қилишларига оналари биби Зайнаб ўғитлари ҳам сабаб бўлгандир, эҳтимол. Эски иқонлик Умрбек ҳожи Усмон ўғли биби Зайнабга уйланаётганида ёр-дўстлари орасида: «Сенга бошқа қиз қуриб қолувдими», деб ганлар ҳам бўлган экан. У замонларда ҳам, қизлар паранжи-чачвонга қанчалик чирманиб юришмасин, қишлоқ ўғигитлари қайси қизнинг ҳусни қанақаю феъли-атвori қанакалигидан боҳабар эканлар-да! Зайнабнинг шаддод ва қақажонлиги Умрбек ҳожига биродарларининг ҳалигидай таъна қилишларига баҳона бўлган, албатта. Лекин Зайнабни ёқтирган Умрбек ўз аҳдидан қайтмаган. Қейинчалик қишлоқдаги эътиборли хонадонлардан бири сифатида танилган бу оиласда беш қиз ва бир ўғил — Турсунмуҳаммад дунёга келган.

Ўшлани еру кўкка ишонмаган Умрбек ҳожига уни ҳеч нарсадан ўқситмай ўғитириди. Бўй етгач, Иномиддин домла деган маърифатли одамнинг Моҳирўй исмли ойдек қизига уйлантириди.

Биби Зайнаб фарзандларига қаттиқўл ва меҳрибон бўлганидан Фар-

зандлар ҳам оналарининг нима дейиншини кўз қарашиданоқ илғаб олишарди. Одамлар биби Зайнаб бош кўшган маъракао давра кўнгилдагидан зиёд ўтишига одатланиб қолганлар, доимо унинг ҳурматини жойига қўйганлар. У бирор жойда дидга ўтиришмаган ҳодиса устидан чиққудек бўлса, ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб юборар, айниқса, болакайларга озор берганни жини сўймас эди.

Миртемир домла момосининг бу фазилатларини «Момом» деган (ҳали эълон қилинмаган) тўртлигида таърифлашга жазм этган:

Момомнинг отини Зайнаб дердилар. Келади ҷаҷиҷин чайнаб, дердилар. Келса ҳам келсин-да булокдай жимиб, Келмасин қумғондай қайнаб, дердилар.

Шоирнинг «Бувим чўпчакларидан» туркумига кирган талай шеърлари Зайнаб момонинг ўғитлари, у айтган ривояту эртак, халқ ҳикматлари таъсирида туғилгани сир эмас.

Миртемирнинг Тошкентга келиб, ўз йўли ва ўрнини топиб кетишига ҳам биби Зайнаб сабабчи бўлди. Дастраб бобоси Иномиддин ҳожи қўлида, олти ёшидан эса Нўғай домлада ўқиган Миртемирга эски мактаб таълими ёқмай, у ердан қочади. Шунда биби Зайнаб момоси ҳеч кимга билдиримай уни Тошкента үзиётган неваралари — Ирисбек ва баҳромларга қўшиб юборади.

— Тавба,— деган эди Миртемир ака, мендек шумтака бир «қочоққа» бувимнинг ўшандага буна махри-бонлик қилганига ҳали-ҳали ҳайрон қоламан. Бизлар шошиб турибмиз-у, шўрлик бувим бўлса кўймана-кўймана иссиқ нон ёпиб, бўғирсоқлар пишириб ўйлалтамизга жойлаб қўйгани кечагидай ёдимда.. Ундан кейин, десангиз, Тошкентда янги ҳаётим бошланиб кетди. Анча пайтгача амакиларим, айниқса, Баҳром амакимдан тез-тез хабар олиб турди. Ҳаша амаким урушда ҳалок бўлди. Ундан уч қиз, икки ўғил қолди. Ўрнини билдиримадим. Болалари ҳозир ўйли-жойли, тутув... Қизларининг учови ҳам фан кандидати — дорилғунда педагог.

Устод сўзлаяптио мен унинг ўғил-қизларига ҳам, яқинлари, умуман ҳаммага ҳам бирдек — доимо ёрдамга шай туришини, меҳри уммонлигини дилимидан ўтказман, фарзандлари — Даражон, Юлдузхон, Миржалол, Мирзо, Гулнорани очи-либ-сочилиб эркалаганини кўрмаганимни эслайман. Оила аъзолари даврасида ҳам, шогирдлари куршовидага ҳам у доимо сипо, талабчан, фамхўр, бироқ ҳеч қаҷон сунъий эмас, ўта табиий, ўта оддий эди.

— Ҳар бир нарса, ҳар қандай хатти-ҳаракат, муомала асло одоб чегарасини, меъёр сарҳадини бузмаслиги керак, бўйтам... — деб ўқтиришини яхши кўрарди домла.— Ахир, ўланг: сизнинг елкангизга қоқиб: «Сиздан зўри йўқ, ажойибсиз, етилиб қолибсиз!», деб мақтавга ўрайверсам... Ҳуш, ундан кейин нима бўлади? Эртага ўтолжай, индинни кўришга сабрингиз чидамай бир

замбил лой бўласиз — шу! Фарзандларимга муносабатимни эслатдингиз. Тўғри, уларни ҳам ҳадеб ялаб-юлқайвермайман. Олган ҳар нафасимда улар нафасини тұяман. Чинакам бир отачалик мөхрим, шулар туғилибдики, шулар билан бирга. Улардан күнглим хотиржам — ҳеч бири ранжитани йўқ мени...

Кўзларимга ёш қўйилиб келади. Домла бу гапларни менинг юзимдан ўтолмай айтатганини сезиб тұраман. Бўлмаса, домла шахсий кечинмаларини бу қадар ёйилиб (тавбир жоиз бўлса, мақтанганим) айтадиганлардан эмас эди. Лекин домланинг бу гапларни айтатганидан қандайдир мақсадни кўзлаганини ҳам сезиб тұраман. Мана, ўйлаганимдай бўлади. Домла гапига якун ясаб, дейди:

— Шундоқ гаплар, бўтам... Шоир ҳам шеърларига шундай мумолада бўлиши керак: уларни туғилгандан ҳадеб эркалаторвермаслиги, ҳаммага кўз-кўз қилиб мақтавермаслиги зарур. Аксинча, уларга ҳар гал назар солганда ҳар бирини тежаб-тергар, у ер-бу ерини тўғрилаб, зиммасидаги бурч ва масъулиятни тағин ҳам кўтариб, шеърхон қаршисида қизариб қолмаслиги учун қайтуриб туриш лозим. Тушунгандирисиз...

Ким билсин, бу хислат домлага уша кайвони биби Зайнаб момодан ўтган бўлса, ажаб эмас.

### «МЕН — СЕВГУВЧИ ЭДИМ...»

Туркистон мавзуи — Миртемир шеъриятининг етакчи лейтмотивларидан. Сабаби унинг «Мен» деган тўртлигидан ҳам аён:

Ҳа, мен туркистонлик.

Туркистонданман. Олис боболарнинг олтин тупроғи. Мунглик ва жафокаш бир жаҳонданман, Жафокаш жаҳоннинг қадим аймоги.

Ўрта Осиёдаги муҳим ҳунармандичилик ва савдо марказларидан саналган қадим Туркистоннинг қачон барпо этилгани ҳануз аниқ эмас. Манбаларда қайд этилишича, IV—X асрларда Туркистон ўрнида Шавгар (Шоважар) шаҳри бўлиб, кейинроқ у Ясси деб ҳам аталган. Бу жой анча давргача диний марказ сифатида шуҳрат қозониб, Ҳазрати сulton деган ном билан аталиб келингандилиги ҳам маълум.

— Булар ҳақида Зайнаб бувимдан кўп эшиганинан,— деган эди домла қаддими тиклаброқ ўтириб.— Эшиганиндан талайи бу қадим юрт ҳақидаги ривоят ва эртаклардан, ғаройиб воқеалар тафсилотларидан иборат. Ўлмасам, уларнинг шеърий нусхасини қоралаш истагим ҳам йўқ эмас... Туркистоннинг Туркистон деб атала бошлагани тахминан XV асрда тўғри келади. Худди шу давларларда, яъни, XIV аср охири шу XV аср бошларида, тўғрироғи, Олтин Ўрдага қарши олиб борилган жанглар даврида тасаввуғининг атоқли сиймоларидан, шоир Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қиласи келган Амир Темур унинг қабри устига улкан мақбара курдирган. Махсус фармонга биноан катта маблағ сарфлаб бунёд этилган мақбара замонаси меъморчилигидаги мўъжизалардан бири сифатида кишиларда ҳамон ҳайрат ўйғотиб келади. Буларни ўзингиз ҳам ўқиб билгансиз, талай манбаларда қайд этилган. Хуллас, менинг жинде шоирлигим бор бўлса ва у элим көрига жинде ярататган бўлса, демак, аввало ҳалқим, Ленин партияси қаторида Ватанимдан, хусусан, шу Туркистонимдан ҳам беҳад миннатдорман. Ахир, менинг чиндан ҳам шоир деб аташаётган экан (ҳали бу кутлуғ номни оқлашим учун ҳалқимдан кўп қарздорман), шоирлигим хамиртуши шу Туркистондан олинганда. Шу ер табиатидан илҳом олиб, шу ердан оламга назар солиб, шу ерда бувим чўпчакларини тинглаб,



шу ердан катта ҳаёт йўлига учирма бўлганман-да...

Миртемир 1927 йили ёзган шеърларидан «Кўклам куйларида»: «Уфф... Мен — севгувчи эдим...», дейди. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Шоир умрининг сўнгги дациқасигача севгини кенг кўламдаги маъносида тушуниб, ўшандай севги соҳиби бўлиб яшади: ёрини қанчалик севса, Ватанини шу қадар ардоқлай билди. Шеъриятга муҳаббати қанчалик оловли бўлса, ҳалқига, чинакам коммунистик ғояларга шу қадар ҳарорат ва меҳр билан ихlos қўйди. Мехнат кишиларини қанчалик оддий ва камтар, фидойи ва содда деб тушунса, уларга севгиси қанчалик самимий бўлса, ўзини ҳам ўшалар қаторида деб ҳисоблади. Шоир деган юқсан номни хеч қаерда, ҳеч қачон пеш қилмади. Ўзини оддийлардан оддийроқ ҳис этди. Миртемир шеърларидан бирида айтилган кўйидаги мисранинг туғилгани ҳам шундан:

Умрим оддийлардан тағин  
оддийроқ...

Устоз дўпписини қўлига олиб ҳар галгидай бир айлантириди-да, яна чаккасига кўндириди. Ёрқиной ая чойни янгилаб чиқиб кетаётганида, беозоригина «Рахмат...», деди-да, одатча тишларини ғитир-ғитир ғичирлатиб ҳовлига йўналди. Менга «Чойдан ичиб туринг. Мен ҳозир...», деган маънода имо қилишини ҳам унунтади. Ҳовлига чиқиб, йўлакка учуб тушган уч-тўрт япроқни (1976 йилнинг кузи эди) оҳиста олиб, ҳовлининг майдалаб ағдарилиг жойига ташлади. Новдаларга, айвонга, кўм-кўк осмонга қарай-қарай бир-бир босиб кеза бошлади.

Нималарни ўйляяпти экан? Суҳбатимиз босиб ўтилган манзиллар манзараларини яна бир бор ёдига солгани аниқ эди. Йўқ, у ўтган йиллар мобайнида ҳалқ шоирни деган унвонга мушарраф бўлганини, неча элу, юртлардан мактоблар олиб қайтганини, Мехнат Қизил Байроқ, «Хурмат белгиси» орденлари, бир қанча

медаллар билан тақдирланганини эслатгани ҳўй, албатта. Асло! Домланинг бундай ҳисларга берилмаслиги уни билган ҳар бир кишига аён. Шу пайтда унинг ёдига ўтган муҳаббат савдолари, ёустози ўғитлари тушгандир, эҳтимол? Ё бўлмаса, олис сафарлар таассуротлари исканжага оләтгандир... Лекин, менинг назаримда, шу аснода домла ёшлиги, Тошкентдаги Алмай номидаги мактабда, Ўзбек эрлар билим юртида, Самарқандаги Педакадемияда (ҳозирги СамДУ) ўтган талабалик йилларининг ширин хотиралари, Йўлдош Охунбобоевнинг котиби бўлиб ишлаган пайтлардаги масъулиятли дамлар, интернатда ўтган педагогик фаолияти, республика газета ва журнallар редакцияларида, нашриётларда тўкилган манглай тер, ҳалол ва узлуксиз ижод машаққатларининг сурури, сон-саноқсиз ёшларни ижоднинг катта йўлига бошлаб киргани, семинарларда раҳбарлик қилгани, у бошқарган семинар машгулотларидан бирида Усмон Юсупов иштирок этиб, нутқ сўзлагани, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода каби устоз ва сафдош ижодкорлар, атоқли достончилар билан кечирган сухбатлари хотираларига берилган эди. Бу унинг ҳаркатларидан, аҳён-аҳёнда тўхтаб, мийигида жилмайиб қўйишларидан аён кўриниб турарди...

### ШУКРОНА

— Хўш... Шундай шеърлар бўладики, тез ёзилади, шундай шеърлар бўладики, узоқ ўйлаб, ўҳшатишлар, тимсоллар, киноялар излаб юрасан, қуруқ баён қилиш керак бўлса, унда қозогза тез тушиши мумкин. Лекин уни ҳақиқий шеърга, юрагингни, китобхон юрагини жазиллатадиган даражага, шеър даражасига кўтариши керак. Бу дегани, ўша шеърнинг бадий ифодасини топиш, дегани бўлади,— деб сўз бошлади Миртемир домла бир гал шеър ёзилиши жараёни ҳақида сўраганимда —

«Йўлбошчининг қайтиши» шеърим олайлик. Унда машҳур воқеа — Лениннинг паровозда келиб, вокзала тушгани тасвирланади. Бутун пројекторларнинг ёниб тургани, барчанинг «Ленин!», «Ленин!», деб ҳайқаригани тарих китобларида кўн бор айтилган... Менинг «Йўлбошчининг қайтиши» шеърим ҳам шу воқеага бағишиланган. Лекин шеърнинг ёзилиши тархи бундоқ: 1966 йили шоир Эсон Раҳимов билан Ленин яшаган, Ленин қадами теккан жойларда, Ленин ҳақида ҳикоя қилувчи музейларда бўлдик. Ленин ҳаётни ва фоалиятни билан боғлик уч юздан зиёд материал, тариихи ҳужжатларни ўргандик. Аммо Лениннинг ҳаётини шунчаки баён қилиб бўлмайди. Ленин мавзуи — оламшумул мавзу. Бу ҳақда бир пайтлар «Ўзбек тили ва адабиёти» журналиниг саволларига жавобларидан ҳам айтган эдим. Такрор бўлса ҳам яна айтай: Ленин темасининг нечоғли жавобгарли эканини тушуниш ҳам, менингча, баҳт. Аввало, Ленинга, қолаверса, ҳалқа ҳурмат... Хуллас, Лениннинг Петроградга келиши ва нутқ сўзлаши воқеасига бир шеър ёзиш ҳаёлимда тураверди. Ўша сафаримиздан етти йиллар вақт ўтиб кетди чамаси... Бу орада бир талай шеърлар қораладим: Ленин ҳақида, Ленин партияси ҳақида, одамлар ҳақида — дилимга яқин мавзуларда... Бироқ Лениннинг Петроградга кириб келиши ва майдонда нутқ сўзлаши ҳақида ёзмоқчи бўлганим ҳадеганда қоғозга тушавермади. Бир куни ҳаёлимга 1916 йили ўрмон кесиш учун мардикорликка сафарбар қилингандар, ўша сафарбарликларда бўлган бир амакимнинг Туркистонда айтиб берганлари ёдимга тушди. Унинг: «Лениннинг Петроградга келишини оломон денгиздай чайқалиб кутди, ўша ҳаяжонли кутиш йигинига мени Дорофей деган дўстим бошлаб борди. Ленин келиши билан ҳамма «Ур-ра!», «Ленин!», деб ҳаяжонланганини кўрсайдинг... Ўша ҳаяжонли кутиш оқшомида ўзбекистонлик Мамажон деган киши, Сибирдан қайтаётган туркистонлик ишчи ҳам бор эди, улар ҳам Лениннинг оташин нутқини эшитди», деганлари ҳаёлимга келди. Шундан сўнг бу шеърга жон кирди — Туркистондан борган ишчи образи кўшилди. Шеърнинг сюжети аниқлашди ва уни 1973 йил априлиниг бир тонготарида қоралаб кўйдим. Ҳаётмда бундай ҳол ҳеч юз бермаган эди. Чунки ҳамиша ўйлаб юрганларимни аввал насрда қоралаб чиқардим. Бу шеър эса бирдан назм ҳолида ёзилди. Сўнг унинг уч-тўрт сўзини ўзгартирдим — эпақага келтирдим, холос. Аслида мавзу хаёлда пишиб етилгач, ритм ҳам, қофия ҳам келаверади. Пишиб етилмаса, сув оқаётганда урилиб урилиб кетишига ўхшаб қолади...

Домланинг ҳар бир шеъри, баллада ёки достони, сочма ё мақоласи, пъесаси, ҳатто ҳар бир таржимасининг мана шундай яратилиш тарихи, сабаблари бор. Шоир ёдга олган «Йўлбошчининг қайтиши» шеъри Миртемир ленинномасининг бақувват асарларидан саналади. У Ленин, Ленин партияси ва Ленин замонаси ҳақидаги шеърий асарларини ўзи ҳаётлигига «Тоғдай таянчим» номли мажмуя ҳолида тартиба келтирган эди. Бу китоб Миртемир ленинномасининг ёрқин сақифаларини ташкил этади.

Шоирнинг ҳар бир шеъри, баллада ёки достони, «1917», «Тоғдай таянчим» ҳам, «Тўн», «Сағана», «Сажда эмас», «Амаким», «Ленин жилмайиши», «Ёмирилик», «Елқадош...», «Ўзбекистонсан», «Олис Фарғонадан» сингари жуда кўп шеърлари доҳиймиз Ленинга бағишиланган ва улар, авторнинг ўз таъбири билан айтганда, «ярқираб», таъсирчанлиги билан «мана мен» деб туради.

«Ҳамма нарсада Ленинни ёрқин

кўра билиш даражасига етсайди ёзувчи, бу бахт!, деб ёзди Миртемир «Ленин шунчалар буюкки...» деган публицистик мақоласида ва давом этади: «Қисқа тарихий муддатда ўтилган узун йўлни — оғир ва ёргу йўлни Ленин сиймоси призмасида кўрсатиш қаламкаш учун ҳам қараш, ҳам фарз, ҳам эзгу эмгак, албатта...»

Миртемир домла бу ақидасига, энг аввало, ўзи тўла амал қилди: унинг Ленин ва Ленин ғоялари мавзуда ёзган забардаст шеълари совет шеърияти ленинномасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Шоир қайси мавзуга мурожаат этмасин, юрагидаги сўзларини Ленин сиймоси призмаси орқали ифодалашга интилди. Зотан, Миртемир шеърияти ҳам музофар Ленин замонасига шукро на бўлиб жаранглайверади.

## ЯНА ИҶОН ҲАҚИДА

Туркистоннинг Миртемир туғилиб-ўстан Эски Икон қишлоғи ахолиси қурама бўлиб, у ерда қадимдан қарийб кирк уруғга мансуб кишилар истиқомат қилиб келганлар. Бирок, домланинг ўз сўзи билан айтганда, уларнинг тили «дағарлоқ», лекин жуда бой, рангдор; улар кўплаб эртак, достон, қўшикларни биладилар. Миртемир ота томондан коровулбо бо, она томондан эса ўтрор уруғига бориб тақалади. Ҳар иккала уруғ ҳам Эски Икондаги уруғлар орасида ирик ва мавзеи баланд уруғлардан ҳисобланган.

Бу ҳақда дома таржими ҳолида қуйидагиларни ёзди: «Менинг уруғим коровулбо... Қишлоқ ўртасида баланд ва кўламлик култепа бор, тепасидан қадим шаҳарларнинг қолдиқлари, ҳатто олис Туркистон, Ясавий мақбаси кўринади. Култепа ўртасида Темур ё Улуғбек ўрнатган улкан сандиқдай кўктош бор. (Хали ҳам.) Еттини бобомгача шу тепадан коровуллик қилиби. (У кезларда қишлоқ айланаси кўргон экан-да) Боболарим бари половон, яъни аскар экан. Олисдан ёв кўринса, ногора урилиб, ҳамма кўргонга тиқилар экан... У замонларда тез-тез жанг бўлиб турар экан-да...» Шу туфайлими, иконниклар коровулбо уруғини аскар уруғи деб ҳам атайдилар.

Шоир бир қиррасини доимо манглайи ўртасига тўғри қўндириб юрадиган дўпписини қўзғатиб, яна жойига қўяди-да, хаёгла берилади.

Домланинг сўлғин ёноқларига, ўиллар беаёв муҳрни босган серажин манглайига, катта бир адабиётда ўзига хос мактаб яратиб улгурган бу одамнинг миқти жуссасига разм соламан: ким билсин, балки шу топда устод ёдига олис аждодлари тушгандир? Эҳтимол, бобоси ва жигаргўшаларни эслаетгандир... Еки уни ҳар кечада чўпчаклар айтиб ором оғушига узатган биби Зайнаб момоси хаёлида жонландимикан?.. Қайдам, балки устод ўзини он ювиб, оқ тараф улгуртирган биби Сахро аммасига ғойибона ташаккурини изҳор этаётими?

## БИБИ САХРО МОМОНИНГ БИЛГАНЛАРИ

— Миртемиргинам болалигига ҳам бошқа болаларга ўхшамасди,— дейди ҳаётда домлага ҳам она, ҳам қайнана сифатида азиз бўлган биби Сахро.— Онам биби Зайнаб ҳам Миртемирни кўз қарогидай кўрарди. Миртемир момоси билан кўпроқ у эртаклар айтган маҳаллари бирга бўлар, зийрак, ҳар нарсага қизиқар, саволлар бергани-бергани зди... Моҳирў янгамизинг дадалари Исимиддин ҳожи билимдон, хурматли киши эди. У Миртемиржоннинг иштиёқини кўрди-да, тарбиясига олди. Ёшлигидан ёзиша, ўқишига диққатини тортид. Ўшанда болагинам уч-тўрт ўшларда эди чорги. Бир пайт қарасак, Миртемир кўлига тушган нарса билан

лан эшик-деворларга, ерга ёзадиган одат чиқарди. «Бирор дардга чалиниб қолмасайди», деган ташвишда ўрдим. Неча бор болагинамни кўлига уриб бу одатидан қайтармоқчи бўлганим ёдимда— фойдаси бўлмаган бари бир. Биласизми, болам, домланиз болалигига яна бир одат чиқарган,— деб сўзида давом этади Сахро буви.— Исимиддин ҳожи бува-сидан бир мунча ёзиш-ўқиши ўрганган Миртемиршони эски мактабга, Нўғай домла кўлига бердик. Олти ўшларда эди-ёв ўшанда. Кўп ўтмай эски мактаб болажонимга унча маъкул бўлмаётганини пайқадик. Кўпроқ ўзи китоблар ўқир, алланималарни хиргойи қилиб юрар эди. «Яна бир одат чиқарди», деганим — шу. Нималарни минирлаб юришини худо билмас, биз — бандалари билмасдик. «Ишқилиб омон бўлсинда», дердик. Айтиб юргувчи байтларидан бири чала-чулпа ёдимда қолган:

Гар кимса гамгин ўлса,  
Мен анинг бирла куяй...

Шуни кўп айтгувчи эди. Хотирамдан чиқмагани шундан бўлса керак. Уни қаердан ёзитган, қаердан ўқиган ё ўзи тўқигани, хуллас, буни ҳам билмасдик. Мен кўпинча онамга зуғум қолардим: «Ҳаммасига сиз сабаб: қаердаги қўрқинчи эртакмий, яна алланималарни айтиб берганингиз-бергани невараларингизга...» Қайда десиз, онам парво ҳам килмади гапимга. Қайтага Миртемиршо билан тағин кўпроқ овора бўлди. Аслида онам тўғри қилган экан,— деди Сахро буви.— Буни Миртемирим эл оғзига тушиб, ардоқли бўлиб колтаг англадим...— Буви овозини пасайтириб сирли оҳангда давом этди:— Ҳаммаси ҳам майли-я, болам, кексайганида қолганимиди-йўқми, билмайман-у, лекин домланингизнинг ёшлидаги бир одати айниси ошиб тушарди. Пинҳона кузатиб, неча бор ёқанинга ушлаганман: ўйл-йўлакай кетаётib бирдан бармоғи билан ҳавога нималарнидир ёзган бўларди. Кейин лаблари пичир-пичир қилиб, сал ўтгач, яна бояги қилиғини, гоҳо ҳавога ёзганингани ўчириб ташлагандек, яна бармоғи билан чизик тортиб юборарди...

Буви гапираётидиу вужудим аллақандай сирли жимирлашдан бир аҳволга тушиб бораётганини туюмсан. Домланинг катта ўғли Миржалол ҳам отасининг бу одатини яхши билишини ажабланиб айтган эди. Домладаги ҳудди шу хислатни мен ҳам кўп бор кузатиб ҳайратга тушган, уни қай йўсунда изоҳлашни билолмай, «Ёшитган ё ўқиганларга ёриш туюмасмикан», деган ҳадикда эдим.

Домла сўнгги марта Қўқонга бориб келган эди чорги. Бир кун редакцияга энди кириб борган эдим ҳамки, телефон жиринглади. Домла экан.

— Ҳе... Мулла Отаёр, ўзларими, зап яхши бўлди-да, сизни ҳам ўрнингизда топса бўларкан-да, а?— Сўнг одатдагидай қўшиб кўйди:— Ҳу... Нима гаплар? Тинчликим?..

Устоднинг саволларига жавоб бериб, тинчлантиридим. Ҳол-аҳволини сўрадим. Қанчалик тетик гапиришга ҳаракат қўлса-да, хасталиги кучайгани овозидан билиниб турган домла одатдагидек жавоб қилиди:

— Отдайман, бўтам. Касал бўлмасликка тиришиб ётибман... Қўқондан қайтиб, бирмунча нарсалар қоралаб қўювдим. Кечак Лазиз Пўлатхон ўғлига ҳам эслатувдим. Газетада беришига рози бўлди, шуни олиб кетолмайсизми?— Сўз охирида одатдагидек тақрорлади:— Малол келмайдими?..

Борсам, домла тайёр шеъллари ўтидан чизиб-ўчириб, қўшиб, сайқал берётганди. Мени кўриб: «Сал кутасиз-да энди, узр, бўтам», дедида ҳовлига чиқиб кетди. Кузатиб турибман: ўйлаларда анчагача у ёқ-бўёқка бориб-келди. Бир пайт шарт-

та кўрсаткич бармоғини кўтариб, ҳавода ўнгдан чагла қаратиб (араб алифбосида шекилли-да) бир нималарни ёзив ташлади, кейин (яна ҳавога!) кўрсаткич бармоғи билан шахт чизик тортид.

Ана шундан сўнг, бир оз кезиб юргач: «Хўш... Мана бу бошқа ган!»— дега хонга кириб келди:

— Энди, мулла... шеъларни бир кунга олиб коламан шекилли. Лазизхон ранжимас — тушунтирасиз. Хали нўқтасини тополмаган ўринлари бордекка ўхшайди, баъзи шеъларни. Узим телефон қиласман.

Эртасига редакцияга домланинг ўзи кириб келди. Машинисткага айтиб турди. Сўнг устидан ўқиб берди. Индини эринмай келиб корректуранни ҳам ўзи кўрди. Туни билан тағин айрим мисраларини ўзгартирган шеъларни борди. Сўнг менга уқтириди:

— Энди сал элақага келди чамамда. Ўзингиз кузатасиз-да — имлосига эҳтиёт бўласиз. Хали ҳам ишланадиган жойлари бордай. Ўлмасам, янги китобимга киритишида сайқал бераман...

Ҳақиқатан шундай бўлди: янги тўпламини тартибга солишида домла Қўқон сафаридан кейин «Ўзбекистон маданияти»да чиқкан ўша шеъларнига ҳам яна сайқал берди. Китоб нашриётга топширилаётган кезлар устод касалхонада ажал билан олишиб ётарди. Шунга қарамай хаёли шеъларни тақдирда бўлди; ёнида ўтирган ўғли Миржалолга нимадир дегиси келди. У энгашди. Устоз синиқан овозда, лекин вазминлик билан деди:

— Болам, нашриёта топширган тўпламизимнинг номини ўзгартирсанг... «Ёдгорлик» деб кўйдиргич. Мендан сизларга, ҳаммага ёдгорлик бўлсан...

Миржалол титраб кетди. Ўтиrolмади. Тиззалидан мадор кетиб, зўрга дераза томон етиб борди. Ўкраб юборишдан қўрқиб, беихтиёр тувакдаги гул баргларини эзғилади. Елкаларида титроқ турди. Ота эса уни кўрмас, бирок оғрик исканжага олаётганига қарамай, ўғлини ночор аҳволга солиб қўйганлигини билиб ётар эди. Начора? Иккови ҳам иложиз эди...

«Ёдгорлик» етмиш саккизинчи ийли босилиб чиқди. Уни кутубхоналар ё дўйонлардан ахтариб юрманг — тополмайсиз: у одамлар кўлида — ҳалқ қалбига кўчган!

## ЛИРИК ЧЕКИНМА

Ардоқли устоз! Бугун ҳалқимиз етмиш йиллигингизни тантана қилмоқда. Тўрда ўзингиз: қалбларимизда, айтар сўзимизда, қутловларимизда, йўқловларимизда номингиз такор! Экрон ва эфирда, минбарларда мана бу мисраларингизни тинглаётмиз:

Тарин хушвақт тўй-тўйласам жўялик, тўлиб-тошиб, куй куйласам жўялик. Жўяликдай кенг жаҳонга жар

солсам,

Тик минбардан сўз сўйласам.

жўялик...

Шундоқ! Ҳалқингиз билан бирга тўй-тўйлајасиз, куй куйлајасиз, «жашонга жар солиб» кўз-кўзласа арзигул шеълар ўқияпсиз. Тўйингизда қувонаётгандар қалбida янгроқ мисраларингиз акс садо берадиганда:

Бугун она юртимизда эл берган жарапнинг лойиқ соҳибларидан бўлиб қолдингиз. «Ҳалқим олдида бир умрга қарздорман!», дейишина канда қилмасдингиз. Бугун ҳалқ Сизни миннатдорлик билан ардоқлаётir! Яшаётганингиз, ҳамиша барҳаётлигингиз шу-да! Бахт деганларини шундай тушунтирадингиз-ку ўзингиз ҳам! Шу бахт қанотида дунё тургунча парвозингиз баланд бўлғай!



АР БИР санъаткор ижоддининг чўққиси, камолотга эришган даври бўлади. Ижодкорнинг нодир асрлари ана шу юқсан босқичда яратилади, бу асрларда ўша санъаткор ижодидаги

энг яхши фазилатлар тажассум топади, аввалги асрларида унча кўзга ташланмаган хислатлар ёрқинроқ намоён бўлади. 50-йилларнинг охирда 60-йиллар устод Миртемир ижоддининг ана шундай соатдли даври ҳисобланади. Бу даврда шоирнинг қардошлиқ қўшиқлари — қатор туркмлари, нодир шеър ва достонлари дунёга келди. Миртемирнинг «Онагинам» шеъри ҳам шоирнинг шуҳрати га шуҳрат қўшган ана шу йилларнинг энг яхши самараларидандир. Биз қўйида «Онагинам» шеърининг яратилиши, бу шеър баҳонасида шоир ижодидаги борасида фикр юритамиз.

Сұхбатларимизнинг бирда (1970 йили) Миртемир «Онагинам» қандай яратилгани ҳақида шундай ҳикоя килганди:

— Мен ўзимнинг она ҳақидаги асрларимдан, шеъриятимиздаги она мавзуда ёзилган кўпигина шеълардан қониқмасдим,— деган эди ўшанда шоир.— Онани юзаки мадҳ этиш, «она азиз», «она буюк, меҳрибон» қабилидаги қуруқ гаплар тизмаси кўпайиб кетган. Улар оёғи ердан узилган, одамларга нафи тегмайдиган, балки она мавзудидек мұқаддас теменинг обрайини туширдиган тизмалардир. «Онагинам»нинг 1960 йили яратилиши ҳаётимизда ҳам, адабиётимизда ҳам ленинча принципларнинг қайта тикланиши, соғлом адабий мұхитнинг юзага келиши билан боғлик, 50-йилларнинг ўрталаридан кейинги даврларда юрагингдаги дардларни очишига, қалбингни тиранётган ҳодисаларни, шахсий кечинмаларни бемалол айтишга имконият түғилди. Илгарилари «Онагинам»нинг тилидаги шеълар тушун кайфияти, субъективизм касалига мубалтало асарга йўйиларди. Шоирнинг зиммасига «Ўз шахсий қобигига ўралиб қолган», деган айб кўйиларди. Менга ҳам кўп марталаб ана шундай «ёрлик» ёпиширилган. Узоқ йиллар менинг асрларимига танқид қилиш, қоралаш мақсадидагина мурожаат этиб келганлар бўлди...

Михаил Светлов: «Шеър туйғуларнинг жамланишидан туғилади», деди. Туйғуларнинг жамланиши эса, шоирнинг ҳаётни кузатиши, тийрак кўз билан таҳлил этиши асосида юзага келади. Миртемирнинг «Онагинам» шеъри ҳам узоқ йиллар давомида шоир қалбida йигилиб тиниккан туйғулар самарасидир.

Чинакам санъат асари ижодкор шахси, торроқ маънода айтсан, санъаткор таржима ҳолининг тасвиридан-гина иборат, унинг давр талаблари, замон ғоялари ва одамларнинг эҳтиёжлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, деган хулоса чиқариш мутлако нотўғри. Санъаткор даврининг илғор фарзанди экан, унинг ҳаётига, таржима ҳолига замона албатта ўз мұхрени босади. Шоир ижодида у яшаб, ижод этган мұхитнинг фазилатлари ҳам, баъзи иллатлари ҳам акс этади. Шу сабабли ҳақиқий санъаткорнинг ижоди ўз даврининг кўзгуси бўла олади.

Миртемирнинг «Онагинам» шеъри автобиографик характеристда. Шеърда «лирик ибтидо» биринчи ўринда турди. Аммо шоир ўз кечинмалари,

# ШЕЪРИЙ ОБИДАЛАР

таржимаи ҳолининг изтиробли нуқтаси — воситасида дардошларининг мунгли ҳолатларини ҳам юксак маҳорат билан бера олган. Шу сабабли бўлса керак, шоирнинг айтишича, бир газетанинг адабий ходими «Онагинам»ни ўқигач, дастлаб «Шеърда мунг кўпайиб кетибди, бу одамларнинг руҳига ёмон таъсир этади», деб асарни босишдан бош тортади. Кейинчалик шеърни босишга рози бўлса-да, турли баҳоналар билан олти ой сақлайди. Шоир шеърни қайтириб олади. Шу орада Ўзбекистон ёзувчилик союзи партия ташкилотининг йиғилиши бўлади. Йиғилишда ҳақиқий лирик асарлар кам яратилаётганилиги, матбуотда лирик асарларга кам ўрин берилгаётганилиги ҳақида гапирилади. Шу йиғинда Миртемир лирик асарларга ҳамон эскича қараб келинаётгани, «Онагинам»га адабий ходимнинг муносабати тўғрисида куйиниб сўзлайди ва шеърни ўқиб беради.

Йиғилишда шоира Зулфия шеърни

ганидек, «Майли, мулла бўлиб қайт, зора келса мен ҳам жиндея яйрар пайт», деб пичирлаган, келажагига умидвор бўлиб, «оқ йўл тилаган ғамдийдасини қайта кўриш насиб этмади». «Айрилик зайлida оқ ёғочдади қуриб, жон берган...» она олдиаги фарзандлик бурчани адо эта олмаганилиги шоирнинг қалбida бир умрлик дард, «абадиятдай чексиз армон» бўлиб қолди. Миртемир онасиини эслаганида, жигари эзилди, кўзларидан ёш тирқиради, суюклири зирқиради. Чунки онаси унга «табиат алифбे»сидан сабок берган, қалбida гўзалликка чанқоқлик туйғусини тарбиялаган, зукко, уддабурро ва чечан аёллардан эди. Миртемирнинг ўзи «Менда шеърията майи онам туфайли ўйонди», деб эътироф этади.

Ана шундай кайвони, эзгулик рамзи, ўзида олам ва одамларга чексиз муҳабат ўйғотган, сўзнинг қудрати ва жарангни ҳис қилишга ўргатган онадан «йигит ёши тўлмай туриб айрилиш» шоир дилини ҳамон ўртайди,

далантиради. Холтош қирқдан ошиб қолди, фарзанд кўрди. Қайлиги тунларни бедор ўтказди, фарзанди атрофида парвона. Бу Холтошнинг ўйқусини қочиради: бир болани оёқга турғизиши, тарбиялаша қанчалик машиқатли, «кони ташвиши» эканлигини ҳис қиласи, ўга толади: онасиини аламига алам кўшган, орзу-ҳавасларига тўғанок, бир кун ҳам бахт шавқини сурмай, «дилида не армонлар» билан ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлганини, такасалтнглик, бебошлик — қиморбозлика берилган йилларини, мазмунисиз ўтган умрени изтироб билан эслайди. «Одам бўлганини кўролмай кетди-я, деб афсулланади. Шоир шеърнинг якуний бандида ўз аҳдини изҳор этади: Кошки мен ҳам бўлсан айттули шоир. Бир армоним бор:

Оналарга яратгум охир —  
Шеърдан чўнг ёдгор.

Миртемирнинг «қалам ғалаба учун сафарбар» этилган йилларда она мавзууда яратган асарларини ана шу эзгу ниятнинг илк қалдирғочлари деб қаралмоғи лозим. Бу даврда шоирларимиз жангчиларни қаҳрамонликка, жанговарликка, Ватанимизнинг даҳлислиги, душман оёғи остида топталмаслиги учун фидой бўлишга даъват этувчи ғояларни ранг-баранг шаклларда ифодаладилар. Айниқса, хат усули кенг кўламда кўлланилди. Ота-она хат воситасида ўғлини мардликка, жасоратга унади. Маъшуқа мактуб йўллаб, жангчи — ошиғига шарт қўйди, душманни енгиб, зафар билан қайтиш севидаги садоқатни белгиловчи мезон эканлигини, ўзининг меҳнатдаги мўъжизаларини ёди. Жангчи жавоб мактубида ҳалқнинг эркинлиги, она Ватанинни каттол ёвдан халос этиш учун жонини беришга тайёр эканлигини юракдан изҳор этди.

Миртемирнинг «Мен она бўлсан агар...» (1941) шеъри ҳам хат шаклида ёзилган. Шеърда турмуш ўртоғининг Ватан ҳимоясида ҳар қандай хавфхатарни енгиб, жангларда довруқ таратиб, номини шарафларга буркаб келишига қалбдан ишонган, меҳнат вахтасида жонбозлик кўрсатаётган онанинг ҳолатлари суратланган. Шеър икки кисмдан иборат. Биринчи кисмда онанинг ёстиқдошига ишончи, Ватан номидан берган топшириги акс этирилган. Иккинчида эса, онанинг қизи Гавҳарга қаҳрамон ота тўғрисидаги ҳикояси берилган.

Миртемир «Сен она...» (1941) шеърида она образини тарихимиз ва маданиятимизнинг буюк намояндлари фонида ифодалайди. Бу, айни пайтда уруш давридаги адабий жараёнга хос бир тенденциянинг Миртемир ижодида кўриниши эди. Маълумки, уруш даврида ёзувликни қоралаб, инсонпарварлик байргони баланд кўтарган, босқинчиларга қарши мардона кураш олиб борган тарихий шахслар, ҳалқ қаҳрамонлари ва қаскорлари образлари адабиётимизнинг барча жанрларида кенг миқёсда ишланди. Адабий жараённинг фаол иштирокчиси Миртемир ҳам «Сен она...» шеърида Торобий, Алишер Навоий, Бобир каби улуғ сиймоларни она образини ёрқин очиш воситасига айлантириб, шундай фарзандларнинг яна қанчадан-қанчасини вояга етказа оладиган, қалби билан «оламни... мунаввар» этадиган, фарёди билан дунёни титратадиган муҳттарам зот хор бўлмасин, деб жангчиларга мурожаат қилгандек бўлади. Шеър «Онадек ошик йўқ она Ватанга» мисралари билан якунланади. Шеърнинг ғояси шу мисрада ўз ифодасининг юксак босқичига кўтарилиган. Шоир бу мисра орқали Ватанини ҳимоя қилиши — онанинг ардоқлашдир, деб, жангчиларнинг мардлигига мардлик, шинжоатига шинжоат кўшади.

Миртемир Улуғ Ватан уруши йилларида «Она» драматик достонини яратди. Бу асар конкрет ҳаётий воқеага асосланган. Достоннинг түғи-

лиши ҳақида шоир шундай ҳикоя ўзилган эди: «Урушнинг оғир йиллари ёзувчиларни вақти-вақти билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика Ҳалқ Комиссарлари Советига йигиб, уларнинг ҳол-аҳволларини суриштириб, ҳандай ёзаётганиллари, ҳандай асарлар ёзмоқчи эканликлари билан қизиқсанлар. Ана шундай сұхбатларнинг бирида Ўзбекистон Ҳалқ Комиссарлари Советининг раиси Абдулжаббор Абдураҳмонов: «Яқинда Эски шаҳарда бир аёл фронтдан қочиб юрган ўғлини ҳарбий комиссарликка олиб келибди», деди. Ҳаммамиз қизиқиб көлдик... Мен ҳаммамизни ҳаяконга соглан бу воқеани қаламга олишга шошилдим. Шу мавзуда опера учун либретто ёздим. Асар жуда ҳам тез дунёга келди».

Албатта, шоир асарда ҳаёт ҳақиқатини айнан кўчирган эмас, балки ўша воқеа замиридаги поэтик мантиқни чуқур идрок этган. «Бир она нишни иродаси, азми орқали ўзбек оналарининг, умуман, совет оналарининг кўйма, умумлашма образини яратиш»га интилган ва ҳалқнинг ватанпарварлик туйғусини улуғлаган.

«Онагинам» Миртемирнинг она мавзуудаги асарларининг қонуний давомидир. Адабий аҳли орасида «миртемирона фикрлаш», «миртемирона ифода» каби қанотли иборалар тез-тез тилга олинади. «Онагинам» ана шу мақбул ибораларнинг юксак далилларидан биридан. Миртемир бу шеърида ҳам онан юнаний давомидир. Адабий мухит шоирга изтиробли, аламли кечинмаларни бемалол тўқиб солишига имкон берди. Санъаткор «Онагинам»да эзгуликнинг, гўзлакларни рамзи онадан қарздор, ўғиллик бурчани ўтолмаган, «тоғдек зил», «кабадиятдай чексиз армонли йигитнинг ҳолатларини умумлаштириди. Миртемирнинг ўқинч, ғам-андуҳга лиммо-лим кечинмалари, ўларни 1940 йили яратилган «Холтош» шеъри қаҳрамонининг кайфиятларини, мунгли қиссасини эсга туширади. Шоир «Холтош» шеърида ўзининг ички кечинмаларига, юрак дардларига бемалол эрк беролмаган эди. Шу сабабли «сийнаси доғлиқ» оналарга «шеърдан чўнг ёдгор» яратажагини айтиш билан кифояланган эди. Лекин, бар бир, Холтошнинг ғамгин хотираларида, юрак түғёнларидан шоирнинг қайғуси, пушмайони сезилиб турарди. Миртемир «Онагинам»да ана шу ҳолатларини ўз образида юксак маҳорат билан ифодалади. Холтошнинг дардли туйғуларига «Онагинам» қаҳрамонининг кечинмалари яқин бўлса-да, бу ҳолатларни түғдирган сабаблар ҳар икки асарда тамоман башқа-башқадир. Холтош тенгқурларидан орқада қолиб, бирор ишнинг бошини тутмаганилиги, ишёқмаслиги, қиморбозликни касб қилиб олиши туфайли онасининг умрига завол бўлади. У ана шу қилмишларини, онасининг бу йўлингдан қайт, деган ўйтларига кулоқ тутмай, ўз йўлига ўзи тўсига бўлган йилларини эслайди. Ҳасрат-надомат гирдобида қовурилади. «Онагинам»даги қаҳрамон (шоир) эса, болалик — шўхлик, ўйин-қароқликка тўла даврларини, балофатта етмай туриб, онасидан айрилганлигини, жигаргўшасини «сўнгги йўлга ўзи узатолмагани»ни хотирлабди. «Онагинам»даги қаҳрамон (шоир) эса, болалик — шўхлик, ўйин-қароқликка тўла даврларини, балофатта етмай туриб, онасидан айрилганлигини, жигаргўшасини «сўнгги йўлга ўзи узатолмагани»ни хотирлабди.

Ҳар бир шеърий асарнинг уюштирувчи, асосий ғоясини белгиловчи, етакловчи калит мисра, банди ёки алоҳида вазифа юкландиган бош сўзи



Миртемир ижоднор дўстлари — Сергей Бородин, Жуманиз Шарипов ва Ойбек билан.

сўраб олади. Шеър «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг 1960 йил сентябрь сонида босилиб чиқади.

Асар шоир томонидан «Гашлик» деб аталган. «Онагинам» сарлавҳасини эса Зулфия ўйиган.

Миртемир «мехрибон, тадбирли бувиси ва онаси» ёрдамида, боболаридан яширин ҳолда, Тошкентда ўқиб юрган амакивачаси билан Иқондан қочиб келади ва Алмай мактабига жойлашади, сўнгра Ўзбек эрлар педагогика билим юртида таълим олади. Боболарни унинг Тошкентда ўқишига «тиш-тироқлари билан қарши» бўлганликлари туфайли қишлоғига тезда боролмайди. Бу воқеалар 1927 йили ёзилиб, шоирнинг биринчи тўплами — «Шуълалар қўйнида» китобига киритилган. «Сўнгги ҳат» сочмасида яхши ифодаланган. Устига-устак, ижодининг дастлабки йилларида Миртемир «бошига синоғлиқ кунлар тушди». Шулар сабаб бўлиб, у она қишлоғига бориши, меҳрибон волидасини кўриши имкониятидан мълум муддат маҳрум бўлди. «Мен кетгандам...» (1965) шеърида ёз-

изтиробга солади. Шоирнинг ўртанинг, армонга тўла қалбидан отилиб чиқсан туйғулар қанчадан-қанча одамларнинг юран дардларини ажаб ҳақоният билан ифодалади. Миртемирнинг онаға муҳаббат, фарзандлик бурчига садоқат тўғрисидаги барча шеърлари шу тариқа майдонга келди. Миртемир 30-йилларнинг ўрталарида бошлаб она мавзууда қалам ғалаба учун сафарбар» этилган. Шеърда турмуш ўртоғининг Ватан ҳимоясида ҳар қандай хавфхатарни енгиб, жангларда довруқ таратиб, номини шарафларга буркаб келишига қалбдан ишонган, меҳнат вахтасида жонбозлик кўрсатаётган онанинг ҳолатлари суратланган. Шеър икки кисмдан иборат. Биринчи кисмда онанинг ёстиқдошига ишончи, Ватан номидан берган топшириги акс этирилган. Иккинчида эса, онанинг қизи Гавҳарга қаҳрамон ота тўғрисидаги ҳикояси берилган.

# ХОТИРАЛАРИМ ЗАРРАЛАРИ

Даштда сўфитўргай деган қуш бўлади. У ҳар баҳорда тўртта тухум қўйиб, бола очади. Половонлардан бири булбул бўлиб, қолгани оддий тўргай бўлади. Ўша булбул — отанг!

Тўра амакимнинг гапларидан

**ЎНГГИ** кезларда дўстларим ва ҳамкасларим мендан отам ҳақида ёзиши, унинг порлок хотираси олдидағи фарзандлик бурчимни шу йўл билан ҳам ўташни илтимос қиласидар. Ўй-

лаб қарасам, дилдаги гапни қофозга тушириш анча мушкул экан. Мен нимани ҳам ёзар эдим? Оилада беш фарзанд бўлсак ҳам биронтамиз қаламкашлини отадан мерос қилиб олмаган эканмиз: биримиз тупрошунос, иккимиз врас, қолганларимиз эса шарқшунос. Аммо бари бир ҳеч ким отамни биз — фарзандларичалик яхши билмаслиги аён. Шу сабабли ҳам мен эндиликда қалбимни мұқаддас бир ёғду бўлиб ёритиб турган хотирапаримни қурбим етганина қаламга олишга аҳд қилдим.

Назаримда, отамнинг ҳеч кимдан ортиқ жойи бўлмагандек. Ҳамма оталардек меҳрибон, фарзандларига

ғамхўр, ўрни билан қаттиқўл мураббий эди. Мен ҳеч қачон отамни ўзим тасаввур этган шоирларга ўхшатолмасдим. Зотан, тасаввуримда шоир деган одамнинг қават-қават иморатли ҳовли-жойлари, киши кўзини қамаштирувчи боғ-роғлари бўлиб, башанг кийинган болалари ярақлаган енгил машиналарни шамолдай елдириб юрарди. Бизлар эса ўрта-миёна яшардик. Даргоҳимизда дабдабаю асьасадан асар йўқ. Бирор қотам ниҳоятда бағри кенг одам — тантни, қалби дарё, меҳмоннавоз эди. Хонадонимизда яқиниyoқдан келувчиларнинг кети узилмасди.

Отамнинг ўз дўстларини нақадар улкан муҳаббат билан севганини, нақадар эъзозлаганини жуда кўп кузатганман. Бир куни эрталаб нонушта чоғи гангир-гунгур гаплашиб ўтирганимизда, ҳовлимизга чўпоннамо кийинган, юзлари офтобда қораған, барваста қозоқ чол кириб келди-да, «Миртемирдинг уйи ўсима?», деб сўради. Меҳмон билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб, дастурхонга таклиф қилдик. Биз Қозоғистон, Қорақалпоғистон, Қирғизистондан, бу ёғи бутун Ўзбекистон областларидан, хуллас, турли-туман жойлардан отамнинг турли касбдаги дўст-биродарлари, таниш-билишлари, ёшу кекса қаламкашларнинг хоҳ кекаю хоҳ кундуз «Ассалому алайкум», деб уйга кириб келаверишларига кўнишиб қолган эдик. Отам бояги чол билан қозоқчалаб бир-икки оғиз гаплашди бирдан иккалари қучоқлашиб, бошқатдан кўришиб кетишиди. Бу одам стамнинг болалик вақтларда Туркистоннинг қайноқ тупроқларини ялангёёқ бирга тўзитиб ўсган дўстларидан экан. Нақ ярим асрдан мўлрок вақтдан кейин икки дўст дийдор кўришдилар!

Чол бола-чақали, невара-эварали, пири бадавлат экан. Мен уларнинг сұхбатига жимгина қулоқ солиб, чой қуйиб ўтирадим. Маълум бўлишича, чолнинг кенжә ўғли Олмаотага ўқишига бориб, икки-уч йил ўқиб, у ёғига эпломай, ўқишини ташлаб кетибди. Юриб-юриб уйига қайтиб келибдида, «Муаллимларим мени ёмон кўриб колди», деб нолибди. Ўғилларининг барни колхозчию ишичи, чол шу кенжә ўғлининг ўқимишили, зиёли бўлиб етишувини орзу қилар экан. «Айналайн, қарқиним,— деди отамга қараб,— ўси боламга кўмектесиб жибер». Чолни обдон меҳмон қилиб, кузатиб қўйга, отам менга аэропортга бориб, Олмаотага шу бугунга иккита билет олиб келишни тайинлади. Сўнгги пайтларда отам тез-тез бетобланиб хийла қувватсизланиб қолган, бирон ерга бормоқчи ё сафарга чиқмоқчи бўлса, мени бирга олиб кетар эди.

Биз ўша куни ёқ Олмаотага етиб бордик. Отам ҳалиги йигитнинг ўқитувчиси билан учрашиб, боланинг

аҳволини суриштири, маслаҳатлашди ва бу йигит ўзини ўнглаб, тўғри изга тушиб олиши учун унга ўқув отпускаси бериши сўради. Отамнинг илтимоси ерда қолмади. Икки кун меҳмонхонада туриб, яна Тошкентга қайтидик. Касал бўлса ҳам, ёшлидаги дўстининг ҳожатини чиқарип келганидан хурсанд эди отам.

Модомики, отам тўғрисида ёзарканман, бир қур қўйимдан келганча у кишини кўкларга кўтариб ёзиши керак-да, деган хаёла борганимни яширмайман. Бирор қотам фоят камтар одам эди, ҳеч қачон бирорвога шоирларини пеш қилас, номини сотмас, бизни ҳам болаликдан шундай тарбиялаган эди. Мен дўстларимнинг маслаҳати билан шу қалб хотирапарини қоғозга туширарканман, отамнинг ортиқча таъриф-тавсифга, мақтогва муҳтоҳ эмаслигини яна бир карра тушундим. Шу сабабли мен учун ҳамиша азиз бўлған хотирапимнинг баъзи саҳифаларини қалбимда қандай битилган бўлса, шу ҳолича вараглаб.

Бешинчи синфдан бошлаб, ҳар йили ёзги таътил пайтларида «Бирон бир ҳунар ўрган», деб отам мени она қишлоғимизга, қариндошларимиз ҳузурига юборарди.

Отажон деган бир тоғам бор — ўзи комбайнчи, бутун умри техника билан боғлиқ. Отам ўша кишини айнича ҳурмат қиларди. Бир йили буғдой ўрими мавсумида тоғам мени ёнида олиб юриб, комбайн ҳайдашни ўргатди. Ўша йили қишлоқдан қайтиб келганимдан кейин отам сўроқка тутди: «Ҳамма тинч-омоним, амакиларинг яхши юрибдими?» ва ҳоказо. Мен отамнинг таъсирчан «ўнглига оғир ботмасин, деб уларнинг ҳаётидаги баъзи бир қишлоғимларини айтмасликка уриндим. Шунда отам тараффудда қолганимни пайқаб, «Бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир», деб мени койиди.

Укам Мирзатой бор гапни дангал айтадиган хилидан. Отам доим укамнинг шу феълини яхши кўрар, уйда бирорта маслаҳатли иш чиқиб қолса, укамнинг гапига қулоқ солар эди. Менга қолганда қаттиқўл эди...

Отам бизларни ортиқча эркалатмаган. Лекин тунлари — одатда тонггача ишларди — ухлаганимизга ишонч ҳосил қилгандан сўнг хонаизига кириб, устимиздаги кўрпаларни тўғрилаб, «Туф, туф, ёмонларим», деб чиқиб кетарди-да, кундузлари негадир ҳеч қоғови очилмай, бизларга ҳўмрайиброқ қарар эди.

Ёшим йигирма олти-йигирма еттиларга борганди, бир куни юрак ютиб отамдан; «Нега бизга жуда қаттиқўл бўлгансиз?», деб сўрадим. Отам чиройли кулиб: «Не-не обрўли одамларнинг болалари эрка ўсиб, ёмон йўлга кириб кетган. Мен сизларни шундай бўлмандар деган эдимда», деб жавоб берди.

Отам ҳар уч-тўрт ойда ўзига янги



Миртемир шеърхонлар даврасида.

С. МАҲКАМОВ фотоси

бўлади. «Онагинам» шеъридаги бош сўз «ғашлик»дир. Шу сабабли шоир уни сарлавҳага чиқарган бўлса кеяр. Шеърнинг саккиз мисраида ана шу ғашликнинг қаҳрамон қалбига соглан ададсиз қийноқлари ифодаланган:

Тованимга чақириканакдай ботгувчи — ғашлик.  
Бедаво сизловиқдай сизлатгувчи — ғашлик.  
Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён.  
Чучварага чеккувчи — ғашлик.  
Мени ўйлаб нотавон ва нимижон.  
Ғашимга теккувчи — ғашлик.  
Суякларимни сирқиратиб, оч теватдай гажигувчи,  
жигилдонимда аччиқ бўзадай ачиғувчи ғашлик...

«Онагинам»нинг кейинги мисралари ана шу ғашликнинг сабабларини очишига, қатор тўсиқлар туфайли вақтида фарзандлик бурчани ўтай олмаган шоирнинг юрак-юрагидан чиқкан ўқинчлари, пушаймони ва тасаллиси ни ёрқин ифодалаб беришга хизмат қиласиди.

«Онагинам» — таржимаи ҳоли аник, муайян заминга эга шеър. Чунки унга Миртемир ўз биографиясининг қарийб фожиавий қисмини, қалбининг бир парчасини юксак маҳорат билан кўчирган. Шоир ижоди билан аввалдан таниш одам имзосиз ҳам «Онагинам»ни ким ёзганилигини ажратса олади. Бунинг сабаби аник. Шеърда Миртемир поэтик тафаккуринг етакчи фазилати — фикр билан туйгунинг ўйгунигига эришиш, ижодининг асосий хусусиятлари — гоявий

аниқлик ва ифоданинг етуклиги яқ-кол кўриниб турибди.

«Онагинам» китобхон қалбини бойитади, туйғуларини тарбиялайди. Шоир асадра ўзининг туйғуларини шеърхон қалбига ҳам кўчиради, лекин уни дардли кечинмалари залвари билан эзаб ташламайди, балки шеърнинг якуний бандида бу туйғулар умидбахш кайфият билан алмашади. Эҳтимол, свердловсклик Лесенколар оиласининг Москва радиосига мактуб йўллаб: «Илтимосимизни ерда қолдирмай, ўзбек шоирни Миртемир ҳақида эшиттириш ўюштирансангиз. Унинг «Онагинам» шеъри бизга жуда ёқи, ўйлаймизки, бошقا радиотингловчиларга ҳам маъқоб тушидик», деб ёзишига шеърнинг ана шу жиҳатлари сабаб бўлгандир.

Миртемир шеър ниҳоясида «Элга

хизмат — онага хизмат», деган хуло-сага келади. Шоирнинг изтиробли ҳолатни, ғашликни бу тарзда якунлаши, ҳалқа дастёр бўлишни бирдан-бир тасалли деб билиши тасодифий эмас, аксинча, фоят табиийдир. Чунки у бутун ҳаётини эл-юртнинг юмушига бағишилаган, ижодининг ҳал турмуши билан чуқур алоқадор бўлишига эришган, ана шу беминнат хизмати эвазига эл эъзозига сазовор, баҳтиёр санъаткор эди. Миртемир орзусига тўла эришиди: оналарга бағишилаб ажойиб шеърий обидалар яратди. Бу ва бошқа мавзуда яратилган ўлмас асарлар шоирнинг жонажон ҳалқига чўнг ёдгор бўлиб қолади.

**Турғунбой ХАЛИЛОВ,**  
филология фанлари кандидати



Узбекистон халқы рәссоми В. УФИМЦЕВ. ҲАМЗА ФРОНТДА



ЖАНГДА.


МЕХНАТ ЖАБҲАСИДА.



Узбекистон халқ рассоми Қ. БАШАРОВ.

УЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ 20-ЙИЛЛАРДА.

Триптих.



БИЛИМ ОЛИШ ИШТИЁҚИДА.

пойабзал олар, бир оз кийгач, уни бизларга ёки қишлоқдан ўқиши келген бирорта жиянага берар эди. Бир куни мен: «Нега күп сөк кийими оласиз?», деб сұрайдым. Отам бир оз сукут қылғач, шундай жавоб берди: «Ешлигимда қиши күнлари сандалми, чувакми ёки ыртиқ көвуш кийиб, қорда ҳам, жалада ҳам юрадим. Ҳа, интернатда бир бурда қора нону ярим коса бүтқа беришарди. Күзларимга суртгудек бўлиб ердим. Ўша күнлардаги армонимнинг чеки йўқ эди. Ҳозир қандай яхши, у күнлар унун бўлиб кетди, ҳар уч-тўрт ойда эмас, уч-тўрт кунда ҳам оёк кийим олса арзиди бу замонда», деди.

Езувчиларнинг Бутуниттифоқ VI съездига отамни ҳам вакиль қилиб сайдилар. Докторлар: «Сиз узоқ йўлга чиқишингиз мумкин эмас», дейишларига қарамасдан, «Ҳамма дўстларим бир ерга йиғилишар экан, бормасам бўлмайди, кейин қачон кўраман!», деб мени ҳам етаклади. Москвага етганимизча отам самолётда неча марта дори ичиди, лоҳас бўлди. Пойтахтга етиб боргач, «Россия» меҳмонхонасида жойлашдик. Мен отамни сүяб, битта-битта юриб, вестибюльга олиб кирдим. Шунда ёш ёзувчи ва шоирлардан бир нечаси машҳурроқ ёзувчиларнинг чамадонларини кўтариб, меҳмонхона бўлмалирига кириб кетишиди. Зулфия опа бир ўзи қолганини кўриб, отам хаста товуш билан менга: «Бор, болам, Зулфия опангнинг кўлидан юкини ол, мен шу ерда ўтира тураман», деди ва креслога чўқди. Мен ёрдамга шошилдим.

Бир куни отамни кўргани касалхонага бордим. «Газеталарни уйга олиб кет», деди столда қалашиб ётган газеталарга ишора қилиб. (Отам қардош республикалар ва маҳаллий газета-журналлардан жуда кўпчилигига обуна бўлар, почталоҳ ҳар куни уйимизга бир даста газета-журнал олиб келар эди). Шунда кўзим стол устидаги открыктага тушди. Унда Тамарахонимнинг ёшик пайтидаги сурати акс эттирилган эди. Орқасида эса отамнинг бир шеъридан олинган тўртлиги ва қўйиркоқда: «Миртемир ака, соғайиб кетинг! Мен Сизни севаман!», деган сўзлар ёзилган эди. Операция столига ётадиган одамга Тамарахонимнинг шу бир оғиз илик сўзи қанчалар далда берган экан!..

Отам Москвадаги дўстларидан бирига хат ёзмоқчи бўлди. «Кел, сен русчага чечанроқсан», деб мақсадиди қисқача баён қилди-да, хатни менга ёздиди. Хатнинг ярмига келгanda, қоғоз тагида ётган аллақандай қаттиқ нарсага тақалди ва чирт этиб, қоғозни тешиб юборди. Иккапамизинг ҳам дикқатимиз бўлиниб, фикримиз чувалди. Кўзойнак тақиб, кузатиб ўтирган отам, нима экан у, дея қоғозни кўтариб қаради. Қарасак, қум зарраси. Отам ҳаёлга чўмиб, узоқ тикилиб қолди. Балки ўшанда арзимас бир одам асл инсонларнинг бошига оғир кулфатлар соглан йилларни эслагандир. Охири: «Тавба, шу биргина қум зарраси бутун қаёлимни ағдар-тўнтар қилиб ташласа-я», деди. Мен шунда отамнинг шоирона табиитини ҳам, нозик ва таъсиричан дилини ҳам аён кўргандек бўлдим.

Менинг яккам-дуккам гапларим ҳам ўша қум зарраси каби, отам ҳақидаги — бутун умримни ёфду, қувонч ва баҳта тўлдирган мұқаддас хотираларимнинг зарралари, холос. Бу хотиралар менинг кичик оламими баъзан ағдар-тўнтар қилиб юбораётгандек туюлади.

# ҚИЁСИЙ ТАҲЛИИНИ КУТАЁТГАН ДОСТОН

**У**ЗБЕК ҳалқининг қадимий ва бой бадиий ижоди ҳазинасида «Гўрўғлиниг туғилиши» достони ҳамда унинг вариантилари муносиб ўрин эгалайди. Зеро, бу эпоснинг барча мавжуд вариантиларини қиёсий ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг турли йилларда Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жомрор ўғли Пўлкан, Эгамберди Олломурод ўғли, Амин Малик ўғли, Муҳаммадраҳимхўжа Муҳаммадсодик ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли, Тош шоир Чоршанба ўғли, Абдуқодир Раҳим ўғли, Рахматулла Юсуф ўғли, Чори Ҳужамберди ўғли каби ҳалқ достончиларидан ёзиб олинган вариантилари шу жиҳатдан дикқатга сазовордир. Бу асрларнинг кўләзма нусхалари ЎзФА Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими архиви ҳамда X. Сулаймон номидаги Кўләзмалар институтида сақланмоқда.

«Гўрўғлиниг туғилиши» ва болалиги достонини ilk марта 1926 йили Пўлкан шоирдан Исо Эрназар ўғли ёзиб олган эди. 1941 йили достонга фольклоршунос Буюк Каримов сўз боши ёзи ва анча қисқартириб нашрга тайёрлади. Бу эса асрнинг бадиийлигига оз бўлсада салбий таъсир кўрсатди. Достоннинг тўлиқ вариантини 1967 йили фольклоршунос Малик Муродов нашрга тайёрлади.

Пўлкан шоир вариантида тасвирланишича, Ёвミт подшоси Одилхоннинг Урайхон, Аҳмадбек, Биби Ойша деган фарзандлари бор эди. Мари беги Ковишишхоннинг ўғли Тўлибой эса машҳур синчи бўлиб, ёшлигига Одилхонга асир тушиб қолади. Одилхон қизи Биби Ойшани Тўлибойга никоҳлаб беради. Бўлгуси қаҳрамон Гўрўғлиниг отаси — Равшан ўшаларнинг фарзандидир. Така-Туркман златининг эски душмани Шоҳдорхон жангда енгилади, аммо Равшан, Жигалихоннинг ўғли Гаждумбек ва қизи Биби Ҳилолни асир олиб, Заргар юртига қайтади. Шоҳдорхон туш кўради. Юсуф қуръандоз бу тушни таъбираб: «Ёвмидан келган бўридан фарзанд бўлиб, у элатингга эгадлик қиласи», деди. Бироқ Шоҳдорхон асирларни ўлдирмайди. Равшан билан Биби Ҳилол бир-бирларини севиб қолиб, турмуш қурадилар. Бу орада Шоҳдорхон Равшаннинг ўтқир синчилигини эшишиб, уни саройга қақириди ва отларини кўрсатади. Равшан Шоҳдорхоннинг отлари ичидаги асл тулпор ўйқлигини айтиб, ҳолвачининг отини мақтайди. Бундан ғазабланған хон Равшаннинг кўзини ўйдиди. Равшан кўзининг хунига ҳолвачининг отини сўрайди ва Гаждумбекни шу отга мингаштириб, иккаласи Ёвмига қочади. Биби Ҳилол Заргар юртида вафот этади ва гўрда фарзанд кўради. Болани бир бия эмизиб катта қиласи. Гўрўғли Рустам ёрдамида шу бияни миниб Ёвмитга қочиб кетади. Ота-бала — кўр Равшан билан Гўрўғли Така-Туркманда топишадилар.

Достончи: «Шоирнинг айтган сўзи кўп бўлди, авжи қолса, гапи тушгур хўп бўлди. Гўрўғлиниг бир байти соп бўлди», деб Гўрўғлиниг туғилишига доир достон тугаганини маълум қиласи. Зеро, Пўлканнинг ре-

пертуарида Гўрўғлиниг болалик ва ёшлик йиллари ҳақида мустақил достон — «Зайдиной» бор эди.

Достоннинг Фозил Йўлдош ўғли вариантида эса воқеалар бошқачароқ ривожланади.

Туркман элида Аҳмад Сардорнинг утка уаси бор эди. Бир куни улар ов қилиб юриб, чўлда бир йилқининг қув калласини кўриб қоладилар. Бу калла неча-неча иссику совуқ кунларни, йилларни ўтказган бўлса керак, деб уни уйга олиб келадиларда, туйиб ун қилғач, қофзга ўраб баланд токчага қўядилар. Уларнинг бир синглиси бўлиб, отини Биби Ҳилол дер эдилар. Бир куни Биби Ҳилолнинг кўзи тоқчадаги қоғозга тушади ва: «Бу унга ўхшаган нарса нима бўлса экан?», деб ялаб кўрадиу бўйида бўлиб қолади. Бир қанча вақт ўтгандан кейин ҳомиладор Биби Ҳилол ажали етиб ўлади. Уни дағн этадилар. Гўрўғли ичидаги бўлғуси қаҳрамон — Гўрўғли туғилади. Ойлар, йиллар ўтиб, Гўрўғли икки ёшга киради. Бир куни гўрўғлиниг устидан туйнук очилади. Гўрўғли шу туйнукдан чиқиб ташқарига қаради. Эл ўртасида «Биби Ҳилолнинг гўридан бола қицибди», деган гап тарқалади. Бу гапдан Аҳмад Сардор ҳам воқиф бўлади ва Гўрўғлини ўз тарбиясига олади.

Шу ерда достоннинг қаҳрамон файри табии туғилишига бағишиланган қисми тугаб, унинг болалиги доир воқеалар бошланади: Гўрўғли биясими етаклаб келаётib бир кишини кўриб қолади. Бу Райхон араб бўлиб, унинг мингандан оти тулпор эди. Гўрўғли, шу тулпордан бир хоназот олай, деб, арабдан отини сўрайди. Райхон араб Аҳмад Сардорнинг хотини Ҳалли ойимга ошиқ бўлиб, уни кўлга киритиш пайида юрарди. Райхон араб: «Аввал Ҳалли ойим менга жомда сун берсин, кейин отимдан насл олсанг майли», деди. Шу ҳийла билан Ҳалли ойимни олиб қочади. Гўрўғли арабни қувиб ета олмайди. Бияси кулуналайди. Шу қаҳрамон ўйқотган тойини ахтариб юриб, Юнус ва Мисқон пари хузурига боради. Тойини шу ердан топади. Девларни тутиб келиб, кўргон қурдиради.

Фозил шоир вариантидаги воқеалар Гўрўғлиниг Райхон араб олиб қочган Ҳалли ойимни озод қилиб, Аҳмад Сардор хонадонига қайтариш мақсадида сафарга жўнаши билан якунланади.

«Гўрўғлиниг туғилиши» достониниң Ҳайдар Бойча ўғли вариантида эса воқеалар бундай баён қилинади: Аҳмад Сардорнинг Гаждумбек деган укаси, Биби Ҳилол деган синглиси бор эди. Гаждумбек билан Биби Ҳилол бир онадан эдилар. Аҳмад Сардор ўз-ўзидан хавфсираб, синглиси билан укасини сургун қиласи. Ақа-сингил Шоҳдорхон мамлакатига қараб бош олиб кетадилар. Гаждумбекни подшо ўзига вазир қилиб олади. Бир куни Шоҳдорхон подшонинг аскарлари Туркман элига келиб, мактабга кетаётган ўн иккита болани олиб қочади. Подшо бегона болаларни кўриб, «Буларни ўз юртига

жўнатинглар», деб аскарларига бўйруқ беради. Лекин Кўксуяк деган бефарзанд қалмоқ Равшанни яшириб қолади. Равшан бу ерда Биби Ҳилол билан севишиб, турмуш қуради.

Бир куни Гаждумбек билан Равшан от миниб овга чиқадилар ва бир отнинг калла суюгини кўриб қоладилар. Равшан Гаждумбекка бу тулпорнинг калласи эканини, уч юз олтмиш йилдан бери ётганини айтади. Равшан синчилиги Шоҳдорхонга маълум бўлади. Шоҳдорхон Равшанни чакиритириб, «Отларим ичидаги тулпор борми, йўқми?», деб сўрайди. Подшонинг отлари ичидаги тулпор ўйқ эди. Синчилиги Шоҳдорхон: «Бу йигит душман экан», деб, унинг кўзига дори куйиб кўр қиласи. Равшан кўзининг хунига бир қаландар-девонанинг ҳеч ким назарига илмайдиган қирчанисини сўраб олиб, парвариш қила бошлайди. Шу от ёрдамида Равшан Гаждумбек билан бирга юртига қочади. Шоҳдорхонга Биби Ҳилолнинг ҳомиладорлиги ҳақида хабар етади. Подшо Биби Ҳилолнинг қорнини ёриб, боласини олиши буоради. Бироқ Биби Ҳилол вафот этади ва гўрда фарзанд кўради. Болани бир ола бия эмизиб катта қиласи.

Гўрўғли Аҳмад Сардор хонадонида вояж этади. Ўн беш ёшга тўлғанида Арабрайхон билан ошно бўлади. Арабрайхон Аҳмад Сардорнинг душмани эди. Гўрўғлига оғайнисининг оти ёқиб қолади, уни ўз биясига кўймоқчи бўлади. Арабрайхон: «Янгант Оқбилак бир коса сув узатсан», деди ва сув узатган Оқбилакни отига ўнгариб олиб қочади. Гўрўғли Арабрайхон юртига бориб, унинг қизини Аҳмад Сардорга олиб келиб беради.

Эгамберди Олломурод ўғли, Аҳмад Соибназар ўғли, Тош шоир Чоршанба ўғли вариантиларида ҳам ўзбек ҳалқ достончилигига хос анъанавий хусусиятлар яқол акс этган. Бинобарин, «Гўрўғлиниг туғилиши» достони вариантилари ўртасида кескин фарқлар учрамайди. Уларнинг барчасида Гўрўғлиниг файри табии шаронтида туғилиши, авлод-ажходлари, тез ўсиб вояж этиши, ўз юртига қайтиши, отга эга бўлиши; Ҳолжувионнинг олиб қочиб кетилиши, тойининг ўғирланиши каби асосий барқарор мотивлар сақланган. Аммо мотивлар, уларнинг асосланиши, сюжет ва композициядаги яхлитлик, қаҳрамонлар образи талқини нуқтаи назаридан Пўлкан шоир вариантини энг мукаммал деб ҳисблаш мумкин. Бу варианта хос хусусиятлар асосан қуйидаги ўринларда сезилади.

Фозил Йўлдош ўғли вариантида Гўрўғлиниг туғилишидан кўра, унинг болалиги мотиви кенгроқ ишланган. Унда Биби Ҳилол Аҳмад Сардорнинг синглиси (Пўлкан шоир вариантида Гаждумбекнинг синглиси), Аҳмад Сардорнинг хотини Ҳалли ойим (Пўлкан шоирда — Ҳолжувион), дейилади. Гўрўғлини тоғаси Аҳмад Сардор

**Халқ оғзаки ижоди**

# ҚУРИҚСИЗ ҚУРИҚХОНА

ЎзССР Ўрмон хўжалиги министрилиги  
дикқатига

«Жомбой» совхозидан чиққач район марказига эмас, қўриқхонага борадиган бўлди. Йўлдан адашмаслик учун кўча бўйидаги баланд террак соясидам олиб ўтирган бир қариядан сўрадик:

— Қўриқхонага қандай чиқлади, отахон?

— Шу йўлдан тўғри бориб, кейин ўнгга буриласизлар,— деди ота.— Илари ўрмон хўжалигининг участкаси эди. Олти йилча бўлиб қолди-ёв уни қўриқхона деб атавади. Лекин номи ўзгаргани билан ўзи ўзгаргани ўйк,— деда қўшимча қилди.

Наҳотки? Шу савол ҳеч миямиздан нари кетмайди.

Ҳали соат беш бўлмаган, лекин бу ерда идора қоровулдан бошқа ҳеч ким ўйк эди.

— Ходимлар қаерда?— деб сўрадик.— Кўпчилиги Самарқанддан қатнаб ишлайди,— деди у.— Шунинг учун эртароқ кетишади.

— Директор-чи?

— Янги идора куряпмиз. Ушанинг ташвиши билан юргандир.

Шу вақт дарвозада юк машинаси пайдо бўлди.

— Ана, директор ўринбосари келиб қолди,— деди ҳамроҳим, район газетасининг ходими.

Бурҳон дўстмурод билан танишиб, даражат соясидаги супада сухбатлашдик.

— Ишлар қалай?

— Ўтган йили 148 тонна олма топширган эдик. Бу йил 160 тонна олма, 3,7 тонна асал, 60 тонна пичан тайёрлашимиз керак. Шу ташвишлар билан оворамиз. Асосий ишимииз бўлса қолиб кетяпти,— деди у хижлат чекиб.

Жомбой районидаги қўриқхона 1975 йилда ташкил этилган эди. Орадан қарийб олти йил ўтган бўлса-да, бу ерда деярли ҳеч нарса ўзгарманган. Ходимлар ўзларининг бевосита вазифаси — мавжуд ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларни асрар, қўпайтириш ва ўрганиш билан эмас, худди

## Табиат — дўстимиз

(Пўлкан шоир вариантида Рустам) олиб келиб тарбиялади. Достон Гўрўғли янгаси — Ҳалли оймни олиб келиш учун йўлга чиққани билан тугайди. Зайдинойни олиб келиш тасвири берилмайди.

Эгамберди Олломурод ўғли вариантида эса, Шоҳдорхон Марига бостириб киргач, унинг аъёнларидан Қосимбек (Пўлкан шоирда — Ҳамза) Равшанин ўғирлаб кетади. Шоҳдорхон туш кўради. Унинг таъбирини бир юз тўқсона кирган Патигул (Пўлкан шоирда — Юсуф) топади. Биби Хилол — Буврахоннинг жиёни (Пўлкан шоирда — Жигалихоннинг қизи). Эгамберди шоир нусхасида достон воқеаларида Пўлкан шоир вариантидагидек Бадкир эмас, Ҳайрат полвон қатнашади. Асар охирида Гўрўғли отаси Равшан билан топишади.

илгаригидек, мева ва пичан тайёрлаш билангина банд. Ботаник В. Сапкин ҳам, зоолог В. Богдасарова ҳам, гарчи катта илмий ходим ҳисоблансалар-да, ўз ишлари билан шуғулланмайдилар. 36 квадрат километрдан иборат қўриқхона териториясининг бирор томони ҳам иҳоталанмаган.

«Жомбой» совхози ва Партия XXII съездиде номидаги колхознинг подачилари жамоат ва шахсий хўжалик молларини қўриқхона териториясида бўқадилар. Баъзи кишиларнинг ўтларни ўриб, от-улов ва аравада ташвишларни ўтиб, кетаётганиларни ҳам кўрдик.

Қўриқхона қоровулларининг қўли қисқа. Саккиз қоровулдан атиги иккитасида от бор, қолганлари участкаларни яёв кезадилар. Бирортасида ҳам милтиқ ўйк. Қўриқхона маъмурити уларни ҳануз курол билан таъминлай олмаган. Қўриқхонанинг Дўрмон, Ўроқли, Қиёт, Сўқмон участкалари ўртасида алоқа ўрнатилмаган. Қоровуллар зарур вақтда бир-бирлари билан боғланолмайдилар.

Қўриқхонадаги тустовуқлар сони икки йил олдин 2500 та бўлса, ҳозир ҳам шунчак, кўпаймаган. Кишилар билан сұхбатлашганимизда олашақшақлар бахорда тустовуқларнинг тухумларига оғат келтираётганини, тулки ва чиябўрилар паррандаларни қираётганини, жиноятчи овчилар ҳам катта зиён етказаётганини ачиниб гапирдилар.

Паррандалар ва йиртқич ҳайвонлар иҳоталанган маҳсус участкаларда асралмаётганилиги ва уларни муҳофаза қилиш ҳақида астойдил қайтурилмаётганинг оқибати бу. Қўриқхонада бўрсик, сувсар, чилон (ёввойи ўрдак) сингари кўпигина ҳайвонлар ва паррандалар бор. Улар ҳам қарорсиз.

Министриликдаги мутасаддилар эса қўриқхона ходимларини «Мева ва пичан тайёрлаш планларини тезорк бажаринглар», деб қисташдан нарига ўтмаётгандар. Ахир, қўриқхона тайёрлов ҳўжалиги эмас-ку... У асосан «Қизил китоб»га кирган ҳайвонлар асраладиган, қўпайтириладиган ва

Аҳмад Соибназар ўғли вариантида Биби Хилол — Аҳмад Сардорнинг синглиси (Пўлкан шоирда — Гаждумбекнинг синглиси). Биби Хилол Ҳўжайи Ҳизр назари тушиши билан ҳомиладор бўлиб қолади. Қабрда туғилган Гўрўғлини Аҳмад Сардор тарбиялади. Бу вариантда баҳодирнинг сафарига, парилар макони Кўҳикоғфа боришига кўп ўрин берилган. Бундан ташқари, унда ўзбек достончилигига учрамайдиган географик жойлар, янги воқеалар тасвири ҳам бор. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки ҳар бир ҳалқ урф-одати, табиий шароити, миллий ҳусусиятларини ўз асарларида акс эттиради. Шу сабабли тоҷикистонлик Аҳмад Соибназар ўғли достонида бундай жиҳатларнинг учраши қонуний ҳодиса.

Қашқадарёлик Тош шоир Чоршанба ўғли вариантида Биби Хилол —

уларни ўрганадиган илмий муассаса.

Илмий-техник революция шароитида табиатни, ундаги ҳайвонлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», деб чиқарган қарори кучга кирди. Унга шубҳасиз, амал қилишимиз керак.

Табиат — бебаҳо бойлигимиз. Уни кўз қорашибадай асраримиз, келгуси эвлодлар учун унинг бойлик ва гўзлilikларини кўпайтиришимиз лозим. Бу соҳада бизга марказий матбуот органлари ибрат бўлмоқда. Мана, қўлимизда «Комсомольская правда» газетасининг 14 авгуастаги сони. Унда газетанинг шу йил 6 март сонида босилган «Симёччлардаги қушлар мақоласи бўйича редакцияга келган ҳатлар ҳамда тегишли министриликлар ва ташкилотлар йўллаган жавоблар таҳлил қилинган.

Машҳур журналист Василий Песков ўз мақоласида ўн минг волтили электр симлари ўрнатилган темирбетон устунларга бургут ва бошқа паррандалар кўниб, электр қувватидан ҳалок бўлаётгани ҳақида ташвишланиб ёзади. Бу танқидий мақола кенг жамоатчиликда, ташкилотларнинг раҳбарларida жиддий қизиқиш ўғотди. Кўпчиликнинг кучи билан ҳатто қўчалердаги қушларни ҳам оғатлардан асрар тадбирлари белгиланди.

Давлат қўриқхонасидаги паррандалар ўз ҳайвонлар тақдирига ўта совуқонлик билан караш эса мутлақо кечирилмас ҳолдир. Яна таажжубланадиган жойи шундаки, Ўрмон хўжалиги министрилиги матбуотнинг бу масала ҳақидаги сигналларига бефарқ қарамоқда. Масалан, «Правда Востока» газетасининг 9 июль сонида босилган «Қўриқхонада отилган ўқ» деган танқидий мақолада автор браконьеर овчилар паррандаларга оғат келтираётгани, қўриқхона ходимлари ўзларининг бевосита вазифалари билан эмас, бошқа ҳўжалик ишларини бажаришга мажбур бўлаётганиларни куйиниб ёзган эди.

Ағуски, қўриқхонада ҳануз ҳеч қандай ўзгариш юз бергани ўйк.

Ўрмон хўжалиги министрилигидаги масъул ўртоқлар газетадаги танқиддан кейин ҳам тегишли хулоса чиқармадилар. Аксинча, министриликдагилар ҳамон қўриқхона ходимларига «Яна шунча ҳўм мева, фалон миқдорда асал топширасизлар», деб, янги план-топширилар бермоқдадар.

Министриликдаги мутасадди ӯртоқларга таъкидлаймизки, қўриқхона тайёрлов ҳўжалиги эмас, илмий муассаса.

Шомурод СИДДИКОВ

ганди қадимирик, дейиш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, «Гўрўғлиниг түғилиши» эпосининг турли достончилик мактаблари вакилларидан ёзиб олинган вариантынни қиёсий таҳлил ва тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фольклоршуносларимиз Пўлкан шоир варианти бўйича маълум илмий-назарий ишларни амалга оширилар, достоннинг ҳалқчиллиги, ғоявий мазмуни, яратилиш даври ҳақида муайян қимматли фикрларни ўртага ташладилар. «Гўрўғлиниг түғилиши» достоннинг барча ўзбек миллий версия ва вариантынни қиёсий ўрганиш бу эпоснинг ҳалқ достончилигимиздаги чинакам ўрнини белгилаш имконини беради.

Жўрабой ХОЛИҚУЛОВ  
Самарқанд



Миразиз АЪЗАМ

## Нишонга уриш назарияси

Ўғлим! Қани, қайта бошлаб кўр...  
Ҳеч ким сени тушунгани ўйк.  
Ўзингни бос ва саботли бўл!  
Ҳали оздири сен ўйқотган ўқ.

Ўғлим! Тағин йўл бошига қайт...  
Қилт этмади биронта юрак.  
Қалблар мудроқ, бепарво, лоқайд,  
Ҳаммасини қўзғатмоқ керак.

Ўғлим! Бошла қайтадан яна...  
Чақнаб кетсан кўзларда учқун.  
Керак бўлса, сен ёна-ёна  
Ҳеч тинимсиз бақиргин уч кун.

Юракларга фикрингни экиб,  
Шиддат билан тақрорла тинмай.  
Кетиб қолма қўлингни силкиб,  
Ялқовларни ўйғот эринмай.

Ахир, ўғлим, тўпчилик билар:  
Қанчалик кўп отилса ўқлар,  
Нишон уриш эҳтимоли ҳам,  
Билиб қўйки, шунча кўп бўлар.

# КУЗЛАРДАГИ АЖИБ ХОТИРА

\* \* \*

Бу олам сирлидир, ҳаёт ранг-баранг,  
Күзларингда қолар ажиб хотира.  
Хар куни кўрганинг оқ ранг, қора ранг  
«Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира»<sup>1</sup>.

Чексиз, чегарасиз пахта майдони,  
Күёш ботган ҳориб. Уфқлар хира.  
Пахта ортмоқлаган қизлар сурони  
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.

Ўқдай учиб борар ҳарбий поездлар,  
Олиса болалар қичқирап «Урай»  
Поезд ҷароғида паралель излар  
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.

Самолёт тўқнашар кенг самоларда.  
Ҳавода жасадлар. Мудҳиш манзара.  
Ўн етии футбольчи навқирон, сара  
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.

Кўзиқорин каби баъзи бир кунлар  
Потир-потир чиқар зўр-зўр шоира.  
Магур кўзларида ёнган учқунлар  
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.

«Фалончи давлатнинг ҳарбий кенгаши  
Фалон эл бўйнида пашшадай хира»—  
Радиода сиёсий шарҳчи сўйлаши  
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.

Йигитлар ҳақойиқ илмин титкилаб,  
Нелардир излашар заррама-зарра.  
Чанқоқ юракларнинг қонган онлари  
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.

Уколдан қулайди буюк бир олим,  
Лоқайд кетиб борар мамнун ҳамшира.  
Катта устунидан ажралган им  
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.

Байрам. Карнай-сурнай. Қизлар. Болалар.  
Чувиллаган даҳа. «Пахтакор». Ҳадра.  
Дилга ором берган ёргу жилвалар  
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.



\* \* \*

Ҳар қандай одамда бўлар бир даҳо,  
Ҳар қандай одамда ўлар бир даҳо.  
Бу ким, деб менсимай ўтма ҳеч қачон,  
Ҳар қалбда бир гавҳар ётар бебаҳо.

<sup>1</sup> Ғафур Ғуломдан

## Бир сўз бор

Бир сўз бор — юракка ютилган, ғамгин,  
Андиша аталмиш камтарин бир сўз.  
Гарданга олар у ҳаёт заҳматин.  
Ёш келиндай орли. Уриштирмас кўз.

Тўғри, гоҳо унинг оти қўрқоқдир,  
Доим камситилар андишли шахс.  
Андиша кўпинча ёлғиздир, тоқдир  
Ва бўлар-бўлмасга бошламайди баҳс.

Сен унга ниш урсанг, индамайди у,  
Шарт айтиб ташламас сен кутганингни.  
Аммо бу кўрсатар ноҳақлигинги  
Андиша нелигин унуганингни.

## Хайрлашув

Улфати чор бўлиб ўтирас эдик  
Гуржилар, абхазлар, ўрислар билан.  
Боржом сувин ичдик, апельсин едик  
Кўнату шоколад, ирислар билан.  
Ёнда Қора дengiz, ҳаяжонли сув,  
Ўртада бир сухбат ширин ва тутув.  
Раҳмат хурмо учун, тўйдим лимонга  
Энди мен қайтаман Ўзбекистонга.

Буғун тонг тушимда, буни кўринг-а,  
Ўртага қўйибсиз лаганда тзом.  
У ҳудди ўхшармиш бизнинг норинга,  
Еб кўрсам, мазаси бошқача тамом.  
Қазили-қартали норин соғинидим,  
Тандирнинг қип-қизил нонин соғинидим.  
Раҳмат очиқ юзу туз билан нонга,  
Энди мен қайтаман Ўзбекистонга.

Уч-тўрт марта бўлдим сиз тарафларда,  
Барини — ёзлару кузларни кўрдим.  
Олма суви ўйнап юзлар, лабларда —  
Кўркем болаларни, қизларни кўрдим.  
Раҳмат, қадрдонлар, жон фидо жонга,  
Энди мен қайтаман Ўзбекистонга.  
Тошкентнинг хотамтои ёзин соғинидим,  
Ўзбек қизларининг нозин соғинидим.

Йўллар кафтдай текис, йўлкалар мармар,  
Сердаҳаёт йўлларнинг тошлари сирли.  
Ўйинлар, қўшиқлар оқшому саҳар,  
Кулгилар сержаранг — фоят таъсири.  
Раҳмат очиқ юзли азиз мезбонга,  
Энди мен қайтаман Ўзбекистонга.  
Олтиндай сап-сариқ ерни соғинидим,  
Ўзбекча ёзилган шеърни соғинидим.

Пицунда  
1978

## Ногаҳоний бир тасаввур

Орадан беш йил ўтар,  
Ўн беш йил,  
Йигирма беш...  
Умр берса,  
Мункиллаган чол, кампирлар бўламиз.  
Ўтиаркан бир кун ақрабо-хеш,  
Бу кунларни эслаб кулармиз.  
Кула-кула эслармиз ҳаммасини:  
Эсингдами, дермиз, анов-манов гаплар,  
Эсингдами, мулзэм қилгандим сени,  
Эсингдами, сен қўйган талаблар?..  
Оддий нуқсонлардан аччиқланиб  
Хукм чиқарсондик қатъий, юз-хотирисиз.  
Юрардик бир-биришимни кўпинча яни...  
Энди ўша кунларни қўмсаб кулармиз.  
Асосий масалада ҳар қалал  
Тўғри юрганимиз бўлар эътироф.  
Ёзган китобларни эслармиз бир талай,  
Худди яратгандай афсонавий Коф.  
Орадан чорак аср ўтар,  
Балки кўпроқ...

Кумушдай оқариб кетар бошлар.  
Кўзлари пирприраб, нигоҳлари чақонк,  
Кириб келар эшикдан бош суқиб  
Ёшлар.

Балки аччиқланиб,  
Кулгимизни қистатиб  
Улар најот излар,  
Биздан ҳамдард излар.  
Уларнинг феълидан  
Ўзимизни таниб  
Жилмайиб қўярмиз,  
Учрашиб кўзлар.  
Биз уларнинг қаттиқ туришларин пойлаб  
Жиддий чимирилармиз қошларни.  
Билиб-бильмасликка олармиз атайлаб,  
Кўллармиз давомимиз бўлган ёшларни.



Ёшликда ётар эдим айвонда,  
Қаршимда шовулларди тераклар.  
Тераклар шовулласа ногаҳон  
Ўйнайди ҳали-ҳали юраклар.

Тебранган теракларнинг саслари  
Ўйғотар англашилмас ҳаяжон...  
Нима у руҳиятим қўйнида,  
Не сабаб гурмушлайди азиз жон?

Дунёнинг энг ажойиб товшими  
Шамолда теракларнинг шовуллаши?  
Етакланг теракзорга, бўғислам,  
Тинчирман, тарқаб кетар дил ғаши.

Боши 13-бетда.

қошида замонавий аппаратлар билан жиҳозланган музика фольклори қабинетининг барпо этилиши фойдали бўлди.

Оғзаки ижро этиб келинаётган анъанавий профессионал мақом ва ўз тузилиши хусусиятлари билан унга яқин бўлган бошқа жанрларни ҳамда миллий музиковий фольклор хусусиятларини фаолроқ ўзлаштириб, ўз асарларида ундан кенг ва ўринли фойдаланган композиторларимизни рағбатлантириш мақсадида 1982 йилдан бошлаб мунтазам равиша конкурслар ўюнтириш ҳамда актуал ижодий муаммоларга бағишиланган иммий-назарий конференциялар ўтказиш мақбул деб топилди.

Ўзбек музикасининг тарихий бойлиги ва совет даврида эришган муваффақиятлари билан Иттифоқимиз

жамоатчилигини ҳамда чет эллик санъат муҳлисларини кенг миқёсда таниширишда «Мелодия» фирмаси томонидан «Ўзбек музика санъати» антологиясининг пластинкаларда чиқарлиши ҳам мұхим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида композиторларимизнинг бадиий-ғоявий юқсак асарларининг мунтазам нашр этиб турилишига алоҳида эътибор берилган. Ана шунда санъатимиз ютуқларини чуқурроқ ўрганишга, кенгроқ тарғиб этишга, шунингдек қардош республикалар ҳамда чет эллардаги созандада ва хонандалар томонидан ижро этилишига имкон тутилади.

Шу йил сентябрь ойида республика миз пойтахти Тошкентда ўтган улкан санъат анжумани — Совет музи-

каси кунларида Иттифоқимиздаги энг таникли композиторлар, ижрочи-лар иштирок этдилар. Бу янгрок оҳанглар байрами кўп миллатли совет музика санъати қўлга киритган ютуқларни намойиш қилди ҳамда СССР халқлари музика маданиятларининг бир-бирини бойитишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ана шундай байрамларнинг ўтказиб турилиши ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида кўрсатилиган вазифаларга мосдир.

Музика санъатини юксалтиришдаги асосий куч кадрлардир. Бу масала доимо диққат марказида тутилиши зарур. Вояга этиб келаётган ёш композиторлар, музикашунослар ҳамда ижрочи кадрларнинг йирик ижодий вазифаларни адо этишига қодирлиги, ғоявий-сиёсий савияларининг етуклиги ҳамда бадиий-профессионал им-

кониятларининг юксаклиги ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Афуски, Тошкент Давлат консерваториясида кадрларни тарбиялаш даражаси ташвиши аҳволда. Бу камчилликка барҳам бериш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Композиторлар союзи фаолияти ҳақидаги қарори фақатгина шу ижодий ташкилот фаолиятига хос бўлиб қолмасдан, барча музиковий муассаса ва ташкилотлар, ижрочи коллективлар ҳамда музика ўкув юртларига ҳам бевосита тааллуқидир. Шунинг учун ҳар бир санъат даргоҳи ана шу қарор юзасидан тадбирлар белгиламоқда. Бу тадбирларнинг ўз вақтида ва изчил амалга оширилиши ўзбек совет музика санъатининг бундан кейинги равнақида муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Ахияр Ҳакимов  
ТВОРЯЩИЕ  
ВЕСНУ

Шароф Рашидов салаба оқибатидан  
жазылған китоб. Бирнеше жаңылықтары:  
— шаржлар, — суреттер, — салттык сүйек.  
Би-шаржларда шаржлардың тарихы жөнінде  
жазылған, шаржлардың мәндерінде жазылған.



# ЯНГИ СҰЗ

Атоқли адид Шароф Рашидов асарлари миллионлаб китобхонлар орасыда машхур. «Кашмир құшиғи» жаңондагы элликтан ортик халқлар тилларига таржымалы қылышынан. «Голиблар», «Бүрөндөн күчли», «Қудратли тұлқын» романлари эса ўзбек тилидегина эмас, қардошларимиз ва күп-лаб хорижий мамлакатлар халқларыннан тилларыда ҳам нашар этилиб, көнг китобхонлар оммасыннан маңнавий мұлкига айланған. И. Султон, В. Озеров, В. Зохидов, З. Кедрина, В. Смирнова, М. Құшконоғов, Ҳ. Екубов, С. Мамажонов, А. Аброров, А. Олимжон, А. Құлжонов, У. Норматов каби олимпариимизнан монография, тадқиқоти ва мақолаларда Шароф Рашидов ижоди көнг таҳлил этилган. Н. Тихонов, М. Авезов, Г. Марков, В. Кожевников, М. Ибрхимов, К. Яшин, Б. Керебебов, Г. Гулия, Миртемир, О. Екубов ва бошқа адилларимиз унинг ижоди қақида салмоқлы фикрлар айтғандар. Бинобарин, Шароф Рашидовнан бой ижодий ийді, замонамизнан улкан қаётий масалаларинан күтариб чиққан, түрли жаңаларда яратылған асарлар түргисида устоз олыму адиллардан үтказбид янги салмоқлы фикр, мансур сүз айтиш аңча мушкул.

Ахёр Ҳакимовнан «Баҳор яратат-танлар»<sup>1</sup> китобини құлға олар экан-миз, дастлаб ана шу фикр хәлімиздан үтади. Бироқ асарнанғ сүнгі сағыфасынан ёпғач, автор атоқли ёзуви ижодига янгича ёндашиб, янги сүз айттанига амин бўламиш.

Тадқиқотчи «Голиблар», «Бүрөндөн күчли», «Қудратли тұлқын» романларыннан ўзига хос бадий хусусиятларынан, ўзбек совет романиклигидеги шаклларынан тараққиетидеги машхур асарлар тутган мавқенин белгилашни асосий мақсад қилиб қўйған. Китоб адилнинг бутун ижоди, хусусан, унинг ёрқин публицистикасы қақида маънавий тасаввур туғдидариди.

«Олтин водий булоқлар»<sup>2</sup> бобида А. Ҳакимов дилогиянын биринчи китоби — «Голиблар» проблематикаси, роман бош қаҳрамони Ойқизнинг романтик образын чиқур таҳлил қиласы, қаҳрамон ахлоқий-рухий дүненси камол топган урушдан илгарига ўзбек қишлоғининг маънавий мұхити қақида асосли фикрлар билдиради.

Ойқиз — ўзаро ҳұрмат, бирдамлик, ахиллик, ростгүйлик, ҳалоллик ҳұм-рон меҳнаткаш ўзбек оиласыда ўсан, ёзуви идеалидеги етук замондошмиз тимсоли. Адид уни юксак самимият, меҳр-муҳабbat билан тасвирлайди. Ойқиз қандай ишга қўл урмасын, қандай мақсадни амалга оширишга жазм этмасын, қалб амрига бўйсунади. Ёзуви унинг хатти-харакатлари, фикр-ўйлари фаол ижтимоий характерда эканлигига диккатни муттасил тортади.

<sup>1</sup> Ахияр Ҳакимов. Творящие весну. Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, Ташкент — 1979.

мақарши кучлар ўртасидаги кескин кураш бобма-боб, ҳаётнинг ўзак ма-салалари асосида ривожланиб борувчи бу эпик құламли полотно адабий асар конфликті хусусияти ҳақида теран мұхокама юритиши учун бой материал беради. «Юзма-юз» бобида А. Ҳакимов худи шу — дилогиянын конфликт проблемаси нұктаи назаридан тадқиқ этиш ўйлайдан боради. Автор Шароф Рашидов романларыннан конфликтини аниқлар экан, ўзбек совет адабиётіда эскиллик билан янгилек ўртасидаги кураш, зиддиятлар көнг тасвирлантанын таъкидлаб, ҳақли равишида ёзади: «Бироқ, замонамизга бағишилган асар түргисида гап кетгандан, конфликтини янгилек билан эскиллик ўртасидаги кураш, эскиллик сарқылтларини енгіб ўтиш машаққатлари биланғын чеклаб күйиш мақбул бўлмаса керак. Тўғри, эскиллик яшовчан, у кутилмаган вазиятларда панд бериб кўйиши мумкин. Албатт, ёзувиңнинг бундан кўл силташа ҳаққи йўқ. Аммо ишни фақат шунгагина олиб бориб тақаш, олға томон ҳаракатимиз туфайли юзага келган қийинчиликларни кўрмаганга олиш, бу — воқелигимиз манзарасини қашшоқлаштириш, илгари босиб ўтилмаган йўлдан бораётган совет халқининг қаҳрамонлигини камситиш бўлар эди».

Танқидчининг ўзи ана шу ақидага изчил амал қиласи, бу борада ҳам янгилек излайди ви Шароф Рашидов дилогиясынан конфликтиниң ўзига хослигини исботлайди. У «Голиблар», «Бүрөндөн күчли» романлари сюжетика бизнинг кунларимизнан реал конфликтни асос қилиб олингандыгын алоҳида таъкидлайди: «Қодировнинг янги ерларни ўзлаштириш лойиҳасига тиши-тироғи билан қарши турғанлигини ҳам, Султонов ва Абдуллаевнинг нағрангбозликларини ҳам ёзуви фақат улар онгидаги эскиллик сарқылтлари оқибатигина, деб талқин этишга мойил эмас...

Бор қийинчилик шундаки, ҳамма нарсаннан гыйлиги бу одамларнинг қўлида, районнинг қайси йўлдан кетиши кўп жиҳатдан шуларга боғлиқ. Улар қаётида юз бераётган ўзгаришлардан кўрқадилар. Чунки улар даврнинг шиддатли сдимидан ортда қолғандар, ўз ҳаловатларинигина кўзлайдилар, эгаллаб турған мансабларидан ажralish улар учун тириклий ўлиш билан баробар. Бир вақтлар кўп хайрли ишларга бош бўлган Қодировнинг ҳам, шунингдек, Султонов ҳам халқдан ажralish қолған, улар халқ қалбидаги пинжон кучни, яратувчи ижодий қудратни кўра олмайдилар. Қисқаси, халққа ишонмайдилар. «Бинобарин,— деб ёзади А. Ҳакимов,— бу ўринда гап эскиллик сарқылтлари түргисида эмас, балки кейинроқ «орттирилган» камчиликлар, шароитга мослашиш психологияси қақида Бориши мумкин».

Автор дилогия қаҳрамонларыннан миллий ўзига хослигини тадқиқ этар экан, бу масалага ҳам янгича ёндашиб. Чунончи, у Қодировнан образыннан миллий заминига алоҳида диккатни тортади. Қаҳрамон характеристидаги камчиликларнини вужудга келишида бошқа кўп сабаблар қатори ўзбек миллий турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари — анъаналар, урфодатларининг ҳам маълум даражада таъсири бор. Масалан, халқимизнинг яхши бир одати — каттаю кичик қаршишида одоб, андиша сақлаш, ўзидан каттани ҳұрмат қилиш одатини олиб кўрайлик. Қодировни ҳам колхозчилар элга хизмати сингган эскиллик түфайли миллионлаб китобхонлар қалбидан муносаби ўрин эгаллаган. Ахёр Ҳакимов «Баҳор яратат-танлар» асариди улкан адид ва давлат арбобининг ана шу салмоқли ижодини катта ҳұрмат, самимият, публицистик жұшқынлик билан тадқиқ қиласы, ёзуви романиклигин (қисман публицистикасынан) адабиётшунос ата танқидчиларимиз илгари фикр юритмаган, илғаб олмаган кўпгина фазилатларига диккатни жалб этади.

Шароф Рашидов — новатор адид. Унинг новаторлиги романларida дав-

римизнинг көнг құламли, долзарб, бутун мамлакатимиз ақамиятига молик муаммоларини ижодий дадиллик билан тасвирлаб бергани, совет адабиётіга қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш мавзунин олиб киргани, ўзбек адабиётіда омма ва раҳбар, омма ва раҳбарлик услуги масалаларини янгича талқин этгани, Жўрабоев, Ойқиз, Смирнов каби кўксиде улкан граждан шахс қалби уриб турган, фаол, илғор замондошларимиз — коммунист раҳбарларнинг ёки Пўлат, Баҳор, Анвар ва бошқа фидайи ўшларнинг ҳаётий образларини яратганлиги биланғина эмас, балки турли қинғир ўйлар орқали партия сафига сүқилиб кирган, сўнгра худди шундай йўллар билан юқори раҳбарлик лавозимларига жойлашиб олган район ижроия комитетининг раиси Султонов, районменинг учинчи секретари Тўрахонов сингари кимсалар ҳамда уларнинг ҳамтвоқлари — Алиқул, Назокат, Гафур, Махсумча, Мулла Тўрахон кабиларнинг типик образларини яратиб берганлигида ҳам яққол кўринади. Тадқиқотда ҳаётимиз учун қора дод бўлган ана шу типлардан айниқса Султонов, Тўрахонов образлари чиққалиб көрсан. Ҳусусан, «психологик жиҳатдан нозик ишланған» характеристлардан бири — принципиал коммунист, меҳрибон она, вафодор ёр, ғамхўр мураббий Хайри образи талқини адабиётшуносликда янгилек. Ахёр Ҳакимов бу образни алоҳида меҳр билан таҳлил этади. Хайри — маънавий олами бой, баркамол, ҳаётда ҳақиқат, адолат тантаси учун фаол курашувчи инсон. У ҳақиқатнинг рўёбга чиқши ўйлида ўзини ҳам, ўзгалирни ҳам аямайди. Бу — қаҳрамоннинг Зебига муносабатида айниқса яққол кўзга ташланади. Хайри аввалига Акрамхон Тўрахоновдан андиша қилиб Зебининг тақдирiga аралашмайди, ҳатто айтиш мумкинки, маълум муддат унинг тақдирiga қизиқмайди ҳам. Бироқ вазият кескинлашшиб Зебининг ҳаёт-мамоти масаласи кўндаланг бўлгач, қатъий жаңгга киришади, муштипар, мутеаённи муттаҳамлар чангалидан куткаради.

Шароф Рашидовнинг совет роман-чилиги, публицистикаси, кинодраматуригияси, қолаверса, шеърият тараққиётига мұхим ҳисса бўлиб қўшилган романтик, публицистик ижоди юксак инсонларвартын мөньяти, ҳамиша меҳнаткаш инсон, унинг баҳтсаодати учун курашга даъват этиб желаётган жанговар партияий руҳи, покида түйғуларга йўғирлганлиги туфайли миллионлаб китобхонлар қалбидан муносаби ўрин эгаллаган. Ахёр Ҳакимов «Баҳор яратат-танлар» асариди улкан адид ва давлат арбобининг ана шу салмоқли ижодини катта ҳұрмат, самимият, публицистик жұшқынлик билан тадқиқ қиласы, ёзуви романиклигин (қисман публицистикасынан) адабиётшунос ата танқидчиларимиз илгари фикр юритмаган, илғаб олмаган кўпгина фазилатларига диккатни жалб этади.

Бинобарин, қардош адабиётшунос олимнинг бу китоби ўзбек совет адабиётшунослигига янги сўз, қуончли воқеадир.

Маҳмуд САЪДИЙ

<sup>1</sup> Ахияр Ҳакимов. Творящие весну. Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, Ташкент — 1979.

# ЯНГРОК

## КҮЛ

(Хикоя)

Борис Никитин 1946 йили Қозғистонда туғилған. Сакнис болани тарбиялаб вояга етказған бувиси Ефросинья Емельяновна жаҳон адабиёті билан яхши таниш, Пушкин, Толстой асарларини севиб мутолаа қиласы зди. У Борисни адабиётта ҳавасманд қилиб тарбиялади.

Борис Никитин Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишларыда ишлади, Ўзбекистонга ҳам күп келиб, халқымиз ҳаёті билан қизиқди. Журналимызда унинг БАМдан юборган хати зълон қилинганды. Борис күпгина ҳикоялар ёзған, лекин уларни нашр этирмаган. Қуйиды ёш адебнинг бир ҳикоясини эътиборингизга ҳавола этаёт тирмиз.



**9** Й ЕДУСИ осмонни чулғаб, сүтдек тиниб қолди. Үйкүм қочған зди. Шу ажыб ёғду менга нима ниңдирил эслатади, безовта қиласы. Ой ёғдуси... Қир. Құл... Янгроқ құл!..

Ха, ха, ўша кечә ҳамон күз ўнгимда. Катта күлнинг қамишзор соҳили, ажойиб ов кечаси, қамиш ката, Немат амаки. Яна Эркин ҳам бор зди. Тонгнинг бўзарби балқишини томоша қилдик, эндигина чиқиб келаётган күёш нурларидан заррин тусга кирган қирғовуллар учуб ўтди. Ҳаммаси эсимда!

Немат амаки жўрам Эркиннинг ўғай отаси, кўпни кўрган овчи зди. Қанча ялинсак ҳам, одатда бизни овга олиб чиқмас, қўшотарига питра тайёрлаш учун кўроғосин эритишни гина бизга ишониб топширади. Ўқни эса ўзи жуда пухта қилиб жойларди; аввал дорини, кейин питрани патронга эҳтиёт билан тўлдириб, сўнг тикин билан зичлаб, ўқдонга яхшилаб тेरарди.

Ўқлари ҳамма вақт саноқда бўларди.

Мен Немат амакига, унинг бақувватлигига, бошқаларникидан ажралтирадиган, овчиларга хос пишиқ қоматига ҳавас қиласидим. Чайир, дағал панжалари билан катта-катта михларни биз учун маҳсус қайриб ҳалқа ясад кўрсатганида завқланиб кетардим.

Ёдимда, Эркинга ҳавасим келарди. Қанни энди Немат амаки менинг дадам бўлса! Эҳ!.. Унинг жилмайиши шу қадар ёқимили, гўё ҳамиша факат мен учун жилмайиб тургандек. Балки чиндан ҳам шундайдир: менинг дадам йўқ зди-да...

Немат амаки кутилмагандага бизни тунги овга таклиф қилиб қолди. Биз узоқ йўл юрдик, бир неча кир ошиб, буғдойзорларни тикка кесиб ўтдик. Олдинда күёш ботиб бораради. Сўнгги илик нурлар майсаларда товланади. Кейин майсалар ҳам қорайди. Олисларга кирларда йилклилар қора нуқталарга ўхшаб кўринар, той-чиқларнинг кумуш жарангидек киши-

нашларигина етиб келар зди. Тўргай садолари ҳам тинди. Явшан ҳиди анқиди. Даралар уйқуга толмоқда зди.

Намхуш ҳаводан сездикки, кўлга яқинлашиб қолибмиз. Чиндан ҳам, кўп ўтмай соҳилдан чиқиб қолдик. Кўл кўз ўнгимизда худди қизил кемаден аста чайқалди. Мудраган қизгиш қамишзорлар ҳам сесканиб кетган-дек бўлди. Кўлнинг ўртасида сапчиған балиқнинг сирти йилт зди. Бепоён уфқулардан қалқиб чиққан тун гўё майсалар, қамишзорлар устидан юриб келиб, атрофни батамом кўршади-да, ой шуъласида чўмилиб ётган кирларга юлдузларни сочиб юборди, бунинг сеҳридан олам аста мудраб уйқуга кетди...

Немат амаки бир пасда капа тикиди, биз югуриб-елиб унга қарашдик. Яқин атрофдан кучоқ-кучоқ қамиш ўриб, хас-хашак тўплаб, «кўрпа» тўшадик, боғ-боғ шох-шабба териб келдик.

— Бўлди, бас,— деди Немат амаки терлаб-пишганимиздан кулиб,— қароргоҳимиз жуда шоҳона бўлиб кетди!

Мана, ҳамма нарса тайёр, саришта. Сув ёқаси салқин, сал шабнам ҳам тушган, намчил. Чарс-чурс ёнаётган гулхан олдида ўтирибмиз, гурнумиз файзли. Қўрга кўмилган картошкамаримиз ҳам бир зумда пиши; биз уларни совутиш учун аввал майсада юмалатиб, кейин кафтимида күх-кухлаб куюк пўстлоғини кула-кула артамиз-да, ҳовури чиқиб турган дуд мазали таомни иштаҳа билан еймиз. Ёнгинамизда кўлнинг қамишлар орасида уйқусираб тўлғангани сезилади. Ой чараклаб турди. Олисларгача ястанган зангори қирда, гўё фусункор эҳром устунларидек чексиз, юлдузли осмон гумбазини қимир этмай сијаб турган шуъла оқимлари орасида бизнинг кичкинагина гулханимиз худди жонли нарсадек типирчилайди.

Унинг ёлқин тиллари бизни сеҳрабаб қўйди. Қамишзорда уйқусирабми чийилаб кўйган қушчанинг ғалати ҳаяжонига, қаердадир кўхна кўргонларга яқинлашиб келган безовта йил-

ки ўюрларининг дупурига, гоҳ чапдан, гоҳ ўнгдан бошимиз узра ҳавони шопириб учган кўршапалакларнинг учшига жимгина қулоқ солардик. Кейин яна суқунат, ой шуъласи элитган заминнинг беташвиш ороми...

— Биласизларми...— деди Немат амаки тўсатдан. Лекин бир зум сукут қилиб, кейин гапини давом этирди:— Биласизларми, құл... Құл ҳам жаранглайди.

Биз нима дейишимизни билмадик.

— Жаранглайди,— деди у.— Айниқса, кузда. Атроф жимжит, мана ҳозиргидек, шабада қимир этмаган пайтда. Ҳа-ҳа, жаранглайди!

Биз кўлга қулоқ тутдик. Жимжит.

— Мен эшиганиман,— деди Немат амаки ва тун кўйинда қорайиб ётган қамишзорга қарди.

Гулханнинг алансиги пасайган, тикилиб қараган одам қоронғида кўлнинг симобранг сатҳини кўриши мўмкин зди. Лекин кўл жимжит.

— Катта бўлғанларингда сизлар ҳам эшигасизлар кўлнинг жарангни. Лекин у ҳамманинг қулоғига ҳам эшитилавермайди.

— Нимага?— деди Эркин иккаламиз баравар сўрадик.

— Кўлнинг ўзидан сўранглар,— деди Немат амаки кулиб,— балки сизларга айтар. Ана, эшитилар-эшитилмас шовилляпти.

Биз яна қулоқ солдик. Кўл гўё нафас олар, қамишлар шивирлашар, тун ғалати, сирли садоларга тўла зди.

— Кўлнинг жарангни ҳақида гапиринг,— дедик Немат амакига. У аста папирос туатди. Гулханга тикилганча узоқ ўйланиб қолди. Биз уни шоширмадик: қани кутайлик-чи.

Ниҳоят, у бизга қарди.

— Ҳўш, қулоқ солинглар бўлмаса... Бурунги замонда мана шу кўлга яқин юртларни бир жаҳонгир сўрар экан. Кўп элу элатни босиб, машрикдан мағрибгача ҳамма ерларнинг бутун ҳусну мўъжизасини кўрган экан.

— Мўъжиза борми?

— Бор. Дунёда ҳамма нарса бўлали. Шундай қилиб,— деди давом этди Немат амаки,— жаҳонгир бора-бора ҳар қандай мўъжизага ҳам бепарво

бўлиб қолибди. Жуда зерикар экан. Бир куни вазиридан ғалати ҳабар эшитибди: қандайдир чўпоннинг айтишича, жаҳонгирнинг мулкидаги мана шу кўл кечалари жаранглар эмиш... Кекса чўпонни топтириб келибди. «Ҳа,— дебди қария,— жаранглайди». «Мени лақиллатмоқчимисан, маккор чол?— дебди жаҳонгир.— Мен бу кўлни болалигимдан бери биламан, унинг жаранглаганини эшигтан эмасман». «У ҳаммага ҳам жаранглайвермайди-да,— дебди қария.— Фақат ихlos билан қулоқ солганини кишигина эшигади. Ҳурматини жойига кўйиб тинглаш керак. Қўл ҳам ўз иззатини билади». Жаҳонгир кулибди: «Тентак эксансан, қария. Мен бутун жаҳонни кезиб, жами оламга қулоқ согламан. Менинг кўрганларимни, эшигларимни сенинг болаларинг ҳам, болаларингнинг болалари ҳам кўрмайди, эшигтмайди. Бир умр шу кўл бўйида мол кетидан юргансанда, нимани ҳам билар эдинг? Йиғиштири сафсатангни!» Қари чўпон унга ҳеч нарса демабди. Индамай тураверибди. Жаҳонгирнинг газаби келибди: «Ё сендан ақллироқман, демоқчимисан? Билиб қўй, мени лақиллатган бўлсанг, ажалингдан беш кун бурун ўласан! Навкарларим бу хом каллангни сапчадай шартта узиб ташлайди!», дебди. Шу кундан бошлиб жаҳонгир кундузлари ухлаб, кечалари, қирда қўй сутининг ҳиди анқиганда саройдаги ишратпараст улфатларини етаклаб кўл ёқасига кетадиган бўлибди. Кўлнинг жарангларини эшигиси келаркан-да! Улфатларининг ҳар кечә соҳилда тунашга хушлар ийк экан-у, лекин жаҳонгир амри — вожиб, нима ҳам қила олишарди? Кўнгил очиш учун соҳилда гулханлар ёқиб, айшу ишрат қилишар, меш-меш қимиз ичб, чора-чора гўшт еб, узоқ мамлакатларда кўрган-бўлғанларидан мастона гурунглышар экан. Кўл бўлса ойдинда симбодай чайқалармиш, лекин садо чикмасмиш.

Шу тарзда ёз ўтибди. Кўл жарангламабди. Кечалари изғирин турадиган бўлиб қолибди. Улфатлар жунжикиб, тезроқ саройга қайтиш пайдан бўли-



Расмни Н. ИБРОХИМОВ чизган

шар, жаҳонгирга ошкора шама ҳам қилишар экан: айёр чол алдади, қалака қилиб юргандир, деган маънода... Жаҳонгир бундай пайтларда афти бўзариб, ғазабдан қақшар, чўпонни чақиришар экан. «Менга қара, аҳмоқ чол,— дер экан дағдага билан,— мен улфатларим билан бутун ёзни кўй ёқасида ўтказдим. Лекин кўлдан бирор садо эшитганим йўқ. Бугун охирги кече соҳилда тунаимиз. Агар кўл бугун ҳам жарангламаса, каллангни кўлтиқлатаман!» «Начора, иҳтиёр ўзингда, олампаноҳ», дебди қария. Муозизмлар кўл ёқасига алвон гиламлар тўшаб, меш-меш қимиз ташиб, дастурхонларга ноз-неъматни тўкиб ташлашибди. Жаҳонгир кирқ канизак ўртасида ўтириб машшат бошлибди. Атрофида аркони давлат, аъёну муозизмлари. Юзлаб гулхан ёлқини кўкни тутиб, сю юлдузлар хира тортибди. Яланг оёқ кари чўпон бўлса соқчилар куршовида кўлнинг бир чеккасига қамишзорда маъюс ўтирибди. Шу зайдада тун ҳам ўтиби. Охирги тун. Эртасига дарғазаб жаҳонгир чолни чақириби. «Хўш,— дебди у,— балки сен эшитгандирсан кўлнинг жаранглаганини?» «Ҳа, эшитдим олампаноҳ»,— дебди чол. Жаҳонгирнинг афти буришиб кетибди. «Балки сизлар ҳам эшитгандирсизлар?», деб бақирибди навкарларига. «Ҳа, қиблагоҳ»,— дейшишибди навкарлари. Жаҳонгир ғазабдан тутика, қиличини қинидан суғурибди чолнинг ҳам, учала навкарининг ҳам калласини шартта-шартта чопиб ташлабди. Кўлнинг шаффо тўлқинлари ёлқин тусига кириб қолибди...

Неъмат амаки жим бўлиб қолди. Сўнаётган гулхан унинг юзини сал ёритиб турарди. Ойни қора булат тўсган, қоронғида кўл тўлғонгани сенлилар, у гўё ҳали ҳам шўрлик чол

ва ёш навкарлар фожиасини эслаб қийналётгандек эди.

Неъмат амаки бизга қаради:

— Кўлнинг жаранглаганини эшитгиларинг келяптими?

— Ҳа,— дедик аста шивирлаб.

— Эшитасизлар. Катта йигит бўлганда, яхшилаб кулоқ солишини ўрганиб оласизлару албатта эшитасизлар.

— Ҳали буни ўрганиш ҳам керакми?

— Бўлмаса-чи!— деди жилмайиб Неъмат амаки.— Ҳамма нарсани ўрганиш керак. Мана, ҳозир тепамиздан кўршапалак учуб ўтди, пайқадингларми?

Эркин иккаламиз бир-биримизга қараб олдик.

— Пайқамадинглар,— деди Неъмат амаки,— мен бўлсан пайқадим.

Биз беихтиёр тунги осмонга қулоқ тутдик, аммо чексиз қирлар жимжит эди. Тепаликлар маст уйқуда. Узоқдаги йилқилар ҳам тик турганча уламамтиликан!

— Дада, кейин-чи, кейин нима бўлди? Жаҳонгир...

— Кейинми?— Неъмат амаки чўдан кўз олмай ўйчан давом этди...

— Кейин жаҳонгир хомуш тортиб ўйланиб қолади. Ўйқуси қочади, хижил бўлади. Нега дейсизларми? Жаҳонгир ўйлаб-ўйлаб фаҳмладики, чол уни алдамаган, чол кўлнинг жаранглаганини эшитган. Лекин нима учун охирги кече «Эшитмадим, қиблагоҳ», деб қўя қолмади? Наҳотки, рост гап ўлимдан зўр келса? «Кўл жарангламади, кўл ўликдай безабон, тақсир, бир қошиқ қонимдан кечинг!», деса, шоҳ саховат кўрсатиб, бўшатиб юбориласмиди? Жаҳонгир шуни ўйлаб ич-этини ер экан. Наҳотки, кўлнинг жаранглаганини эшитолмаса? Ахир, шу соҳилда қанча ўшаган, қанча машшат қилган, сон-

саноқсиз уюрлари шу кўлдан сув ичган!.. У ҳаловатини батамом йўқотибди. Кекса чўпоннинг айтганларини эслабди: «Агар кўлга ихlos билан қулоқ тутсангиз, унинг ўзи истагандай разм солсангиз...» Жаҳонгир кечалари ҳаммадан яшириниб кўл ёқасига чиқадиган бўлибди. Энг соқин, оппоқ-ойдин, осоишта кечаларни танлар, кимир этмай ўтириб қулоқ солар экан. Аммо кўл жарангламасмиш. Балки жарангласса ҳам, жаҳонгир тинглашни билмас, кўлнинг жаранглаганини учуб ўтган қуш қанотларининг шарпасидан фарқ қиломас экан. Кунлардан бир кун жаҳонгир кўл ёқасидан қайтмабди. Гумдон бўлибди. Чўкиб кетдими... Қайдам энди... Ҳеч ким билмайди. Ҳеч ким унинг номини ҳам хотирламайди. Умрида бировга яхшилик қилмаган экан-да.

— Шуми?— деди Эркин.

— Ҳа, шу. Дарвоқе, қариялар орасида бир гап борки, гўё ўша жаҳонгир ҳали ҳам кечалари шу кўл бўйида соядай тикка турлиб, қулоқ солармиш...

— Кўл-чи, кўл?..

— Кўл чиндан ҳам янгрок. Кечалари ҳали-ҳамон янграйди.— Неъмат амаки оёкларини узатиб, чигилини ёзи.— Ўша садо кўпларнинг қулоғига чалинади. Катта бўлганларингда сизлар ҳам эшитасизлар,— дея кулиб тақорлади у.

— Янграйди, десак одамлар бизга ишонишмаса-чи?— деди Эркин.

— Ишонишмаса... Сизлар бари бир ёлғон галирмайсизлар-ку?

— Ростини айтамиш!— дедик биз.

Неъмат амаки сал жилмайиб, чўнтағидан папирос олди-да, кўл томонга бурилиб тутатди.

Гулханнинг чирсиллаб ёниши эшилди, кўлнинг қорамтирип сатҳи қа-

мишларни аста шовиллатиб тебранди. У томонга узоқ қараб туришга юрак дов бермас, олисларда сирли кўлга тикилган жаҳонгирнинг қоп-қора сояси пайдо бўладигандек туюлар эди.

— Энди ётиб ухласак ҳам бўлар,— деди Неъмат амаки.— Саҳарлаб турдимиз, ўрдаклар учуб кетмасдан...

Капага кириб бир-биримизнинг пинжимизга тиқилганча эндигина кўзимиз илинган экан, уйқу арапаш Неъмат амакининг товуши эшилтиди: «Эртак бу, эртак. Бир вақт келиб сизлар ҳам уни ўз болаларингизга айтиб берасизлар». Кейин ухлаб қолбимиз...

Эркин иккаламиз тонгда туролмадик. Кузги ҳашак, қамиш ҳиди анқиган капада уйқу шунақа ширин бўлар эканки... Уйғонганимизда қирнинг паға-паға туманлари ичиди совук тонг туғилиб улгурган, кўлнинг қизғиши тўлқинларида чорлоқлар чайқалар эди. Неъмат амаки бизни ўйғотмаслик учун узоқроққа бориб отиб келган ўрдагини кўрсатди.

Уйга отландик. Кўлдан эндигина узоқлашганимизда сехрли бир жаранг осмондан тушиб кўнгленизга чўкди. Бошимизни кўтардик, қўксимиз енгил, ширин, соғ ҳавога тўлди.

Тиник, мовий юксакликда турналар арқон солиб учуб борар, уларнинг жарангли ҳайқириқлари бутун оламни тутган эди. Арғамчи бора-бора ипдек ингичка тортиб, кўздан йўқолди. Жарангли садоси эса ҳамон кўксимизда...

Болалигимизнинг яна бир ёзи шундай ўтган эди.

Бунга анча бўлди. Энди Неъмат амаки йўқ. Болалигимиз ҳам ўша янгрок кўл соҳилида қолиб кетган.

Асқад МУХТОР таржимаси

# НАЙМАТАК

## ДИД

Хаваскор рассом Суръатжон узоқ муддат уриниб яратган асарини құлтиқлаб, ҳаяжонини босолмай, редакция останасига қадам қүйди. У «Рассом» деган ёзуви бор эшикни тақилати, охиста очди. Патила-патила сочлари елкасига тушган, қирра бурун, құнғиздең мүйлови ориқ йигит папирос бүркітгана ниманидир үчириб үтиради. У Суръатжонга бир қараб олиб:

— Келинг, шоир! — деди-да, яна ишини давом эттираверди. Суръатжон хонага кириб, ходим билан құл берип сұрашды. Сұнгра:

— Мен шоир эмас, рассомман,— деди ийманиб.— Ҳаваскор рассомман...

— Рассомман, дөң? Оббо, шоир-эй, нега тикка турибисиз? — Ходим ясама виқор билан сұзларди.— Үтириңг! Ҳүш, хизмат, шоир?

— Мен шоир эмас, ҳаваскор рассомман.

— Биламан, биламан. Шоир бүлганингизда Жавлонийга киардингиз.

Рассомсизки, менинг ҳузуримдасиз! Биламиз, шоир, биламиз. Биз ҳам осмондан түшмаганмиз, шу рүйи заминнинг одамимиз, унча-мунча саводимиз бор, дидимиз бор. Ҳүш, гапириңг, шоир!

Суръатжон үнғайсизланди. Бир оз саросимага түшиб, портфелидан үзи изған портретни олиб күрсатди.

— Мана, ака, яхши ният билан мавлоно Лутфийнинг портретини чизувдим. Бир күриб берсангиз,— деди ийманиб. У бир зумда терлаб, қизабрик кетди.

— Ҳой шоир, бу қаҳрамонингиз нечанчи асрнинг одами үзи? Шу замонда ҳам қават-қават яктагу түн киядими киши? Бизга замонамиз қаҳрамонларининг портрети керак! Лоақал буни соқол-мүйлабсиз чизсангиз ҳам бүларди. Яна бошида саватдек салла! Нега дүппи кийдирмадингиз? Топилмадими?

— Жон ака, ахир бу киши Лутфий...

— Нима үша Мавлон Лутпий...

Латипов бўлса керак асли... Дўппи киймайдими? Кияди!

Рассом портретга қайта разм солиб, уни синчиклаб кўрган бўлди. Сўнг портретни стол устига кўяркўймас авторнинг олдига сурди.

— Қайта чизинг! Костюм, дўппи кийдиринг. Айтинг, соқолини бутунлай олдирмаса ҳам замонавий килиб калтагина қирқтиурсин Латипов домла. Қўрқмасин, яна қайтиб чиқади бу соқол деган жонивор. Айтмоқчи,— ходим Суръатжонга тикилди, бу қаҳрамонингиз, яъни Латипов домла қаерда ишлади үзи? Ёки пенсионерми?

— Айтдим-ку, бу киши мавлоно Лутфий, забардаст шоир,— Суръатжон яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаётган эди, рассом шарақлаб кулиб юборди.

— Вах-ваҳ-ваҳ! Шоир дегани ҳам шунақа кийинадими? Ёки ўзингизнинг ижодингизми бу кийимлар? Қаҳрамонингиз катта шоир бўлса, бирорта орден ёки медали бордир? Сиз чи заётганингизда тақиб турса бўлмайдими? Лоақал университет значоги бордир. Қайта ишлаганда ана шуларга эътибор беринг, шоир, ҳўпми? Бизда ҳам унча-мунча дид бор, ука. Ҳа, шундай қилинг!

— Рассом ака, ахир бу киши...

Редакция ходими Суръатжоннинг гапини шартта бўлди:

— Ҳамма гап тушунарли, шоир. Бу киши, яъни қаҳрамонингиз — катта шоир! Мен айтган гаплар асосида асарни қайта ишланг, зарар



Расмни Р. ЗУФАРОВ чизган

кўрмайсиз. Бизда ҳам унча-мунча дид бор... Ҳўп, ҳайр, шоир! Қаҳрамонингизга биздан салом айтинг. Бундан кейин умуман ижодингизда замонавийлик энг олдинда турсин, шоир ука. Қўришгунча ҳайр! — Ходим иккى бармолини лабига тегизиб ўпдию қўлини кўтариб ҳайрлаши.

— Қойил! — деб қўйди Суръатжон тақшарига чиққач.— Ҳайрлашиши ҳам замонавий!..

Музаффар ТУРСУНОВ

## Кулоққа

### ЧАЛИНГАН

#### ГАПЛАР

##### УЧРАШУВ

— Яхши қиз, сизни қаердадир нўрганга үхшайман.

— Эҳтимол.

— Қаерда ишлайсиз?

— Ҳушёрхонада.

##### УЗРИ ГУНОҲИДАН ОҒИР

— Алло, алло!

— Биродар, сиз яна янгилишиб бизнинг хона-га телефон қиляпсиз?

— Биламан, ўйлаб нўрсам, биринчи марта сизни безовта қилганимда узр сўрамапман, эшиятапсизми?.. Алло, алло!.. Оббо, яна бир телефон қилиб узр сўрасамми-кан? Жаҳли чиқиб труб-нани қўйиб қўйди ше-килли.

##### ҲАР КАЛЛАДА БИР ҲАЁЛ

— Онаси, сен ҳам си-ра эртаги кунни ўйлай-санми?

— Вой, бўлмасам-чи, эртага бриллиант узук олиб берасиз, индинга бориб чет эл саёхатига путёвкани суриштирасиз, кейин янги «Волга» ол-сан...

— Э, бўлди, бўлди, шу кунимиз тузук экан, онаси!..

С. САҶДУЛЛАЕВ тўплаган



— Иккى оғиз сўз айтсангизлар.

— Биз айтадиган сўзимизни айтиб қўйдик.

Изоҳнинг ҳожати йўқ.



— Қани энди сиз кетмасангиз-да, Қорбобо келмай қўяқолса!..

— Одам деган шунча ҳам майда гап бўладими? Завод қўраси ивирсib ётганимиш...






— Қа-қа-қа-қа-қа-қааа?  
— Кишт-э! Үзларингни шўрвага бостираганимга шукур қил ҳамманг.



Ғийбатчи: — Бу қандай сотувчи ўзи!. Тилидан бол томади-я. Тавба, жанжаллашишга сабаб ҳам тополмайсан!

Истрофарчиллик томон қўйилган биничи қадам.



Биринчи бет: Октябрь революяси номидаги Мехнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Тепловоз ремонти заводида КПСС XXVI съезди шарафига қизгин давом этаётган социалистик мусобақа голиблири (чандан): тепловоз цехининг слесари, завод партия комитети буюснин аъзоси **Турсун Солихов**, ром-кузов участкаси бригадири **Кучкор Қорабоев**, тепловоз цехи слесари **Маннап Ғуломов**, тепловоз цехи бригадири **Холмат Шерқўзиев**, темирчиллик цехининг илгор ишчиси **Гулчехра Ранабова** ўртоқлар 1919 йилдан КПСС аъзоси, за-

вод ветерани Р. Школьниковни шонли инқилоб йилларининг фаол иштирокчиси, устод сифатида ғоят қадрлайдилар, ундан маслаҳат, йўл-йўриқ оладилар.

Тўртинчи бет: Үзбекистон телевидениеси ва радиоси Эстрада симфоник оркестрининг хонандаси **Раъно Шарипова** ижрочилик маҳорати ва репертуарининг ранг-баранглиги билан Бутун иттилоқ конкурсларининг лауреатлигига сазовор бўлди.


**Б. МИЗРОХИН** фотоси

#### МУҚОВАДА

«Самарқанд» совхози ишчилар комитети раиси Бозор Равшанов Нормамат Пардаевга кўчма вимпели топширас экан, у бошлиқ илгор бригада аъзоларининг фидонорона меҳнати ҳақида алоҳида тўхтади.

Бригада бошлиғи Қудрат Ҳаққулов — илгор механизатор Тожи Қодировнинг устоди.

**Ж. ТУРАЕВ** фотолари



## КРОССВОРД

Энига: 4. От. 6. Қирғизистондаги курорт. 8. Үсимлик. 10. Ичимлик. 11. Африка ва Жанубий Америкада сийрак бутазорлар жойлашган кент ялангликлар. 13. Чехословакиядаги шаҳар. 14. Аёл исми. 15. Француз ёзувчи. 18. Лашкарбоши. 20. Ҳалқ достони. 23. Геодезия асбоби. 27. Мамлакатимиздаги кўл. 28. Металл. 29. Европадаги давлат. 32. Қариндош. 33. От-улов анжоми. 34. Полиграфия корхонаси. 35. Спорт тури.

Бўйига: 1. Тасвирий санъат жанри. 2. Лофт. 3. Соҳибкор. 5. Қадимий шаҳар. 7. Алишер. Навоний достони қаҳрамони. 9. Илтимоснома. 10. Бошпана. 11. Қайд этувчи физик асбоб. 12. Ҳайъат илми. 16. Сабзазот. 17. Инерт газ. 18. Мусиқа асарига тақлидан яратилган ашула. 19. Ажнабий пул бирлиги. 21. Ўрта Осиёдаги тизма тог. 22. Лаёқат. 24. Айний асарининг қаҳрамони. 25. Шифобахш гиёҳ. 26. Кассб. 30. Санъаткор. 31. Кимёзий элемент атомларининг ҳар хил тури.

Тузувчи А. ҲАҚИМОВ

Денов

#### 10-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ:

Энига: 2. Шам. 7. Микеланжело. 10. Кола. 11. Бром. 14. Нотиқ. 15. Ҳимолай. 16. Туман. 19. «Болалик». 20. Мис. 21. Охунова. 26. Табиатшунос. 27. «Ҳалоскорлинк». 29. Никотин. 30. Шар. 31. Колхода. 34. Аскар. 36. Заркент. 37. Қовун. 41. Кино. 42. Аппа. 43. Жибилалибон. 44. Тол.

Бўйига: 1. Тамараҳоним. 3. Гилам. 4. Дельфин. 5. Ижодкор. 6. Эльба. 8. Коми. 9. Бону. 12. Новосибирск. 13. Марваридгул. 17. Мичурин. 18. Ахборот. 22. Чад. 23. Тош. 24. Май. 25. Сим. 28. Ҳайкалтарош. 32. Ражабий. 33. Антоним. 35. Атири. 38. Охра. 39. Соҳил. 40. Баҳор.

Бош редактор — Асқад МУХТОР

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Ваҳид ЗОҲИДОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ [бош редактор ўринбосари], Сайд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Техредактор А. САИДУМАРОВ

Корректор Н. ИУЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент.— П. Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сийёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 24.09.80 й. Босишига рухсат этилди 27.10.80 й. Р—16670. Қоғоз 70×1081/к. Ботиқ усууда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоги 7,80. Тиражи 267690. Буюртма 4109. Нашр А—107.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Мехнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси 26.

Серқуёш ўлкамиз меҳнаткашлари халқ хўжалигининг жуда кўп соҳала-рида ўнинчи беш йиллик план ва мажбуриятларини муддатидан анча илгари шараф билан адо этиб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қила бошладилар. КПСС XXV съезди шарофати билан бунёдга келган кенжа районлар, корхоналар, совхозлар эса республикамиз халқ хўжалиги тараққиётига ўз муносабиқ қиссаларини қўша бошладилар. Қарши чўлида янги ташкил этилган Таллимаржон райони ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили пахта мавсуми илгорларидан бири бўлди. КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартияси XX съезди шарафига қизгин давом этаётган социалистик мусобақада фаоллик кўрсатиб, йиллик планни, шўнингдек, ўз зиммаларида оширилган мажбуриятни мувваффақиятли бажардилар, қабул пунктларига 45 минг тоннадан зиёд пахта топширилар.

#### СУРАТЛАРДА:




Таллимаржон районидаги «Самарқанд» совхозининг меҳаник-ҳайдовчилари — ана-ука (чандан) Уроқ, Қурбон, Болта, Үроз ва Ҳамро Норов ўртоқлар КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа байрондорларидирлар.

ВЛКСМ XVIII съезди номидаги совхознинг донгдор механизатори Насридин Абдулаев, бош агроном Равшан Акимов, бригада бошлиғи Сайд Жуманизев ўз меҳнатлари самара-сидан мамнун.

ВЛКСМ XVIII съезди номидаги совхознинг бу йил 500 тонна «оқ олтин» теришига сўз берган механизатори Маҳбуба Сайдолимовани эл эъзозла-моқда.

Қалб амри билан «Навбаҳор» совхозига ишга келган ёш механизатор Сония Мустақимова меҳнатда камол топмоқда.

«Самарқанд» совхози ишчилар комитети раиси Бозор Равшанов Нормамат Пардаевга кўчма вимпели топширас экан, у бошлиқ илгор бригада аъзоларининг фидонорона меҳнати ҳақида алоҳида тўхтади.



ISSN 0134—2207  
Бағосы 30 тийин  
Индекс 75233

